

ХУРШИД ДУСТМУҲАММАД

ҲИЖРОНИМ МИНГДИР МЕНИНГ...

Қисса ва ҳикоялар

«Ёзувчи» нашриёти
Тошкент

ҲИЖРОНИМ МИНГДИР МЕНИНГ

Қисса

Инсон қалбининг энг нозик, энг дахлсиз, энг эрка туйғуси — муҳаббат! Езма ижоднинг энг самимий, энг сирли ва энг жозибали шакли эса — мактуб. Муҳаббат жозибасию сеҳрини баён этишда мактубдан қулай ва табиий шакл йўқ.

Азиз китобхон! Қиссадаги мактубларни Сиз ёзгансиз, уларнинг бари Сизники. Ишонаверинг, қиздир-йигитдир, истаган киши бундай ишқномани битишга қодир. Фақат бунинг учун кўнгил беғубор севги сурурию бокира муҳаббат изтиробини бошдан кечирган бўлса бас.

Муаллиф

Ҳеч кима маълум эмас
ҳоли паришоним менинг.

Машираб

Йигит ва Қиз бир-бирини шу қадар севиши мумкинми? Шу қадар бир-бирини кўнларга кўтариши, дунёнинг гўзаллигию бахт-иқбол чўққисига бир вужуд, бир юрак бўлиб янгилиши ҳаётда учрайдими?

«Ҳижроним мингдир менинг» қиссасини ўқисангиз, бу каби саволларга тасдиқ маъносида жавоб қайтарасиз. У ҳолда нега қисса қаҳрамонлари бўлмиш Йигит билан Қиз муродига етмади?

Ёзувчи услубининг ўзига хослиги ҳам шунда. Унинг ушбу китобидан жой олган қисса ва ҳикоялари ўқувчининг олдига ғалати ҳолат ва жумбоқларни кўндаланг қўяди: китобхон ўйлайди, ўйларига яраша ҳукм-хулосалар излайди...

Д 4702620201—03 — режа асосида — 2000 й.
М 362(04)—99

ISBN 5-8255-0581-4

© Хуршид Дўстмухаммад,
«Ёзувчи» нашриёти, 2000

1

... асл гавҳар қандай бўлишини биласизми? «Дур, ёқут, марварид» дерсиз. Тополмадингиз, тополмайсиз ҳам. Одамлар одатда ўзлари етишолмаётган, қўлга кирита олмаётган нарсаларни шу қадар яхши биладилару, ёнгиналаридаги бойликнинг ёки топилдиқнинг фарқига бормайдилар, қадрига етмайдилар.

Нимага шаъма қилаётганимни сездингизми? Жавоҳирнинг асили дур ёхуд марварид эмас, асло, жавоҳирнинг асили — Сиз, Сизнинг ўзингиз!..

Сизни биринчи бор учратганимда қандай аҳволга тушганимни айтай: кўндингизга олмангу, Сизга бирров ~~ни тополмадим~~да манглайингиз, яноғингиз, юзингиз бу қадар қобилигини кўриб, ичимда, «Бундай қизнинг қадри беғубор баъдан азиз беғубор бўлади» деб юборганман. Қўл узатиб, ўзимни таништирамоққа чоғланганман ҳам, лекин...

3

Орадан йиллар ўтди. Биласизми, мен ҳеч кимдан бегонасирамайман, етти ёт бегона билан ҳам зумда тил топишаман. Сизга эса юрак ютиб оғиз очолмадим. Сулув чеҳрангизни эмас, сулувликни кўз-кўз қилаётган чеҳрангиздаги нурдек оқликни кўриб ақлим шошиб қолган.

Ҳар кишида то умрининг охиригача гўдаклик туйғуси сақланади. Билмадим, ўша дамда гўдаклик ҳисларим жунбушга келдими, илинж, хавотир ва армон аралаш тушуниксиз бир майл хаёлимга тирғалди: «Мен шу оқликка лойиқманми?» деган шубҳали савол юрагимга хан-жардек ботди.

Уша ханжарни ҳали-ҳануз суғуриб ололганим йўқ...

Бу қадар таъсирчанлигимдан ҳайрон қолдим. Ётсам ҳам, турсам ҳам — тушимдаю ўнгимда шу савол таъқибидан қутулолмадим. Ўзимни ҳарчанд чалғитмай, сўрадим-сўрайвердим:

Мен шу покликка лойиқманми?

Мен шу покликка лойиқманми?

Мен шу покликка...

Аслида танимаган-нетмаган қизга кўнгил қўйишни тасаввур қилолмайман, шу боис, мен даставвал Сизга нисбатан эмас, Сизнинг юз-кўзингиздан, босиқ ва доимо ерга тикилган нигоҳларингиздан таралаётган оқликка нисбатан жуда-жуда ожиз, нотавон ҳис қилгандим, ўзимни. Ва ана шу, айтдим-ку, тушуниксиз ва нотавонликдан халос бўлиш чорасини излашга киришдим.

Хат кўнгил кўприги, бу кўприк икки киши учун бунёд этилади, унга шу икки кишидан бўлак ҳеч ким қадам босмайди ва унга бегона назар ҳам тушмаслиги керак. Чунки икки кўнгил тўридаги энг бокира, энг эрка орзу-армонлар ушбу кўприк — мактуб воситаси-ла йўлланади. Парвардигор умр берса, фақат ва фақат Сизга изҳор этишим мумкин бўлган ўйларим сира-сира адоғига етмайди. Самимиятимни тўғри қабул қиласиз деган умид-даман...

Ешликми ё ғўрликми, ҳар қалай маъсума қизларга рўпара келсам ўзимча, «Худо бунинг қадрига етганин турмуш ҳамроҳини учратсин-да» дея илтижо қилар эдим. Одамларга — таниш-нотанишлигининг фарқи йўқ — ҳамма-ҳаммага бирдек бахт тилайман. Инсон учун оилавий бахтдан кўра улуғроқ саодат йўқ. Аёл-қизлар учун эса, эҳ-ҳе-е!..

Сизни биринчи бор учратган кезларим оиланинг бахтиёрлиги шунга боғлиқ деб тушунар эдим. Сиз каби қиз-

лар қўли косов, сочи супурги бўлиб, қадр топмай яшамаслиги керак деб ўйлаганман. Яширмай, бордию, Сиз билан топишни бахтига муяссар бўлсам гард юқтирмасликка, шоҳи либосларга ўраб-чирмаб, бегона кўзлардан асраб-авайлаб, сочидан... қошидан... бўйнидан... оёғининг момиқ бармоқларидан айланиб-ўргилиб биллур ва чинни идишлар қатори ясате-ёб қўяман дея аҳду қарор қилганман.

Кулманг, орадан шунча йил ўтса ҳамки, қарорим ўзгаргани йўқ, аксинча, Сизга нисбатан кўнглимнинг туб-тубида туғилган тушуниксиз майл юрагимнинг зарбаси қатори доимий ҳамроҳим, йўлдошимга айланган...

* * *

Хатингизни такрор-такрор ўқидим. Кулдим, ўйга толдим. Жавоб ёзиш-ёзмаслик мулоҳазасида бошим қотди. Нима учун Сизга хат ёзишим керак?

Саволим оғир ботмасин.

Яхши рассом эканлигингиз, ғалати-ғалати суратларингизни кўтариб кунда-кунора хонамизга кириб келишингизни, асарларингиз ҳақида ҳаяжонланиб ҳикоя қилишингизни эсладим. Баъзан кириб, лом-лим демай жимгина ўтириб, сўнг индамайгина чиқиб кетар эдингиз, лекин аксари суҳбатларингизга қулоқ солиб ўтириб, ҳар қандай мавзуда ўта самимият билан фикр юритишингизга ҳайрон қолар эдим. Баъзан суҳбатингизга аралашгим, кўнглимда туғилаётган мулоҳазаларимни айтгим келар эди, лекин менинг ўйларим Сизнинг суҳбатларингиз олдида жуда жўн, тинглашга арзимасдек туюлар, уялиб қоламан деган хавотирда тилимни тишлаб қўя қолар эдим.

Эдингизда бўлса, ўшанда ҳам асил жавоҳир, асил дур, асил гавҳар ҳақида сўрагансиз. Мен жавоб беролмаганман. Мана, яна ўша савол...

Жавобингиз мени ҳайрону лол қолдирди. Уни ўқиб, рости, саросимага тушдим.

Сизга нечун керак бўлиб қолди мени дуру жавоҳирнинг асилига ўхшатиш? Менинг чеҳрамдан таралган (чиндан шундайми?) оппоқ нур не сабабдан Сизгагина кўрина қолди?

Ўйлаб ўйимга етолмаяпман...

Ҳис-туйғуларимни таҳлил этишдан ҳам тоймасиз. Тўғри, ҳаётда ҳеч кимсага ёмонлик соғинмаганман, би-

рон кимсанинг кўнглига озор етказишдан жуда-жуда қўрқаман. Бироқ, Сиз таърифга лойиқ хислатларни мендагина кўрдингизми? Ахир Сиз бегонасиз...

Сиз келтирган суратлар хонамиздагиларнинг барчасига бирдек ёқмаса ёқмас эдию, лекин ҳеч ким уларга бефарқ, лоқайд қарамаган. Биз қизлар бир-биридан қизиқарли суҳбатларингизга маҳлиё эдик. Ҳаммамиз Сизни бирдек самимий ҳурмат қилардик. Айниқса, аёл-қизларни кўкларга кўтарувчи мақтовларингиз... нозиктаблигингиз, одобингиз бизларни ҳайратга солар, хайрлашиб хонадан чиққан замонингиз Сиз ҳақингизда гийбат бошлаб юборар, ўзимизча Сизга муносиб келин топар эдик. Фақат рассомлар бетайин, ғалати феълли бўлади деган гаплар гоҳ кулги, гоҳ жиддий алфозда суҳбатимизга илашиб қоларди. Яширмай, бундай асосиз таъналар баъзан менга оғир ботса-да, ичимдагини сиртимга чиқармаганман. Бу қадар кўнгли очик, мулоҳазали йигит, касбидан қатъи назар, одамнинг қадрига етади, деб ҳисоблаганман.

Одамнинг қадрига ета билишдан кўра улугроқ саодат бўлмаса керак дунёда! Ҳар қандай оиланинг бахти, мустақамлиги эр-хотин бир-бировини қадрлай олиши билан ўлчанади. Бу ҳақдаги фикримиз бир хил экан...

Хатни меҳр билан ёзибсиз. Самимий туйғуларингизни сездим. Уқибтиб, хонамиздаги мароқли суҳбатларингизни кўз олдимга келтирдим. Кўнглимга беғубор енгиллик кўнди. Шунга ҳам раҳмат...

2

... унча-бунча одам дўпписини осмонга ирғитадиган янгиликлардан қувонавермаслигимга баъзан ўзим ҳам ажабланиман. Лекин Сизнинг хатингизни олдимун!.. Вужудимга титроқ югурди, ўқияпману, кўзларимга ишонмайман. «Хатимни жавобсиз қолдирмас» деган умидим чиппакка чиқмади, шунинг ўзи тенгсиз қувонч, мен учун.

Сизлар ўтирган хонага кунда-кунора суратлар олиб келиб боши-адоғи йўқ суҳбатларим билан бошингизни оғритганларимни сира унутмайман. Ўзим нималарни вайсаганим эмас, Сизнинг бош эгиб сўзларимга қулоқ солиб ўтиришингиз, аҳён-аҳёнда бирров қараб қўйишингиз сира кўз ўнгимдан ўчмайди.

Айни суҳбатга қўшилишингиз мумкин бўлган димларда ҳам сукут сақлар эдингиз, шундай пайтларда асломда

оилада тарбия кўрган кибор қизлардан бўлса-я деган ўйлар кечар эди хаёлимдан. Аҳён-аҳёнда тўсатдан кулиб қарар ва ўша заҳоти жиддий тортар эдингиз. Мисоли ярқ этиб ёниб ўчган чироқни эслатар эди, кулишингиз. Бир зумлик табассумингиздан ичим чароғон бўлар эди.

Сезармидингиз?..

1 Мен эса Сизнинг момиқ бармоқларингиз, кафтларингиз, билакларингиздан ҳам чеҳрангизда бўлгани каби садафдек оппоқ нур таралишини кашф этганман. Кашф этганману, кечирасиз, Сизнинг ўзингизни эмас, Сиздан таралувчи нур сеҳри ва жозибаси сирларини излашга аҳд қилганман.

Парвардигор ато этган бу гўзалликин сезмас эдингиз, ўзингиз. Илоҳий хилқат суратида яратиб, бандалари орасига тушириб қўйилгансизу, ҳеч бир кас кўнгил кўзини очиб Сизга қарамаган, сезмаган. Сиз эса... Ўзингиз ҳам бепарво юравергансиз.

Тасаввур қилинг, Сиздаги шу илоҳий тароватни илғаш, ундан баҳра олиш ёлғиз менга насиб этса... Шунини ўйладиму, энтикиб кетдим...

Бахтми ё бошқа нарсами, мўъжизами, бу? Бу ёруғликка лойиқманми?..

Билмадим...

Чеҳрангиздан таралган ойдин нур асирига айландим. Бундайин нурни авайламоқ, қадрламоқ учун эса ўзим бениҳоя покиза, беғубор бўлмоғим шарт деган қарорга келдим.

... не-не донишмандлар қуёш ва ойнинг, беҳисоб юлдузларнинг гўзаллигига маҳлиё бўлмаганлар. Қизиқ, осмон ёритқичларининг жозибаси нимада?

Улар таратаётган нурда.

Башариятнинг оқилу донолари ўз умрларини мазкур нурлар манбаини ўрганишга, уларнинг жамолига етиб боришга бахшида этганлар.

Нега, нима учун?

Жозиб нурлар илоҳ назари тушган жисмда жамланади, зеро, оқ-оппоқ нурда фаришталар гўзаллиги муҷассам топади. Қалби чароғон ва гўзал инсонларгина ушбу илоҳий нурни аъзои баданларига жо этадилар, шу тариқа мўъжизаларга қодир нур тоза қалб соҳиблари бўлмиш заминий хилқатларнинг муборак баданларида акс этади... Шундай экан, Сизни дуру жавоҳирнинг асиласига ўхшатишимда муболаға йўқ. Сиздаги ушбу мўъжизага фақат ва фақат тоза кўнгил, беғубор назар би-

ман қараш мумкин; деган қарорға келгандим, ўшанда. Мен Сиздаги ўзим кашф этган гўзаллик, ҳурлик жозибаси ҳақида ўй суриш учун қалбан покланмоғим шарт эди. Унга муносиб бўлишга аҳд қилдим ва... шаҳардан бош олиб кетдим!..

Айтмоқчи, «Нима учун Сизга хат ёзишим керак?» деган саволингиз ҳам майли, «Бегонасиз» деганингиз пича оғир ботди. Ахир сўзнинг мазмунига қаранг. Сизни яхшироқ, кўпроқ тушунган ва бошқалардан кўра самимийроқ эъозлай билган киши бегона саналадимиз?.. Худо Сизга ато этган гўзалликни пайқаган ва уни беҳад қадрлашга аҳду паймон қилган одам гуноҳқорми?.. Унинг гуноҳи Сизни кўнгил кўзи билан кўра олганидими?..

Айтнинг, ҳур қизларгагина насиб этадиган Сиздаги бокира туйғулар чашмасини илғай олган одам Сиз учун бегонами?..

Ниятим битта, холос — Сизга бегона эмаслигимни билдириш! Йўқ, асло, жуда-жуда яқин одамингизман! Шунини билиб қўйсангиз кифоя...

* * *

... хатингизни ўқиб, ўзимни қўярга жой тополмадим. Ахир мен қиз боламан. Қиздир, аёлдир — ожиза. Ҳарчанд вазмин бўлмай эҳтирос, ҳаяжон, меҳр-эъозга тўла сўзларингиз қаттиқ ўйлангирди, ҳайратга солди. «Дуру жавоҳирнинг асили», «Парвардигор ато этган гўзаллик», «Илоҳий хилқат»... Бундай таъриф тавсифлар ҳар қандай аёл-қизга ёқади. Фақат мен Сиз таърифлаганчалик эмасман. Ожизаман. Мени бунчалик улуғлаётганингиз боисини тушунолмаяман.

Ўз суҳбатларим билан жонингизга текканман, деб ёзибсиз. Бундай эмас. Ҳамхоналаримизнинг бирортаси бундай хаёлга бормаган. Мен-ку, жон қулоғим билан тинглар эдим... Тўғри, ҳайратимни ошкор қилавермаганман, лекин айтаётган сўзларингизнинг бирортасини эътиборсиз қолдирмаганман.

Синчков, зийрак эдингиз. Шундан хайиқар эдик. «Хаёлпараст рассом деймизу, жудаям зийрак» деган эди қизлардан бири. Шунини ўйлаб нафасимни ичимга ютиб ўтирганман доим. Сиз эса буни кибрга йўйибсиз, «Аслзода оила фарзанди», дебсиз. Зинҳор ундай эмас. Қандай қилиб мен Сизга нисбатан кибрли бўлишим мумкин?.. Тавба, бу гапингиздан кулдим. Ахир Сиз қайдаю,

мен қайдаман... Сиз ўйлар суриб яшаётган юксакликка кўтарилиш учун менга йўл бўлсин...

Эсласангиз керак, гапира туриб тўсатдан, «Мени тўғри тушунапсизларми?» деб сўрар эдингиз. Мен Сизга тик қарай олмаганим боис дабдурустдан исминни айтиб мурожаат қилар эдингиз. Мен «Ҳа, тушунапман» деган маънода бош ирғаб қўяр эдим.

Сиз ҳеч кимни эътиборсиз қўймагансиз. Айниқса, қизлар ва аёлларнинг кайфиятини зумда илғаб олар эдингиз-да, сезганингизни сездирмай ўшанинг кўнглини чоғлаш йўлини топар эдингиз. Ҳаммамиз Сизни самимий ҳурмат қилар эдик, тушунар эдик. Ҳатто, «Сизларни икки кун кўрмасам ўзимни қўярга жой тополмайман» деган сўзларингизни ҳам тўғри, покиза дил изҳори ўрнида қабул қилар, бундан бошимиз осмонга етар эди.

Эркаклар ҳар бир аёлга Сиз сингари ҳурмат, муҳаббат, эътибор билан муносабатда бўлишса эди, дунёда вайсақи, ҳаёсиз, фаросатсиз аёлнинг ўзи қолмас эди, шундай эмасми?..

Хат ёзяману, Сиз билан тузукроқ, очилиброқ суҳбатлашишдан хижолат бўлганларимни эслайман. Ҳануз ўша фикрдаман. Сизнинг теран мулоҳазаларингиз менинг жўн, саёз фикрларимни қандай қабул қилади, деган қўрқув сира тарк этмаган мени. Тўғриси айтиш, шахсан мендек оддий қиз назарида Сиз осмондасиз. Осмонда туриб ердаги оддий бир ожиза қизга меҳр қўйибсиз. Осмонингизга чиқолмасам керак...

Дарвоқе, ким кимга бегона деб бош қотириш ортиқча. Ҳаётда шундай ҳолатлар юз берадики, унинг ипидан игнасиғача муҳокама қилиш одамга роҳатдан кўра, кўпроқ азоб келтиради. Тўғрими?..

Мен Сизни яхши биламан, танийман, лекин қиз бола томонидан, «Сизни қадрлайман» ё шу қабилда дил изҳори қилиш, билмадим...

Азбаройи қаттиқ ҳурмат қилганимдан хатларингизни жавобсиз қолдиргим келмаяпти. Нима қиларимни билолмаяпман. Такрор айтиш, мен Сизнинг осмонингизга чиқолмайман. Майли, Сиз мени осмонингизда туриб яхши кўра қолинг — ёмон яхши кўрманг, яхши-яхши кўринг.

Хатни тугатдим, икки кунгача уни ёнимда асраб юрдим. Йиртиб ташламоқчи ҳам эдим... Сиз мендан кўра мулоҳазалисиз. Бирор хатога йўл қўяётган бўлсам, айтаверинг, тўғри йўл кўрсатинг...

... хатингизни ўқиб юрагим орқага тортиб кетди. Менга битилган хатни икки кун (икки кун-а!) сақлаб юрибсиз, ўша икки кун мобайнида хаёлан икки юз минг кўчага кириб чиққанимни тасаввур қиласизми?!.. Ҳатто уни йиртиб ташлаш хаёлига борибсиз.

Бу сўзларингизни ўқиб, қандай ҳолатга тушганимни тасвирлаб беролмайман...

Уша, шаҳардан бош олиб кетганча, биласизми, нима билан машғул бўлдим?

Кўнгилик кўчаларини покловчи мусаффо ранглар ва шу ранглар уйғунлигини изладим. Беғубор, тоза ранглар суратини матога, қоғозга кўчирдим... Инсон оқ рангни севса, оқ ранглар қуршовида яшаса, бутун борлиқни, бани башарни оқ тусда кўра билса... Мен ҳар ким кўравермайдиған, ҳар ким илғай олавермайдиған мусаффоликни назарда тутмоқдаман...

... қонталаш шафақ ётоққа бош қўйган палла, дара оралаб ўтган ўзанда қуюқ ўсган қамишзорни ораладим. Қуюқ ва зич ўсган, баландлиги беш-олти қулоч келадиган қамиш чангалзоридан оралаб ўтиш машаққат. Бошим, юз-кўзим аралаш қийиқ ўралган. Ёруғ дунёда мен кўрмаган-билмаган нарса йўғу, қадам босмаганим қамишзор қолгандек қадам-бақадам олдинга силжийвердим. Шунда туйқус оёғим остига қарадим... қийғос очилган тугмача гулларни кўрдим!.. Инсон назари тушмаган қамишзор орасидаги ғира-ширада тугмача гуллар шу қадар оқ эдики!.. Уларнинг оқлигини тасаввур қилиш ва тасвирлаш учун «оқ» сўзи ожизлик қилади!.. Қорга ўхшатайми, музга, пахта ё сутга қийёслайми?.. Йўқ, буларнинг ҳеч бирига ўхшамас оқ-оппоқ гул япроқчалари!.. Беш япроқли, уч япроқли, капалак қанотидан-да нозик. Киприкларинг учи сийпаса озор етгудай!.. Банди киприк толасидан-да нафис...

Кимсасиз тўқайда қанча вақт қолиб кетганимни билмадим. Нималарни ўйладим, не мулоҳазаларга бордим—ўзимга ҳам ноаён. Ҳушимга келсам, митти тугмача гулларга юз-кўзимни суртгудек чўк тушиб, энкайиб ўтирибман, димоғимга ажабтовур ёқимли ислар уряпти...

Ким ардоқлайди тугмача гулларни?.. Ким кўради, ким истаб топади, ким улардан завқ олади?..

Митти япроқчаларнинг ранги шу қадар тиниқки, ун-

дан сачраган оппоқ нур толаси тўппа-тўғри қалбингизга етиб ичингизни ёритиб юборади.

Сиз етаклаб келдингиз мени, бу ерга...

Сизга бўлган самимий муҳаббатим бошлаб келди, мени бу гуляпроқчалар тепасига...

Кўзим қамашди. Тиз чўккан кўйи бошимни кўтардим. Уша лаҳзадаги ҳолатимни тасвирлаш учун фавқулодда сўз зарғари бўлишим керак, мен эса...

Зич ва қуюқ қамишзор оралаб ўтган қилдай ёруғлик кўзимга игнадай қадалди... Ботаётган шафақнинг тилла толаси... Ётоғига бош қўяётган қуёш... қуюқ қамишзор... қамишзор пойида сочилган симобранг гуляпроқчалар.

Этибор беринг, шу овлоқда чаппор уриб очилган гул япроқчаларини қуёш нури истаб-топиб-етиб келибди... Кумуш нур-ла қовушибди тилла тола, бу ерда... Кун бўйи оламни ёритиб қартайган Қуёш ботар асноси тугмача япроқчалар оқлигидан баҳра олиш умидида қилча йўл очиб оқ гуллар ётоғига тилла тукларини чўзибди...

Гавжум шаҳар одамлари ораларида юрган, ўсган, очилган гулнинг фарқига бормайдилар, ундан баҳра ола билмайдилар. Мен кўрдим ўша гулни, кумушранг гулнинг оқлигини сездим ва... уни тарк этдим. Тарк этдим, олис тоғлар қўйнида, кимсасиз қамишзор пойида очилган симобий гуллар чаманзоридан Сизнинг суратингизни кўрдим, маъёс ва маҳзун нигоҳингизни топдим.

Ичимга ўт кетди, жоним, соғинч дақиқаларидан бунёд бўлган навбатдаги узу-ун куннинг соки-и-и-и оқшоми... «Қайтаман!» деган қарордан кўз олдим чароғонлашди. «Айтаман!» деган қарордан руҳимга енгиллик инди.

Суюкли дийдорга етиш қасдида бирон сония ортиқ турулмадим. Ортиқ қола олмаслигимни англаган дақиқаларда шаҳар томон равона бўлдим.

Келдим: Хат ёздим. Жавоб олдим. Ва Сиз, «Хатни йиртиб ташламоқчи бўлдим» дейсиз...

Уч йил тоғу тош кезиб қалбим ва шуурим, ўй-хаёлу нафсимни губорлардан поклай-поклай оқ рангга кўнгилик қўйдим. Оқ рангга мубтало бўлдим. Дунёни, одамларни фақат ва фақат оқ тусда кўришга одатландим.

Оқлик ҳаётимнинг мазмунига, ўйларимнинг меҳварига айланди. Ва кунларнинг бирида ўқидим:

Сизни топгунга қадар
Мен қандай яшадим?
Яшадимми?..

Ўқидиму, шу савол қийин-қистовга олди. Саволлар исканжасида қолди ўйим. Саволлар беҳисоб, жавоблар беҳисоб. Не-не саволлар жавобсиз...

Саволларнинг ўзи жавоб.

Саволлар қарвон тортиб келади, жавоб топиш уқубат. Телба саволларга жавоб топиш машаққатидан, телба бўлмаслик учун биргина дилтортар дўст кўмагига муҳтожлик сезади, кўнгил. Биргина дўст... Сиз...

Соғинаман. Хаёл чангалзорида адашган шердек сарсон кезган дамлар олис-олисида Сизнинг майин, вазмин, ўйчан чехрангиз изтиробларимга таскин-тасалли беради...

Тушуняписизми?...

* * *

Нималарни ёздингиз менга? Нималар деяписиз? Сиз тасвирлаган туйғулар, эҳ-ҳе-е!..

Тушунинг, мен жуда оддий қизман. Менга ўхшаш қизлар сон мингта. Камчилигимни санайверсам (тагин ёмон кўриб қолманг!) менга изҳор қилган ҳаяжонларингиз анчагина сўниб қолади.

Мен ўзимни Сиз назарда тутган эъозга лойиқ кўрмайман. Мен Сиз ўйлаганчалик қиёси топилмас қиз эмасман, ахир. Тагин... бу қадар баландпарвоз таърифлар... кулгим келяпти. Йиғлаб олдим...

Ундай эҳтиросларни қўйинг. Ортиқ ёзолмаяпман...

4

... нега бунчалик қисқа ёздингиз? Ютоқиб, бир зумда ўқидим, нафасимни ростлаб олгач, ҳовлиқмай, ҳар сўзингизни ўн бора такрор ҳижжаладим. Мен Сиздан келадиган хатнинг бунчалик қисқа бўлишига дош беролмайман. Эҳтироси тўфон янглиғ тўлиб-тошаётган, айтар сўзи дoston бўлишга тайёр кимсанинг ташналиги икки энлик хат билан баҳра топади деб ўйладингизми? Мумкинми шу?...

Унутманг, ҳеч бир банда қандайин эъоз-эътиборга лойиқ-нолойиқлигини ўзи холис белгилай олмайди. Муҳаббатли қалб эъозга лойиқ кўрдими, бас, унга ҳе-еч қандай куч тўғаноқ бўлолмайди.

Муҳаббатли қалб инон-ихтиёрдан холи яшайди. Унга Сизу бизнинг амру фармонларимиз кор қилмайди.

Ҳойнаҳой, бу сўзлар ҳам Сизга баландпарвоз туюлаётгандир? Унутманг, соф муҳаббат баландпарвоз туйғулардан туғилади, шу боис уни оддий ва жўн сўзлар билан ифодалаш қийин, худди шунинг учун ҳам заминий ва жайдари кимсалар илоҳий муҳаббат савдоларини тўғри тушунмайдилар.

Тушуна олмайдилар. «Ҳеч вақт халқнинг маломатидан қутила олмассан» деб ёзган-ку!.. Оҳ, қандайин бокира севги малаклари ўтмишда не-не кулги-мазахга қолмаганлар, абгор ва бадном бўлмаганлар.

Эр-хотин бир-бирини қадрлаши оила мустаҳкам-лигининг асоси, деб ёзибсиз. Тўғри. Қанчадан-қанча одамлар қадр-қиммат топишни олий бахт деб тушунадилар. (Бунга етишмаганлар қанча!) Буниси ҳам тўғри. Аммо-лекин Сиз... Сиздек хилқатни қадрлашнинг ўзи кифоя эмас.

Қадрлаш ҳам кўнгилларни пайвандлайди. Бироқ, жоним, муҳаббат — қадрга етиш-қадр топишдан-да юксакроқ туйғу. А-анча юксак... Юксак туйғуларга муносиб яшамоқ учун руҳ юксалмоғи керак. Тушуняписизми?.. Руҳнинг юксаклиги танинг латифлигидан қувват олади. Қадим китобдан далил келтирай, хўпми?.. «То кишининг таъби латиф бўлмоғунча ошиқ бўлмағусидур, нединким ишқ бешак таъби латифликдин пайдо бўлур. Латиф таъбдин латифлик туғулур».

Тонг отиб қолаёзди. Хаёл олиб қочди, оз ёздим.

Қистовга олаётганим малол келмасин. Ўзга иложим йўқ. Тезроқ ва кўпроқ ёзинг, хўпми?.. Жуда-жуда кутаман...

* * *

Аввалгидан анча нозиклашиб кетганга ўхшаяписиз. Шоиртабиат бўлиб қолибсиз. Ёзган сўзларингиздан кулмаяпман, аксинча, уларни ўқиганим сайин ўзимни бошқа киши назари билан томоша қиляпман. Ўзимни бунчалик четдан ва холис кузатмаганман. Қизиқ бўларкан...

Сиз «кибрли» деб таърифлаган қиз ўзидан заррача қониқмаслигини билсангиз эди!.. Ёзганларимни ўқигач, уйқунгиздан кечиб қоғоз қоралаганингизга арзимаслигимни сезгандирсиз?..

Яхши кўрганингиз, эъозлаганингиз, меҳрингизни аямаганингиз учун раҳмат. Бундай эъозга муносиб бўлиш... хижолат чекапман.

Сизнинг нозиктаблигингиз, талабчанлигингиз қайдаю мен қайдаман!.. Уйлайвериб, чарчаб кетдим. Қатъият, ирода етишмаётганга ўхшайди. Нима қилишимни билолмаяпман. Менга аталган эҳтиросли сўзларингизни, эъозли меҳрингизни ҳис қилиб, йиғлаб олдим...

Хонамизда нимадир ҳақида сўзлаб бера туриб тўсатдан менга «Ҳар кимни кўнглингизга яқин олавермас экансиз-а?» дегансиз. Ҳайрон қолганман. Қаёқдан билгансиз?.. Наҳотки, шунчалик одамови кўринсам?! Ахир... айтаверайми?.. Бош кўтариб юзингизга тик қарамаганман, лекин Сизни кўнглимга яқин тутар эдим. Нима сабабдан шундайлигини билмас, ўзимга ҳам изоҳлаб бера олмас эдим. Самимиятингиздан, меҳрли эканингиздан, бошқалар кўнгидаги нозик кечинмаларни зийраклик билан илғаб олишингиздан ҳайратга тушар эдим. Уша ҳайрат секин-аста ҳурматга айлана бошлаган...

Кўнглим тўридаги пардалар ортида пинҳон ётган бу иқроримни Сизга ошкор қилмоқчи эмасдим, бунинг зарурати йўқ деб ўйлаганман...

Нималарни вайсаяпман?! Сизни хонамизда ўтирадиган қизлар, аёллар, эркаклар ҳам бирдек ҳурмат қилишар эди, ҳамон ҳурмат қилишади. Шаҳарга қайтганингизни эшитишибди, севинишди...

Тушунинг, Сиз ҳақингизда мен фақат тўғри кўнгилда ўйлаганман. Сиз ҳақингизда салгина бўлсин ноҳўя хаёлга бормаганман. Сиз ҳам мени шундай тушунинг. Қаттиқ ҳурмат қилганимдан хатларингизни жавобсиз қолдирилмаяпман, деб ёзгандим-ку... Бундай одоб одобсизликка кирмайдими?.. Бошим қотиб қолди...

«Хафа бўлманг» дейсиз. Мен Сиздан ҳеч қачон хафа бўлмайман. Мен Сиздан хафа бўлолмайман...

Кўнгилдаги гапларни баён қилганим сайин улар асл маъно ва жозибасини йўқотаётганга ўхшайди. Уйларим кўп, ҳаммасини батафсил қоғозга туширолмаяпман, узр...

5

... Сизни кўришим керак, ўзга иложим йўқ. Учрашайлик, суҳбатлашайлик.

Бордим, ўша хонага кирдим ҳам дейлик. Сиз мени қандай қабул қиласиз? Уч йилдан буён йиғилиб ётган дард-ҳасратимни эшитишга тоқатингиз етармикан?.. Умуман, мен билан юзма-юз суҳбат қуришга розилик берасизми?..

Хаёлан минг кўчага кирдим. Яширадиган жойим йўқ, изингиздан пойладим. Ишхонадан чиқиб—икки аёл, бир эркак ҳамроҳингиз эди — автобус бекатига бординглар. Орамизда «Ҳой!» деса эшитгулик масофа, орзиқиб кутган лаҳзаларим, мана, марҳамат, етишдим. Ун қадам, беш қадам, уч қадам юрсам бас, висол-л-л!..

Кутилмаган аҳволга тушдим, жоним, оёғимни ердан узолмасам денг!.. Михлангандек ёки ердан ўсиб чиққан одамдек «қилт» этиб силжий олмадим.

Юрагим қинидан чиққудек гурсиллай бошлади. Шунчалик ҳаяжон босяптими?! Қизларга рўпара келганда тили танглайга ёпишиб қоладиган ўсмир эмасман-ку?!.

Хуллас, тиккасига бориб саломлашишга, ўзимни танитишга юрагим бетламади.

Суратингизни чизганман: оч кўкиш кўйлақдасиз, оппоқ гуллари бор, қуюқ сочингиз елкангиз узра ёйилган, нафисгина балдоғингизда яноғингиздан таралган нур акс этипти. Яноғингиздаги мошдек холингиз ҳамроҳларидан адашган йўлчидек, холингиздаги ўйчанлик кўзингиздаги маъюсликдан кўчгандек, лабларингиз қимтилган, мандан хафа бўлгандек...

Суратга тикилиб-термилиб соатлаб суҳбат қураман: гоҳ Сиз, гоҳ ўзим бўлиб савол-жавоб қиламан. Бийрон бўлиб кетаман. Кўнглимни тўкин дастурхон каби ёзаман. Бир сўзни ўн-йигирма бор такрорлайман — улар сира кўнглимга урмайди, балки такрорлаганим сайин сўзлар жозибаси қалбимни янаям чароғон қилади. Соғинч, висол умиди, беғубор ва самимий туйғулар айёмига айланади суҳбат онларимиз...

Кўнгилга қувонч бахш этадиган сўзларни айтганим, қоғозга туширганим сайин Сизнинг мафтункор қалбингизга чуқурроқ кириб бораётганимни, ўзимни бамисоли ибодатдан турган тақводордек тозароқ ҳис қилаётганимни сезаман. Фақат соғинчларга тўла изтироблар ичимнинг аллақарларини тўхтовсиз кемираётганини ҳам аниқ-тиниқ сезаман...

Ношукрлик гуноҳ, бинобарин, мен ҳам ҳаётдан, турмушимдан нолимайман. Ундан ортиқ суратингизга термилиб ўтадиган саодатли дамлар висол айёмига айланадиган бўлди. Висол илинжи азоблаётган одамнинг аҳволини тасаввур қиласизми, тасаввур қиялсизми?..

Хатларингизни неча қайталаб ўқийман: «Сиз билан тузукроқ суҳбатлашиб ўтиришдан хижолат чекаман.

Сизнинг теран ақлингиз менинг жўн, саёз фикрларимни қандай қабул қиларкин деган қўрқув бор менда».

Уқидиму, шундай қарорга келдим: энди мен ўша «жўн ва саёз» фикрлар гадосиман, жоним!.. Сиздек «ердаги оддий қиз»нинг оқилалиги, покдомонлиги учун ҳар қандай осмондан тушишга тайёрман.

«Ножўя хаёл» деган иборангиздан қаттиқ таъсирландим. Бизнинг орамизда ножўя ният йўқ. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Сиз билан мени ножўя хаёл боғлагани йўқ, азизим! Ножўя хаёл боғлаган дўстликнинг баҳридан кечиш ва яна ножўя мақсадларга лойиқ дўстлар орттириш нақадар осон! Худо асрасин... Аммо-лекин жўяли хаёллар жисму жонингни чирмовуқдек чирмаб олсаю, бу исканжада жон таслим қилгудек тўлғонсанг-да, чорасизликдан бирор маскан тополмасанг, нима қилмоқ керак?!

Айтинг, ахир!.. Айни кунлардаги дардимга ёлғиз Сиз, Узингиз малҳам қўйишингиз мумкин. Мен ўзгалардан, бошқа қалблардан шифо сўролмайман.

Сизни топгунга қадар
...Яшадимми?..

Куляпсиз-а? «Жуда яхши яшаяпсиз» дедингиз-а?..
Топдимми?..

* * *

... топдингиз. Уч мисрали шеърни қаерда ўқидингиз? Ҳамманинг ҳаваси келадиган Сиздек одам шундай кайфиятга тушса, бошқалар додини кимга айтсин?.. Узим юрган йўлимда уни беихтиёр такрорлайдиган бўлиб қолдим. Шеър ўқимай қўйгандим, ҳозир излаб-истаб ўқиялман.

Муҳаббат-тумшугида хат ташиган қалдирғоч,
Муҳаббат-болишига пат ташиган қалдирғоч:

Қизиқ-а?.. Қалдирғочни жудаям яхши кўраман. Безор қуш... Вижирлагани-вижирлаган. Хат ташигани, хат ўқигани шудир-да?! Муҳаббатга мубтало бўлганки, чарх уриб уясига пат ташийди. Демак, оила қуради, қалдирғоч...

Яхши кўриш, кўнгил қўйиш инсонни валфажр айтаётган қалдирғочдек беғуборлаштириб юборади дейиша-

ди. Нима? Ток навдасига ёнма-ён қўниб олиб, бир-бирига тинмай вижирлаётган қалдирғочлар каби биз ҳам хат олишиб юрамизми? Кулгим келяпти, кула туриб кўзим ёшланыпти. Ешим қуриб, бошим қотаяпти...

Яхши инсонсиз, меҳрибонсиз, кўнглимга яқин олсам нимаси ёмон?! Самимий суҳбатлар қурсам, сирдош ту-тинсам...

Узр, нималарни ёздим, ёзаяпман?! Сиздек инсонга тортинмай-нетмай-а!.. Қай бет билан бор ўй-хаёлимни тўкиб соламан, қай тил билан баён этаман?.. Кулгига қолмайманми?..

Жўн ва саёз фикрларимни... тавба!.. Сизга айтадиган, ёзаядиган гапларимни кўнглимнинг бир чеккасида кимдир пусиб, «Айтма!» дегандек танбеҳ бериб туради. «Ёзаяман!» деб аҳд қиламану, истиҳолага ботаман. Истиҳолага ботаману, беихтиёр ёзганларингизни такрор қўлга оламан: «Энди мен ўша «жўн ва саёз» фикрлар гадосиман, жоним», «Сиздек ердаги «оддий қиз»нинг оқилалиги, поклиги учун ҳар қандай осмондан тушишга тайёрман», «Айни кунлардаги дардимга ёлғиз Сиз, Узингиз малҳам қўйишингиз мумкин. Мен ўзгалардан, бошқа қалблардан шифо сўролмайман»...

Қанча меҳр, қанча муҳаббат жо бўлган бу сўзларга!.. Тасаввур қиялман... Озгина иродасизлик қилсам, кўчага чегуриб чиқишдан, дуч келган таниш-нотанишга ўзим ҳақимдаги бу қайноқ сўзларни баралла айтиб юборишдан тоймасам керак... Лекин «Айтма!» деган дағдаға тилимни тутати. Унга бўйсунаман. Айтмаслигим керак, вазминроқ бўлишим шарт. Ахир мен қиз боламан...

«Ножўя хаёл»ни мен ўйлагандек, ундан-да чуқурроқ, мазмунлироқ тушунганингиз учун раҳмат...

6

... «ножўя хаёл»га муносабатимиз бир хил экан, шунинг ўзи Сиз билан менинг қарашларимиз, қизиқишларимиз яқинлигини исботламоқда. Шундай экан, жўяли ниятлар ҳақида ўйлашимиз керак эмасми?.. Эҳтимол, ушбу ёзишмаларимиз жўяли ўйлар деб очасидир. Қалдирғочнинг чегури беваж бўлмаганидек бизни бир-биримизга валфажр айтишга ундаётган тоза ният ҳам бесабаб эмас деган ўйдаман.

Шеър—кўнчил савдбси. Муҳаббат ҳақидаги шеърлар ёлғиз қолганда ўқилади, нари борса, икки дил изҳори

сифатида қулоққа шивирлаб айтилади. Инсон кўнгил қатларидаги эрка ва ҳур туйғулари кўз очган лаҳзалар шеърдан, куй-қўшиқдан тасалли топади. Муҳаббатни қалдирғочга ўхшатган шоирнинг шеърларини мен ҳам ёқтираман.

Унсиз соғинчларимни ўқисанг шик хатидай,

Соғинчим битта бўлса, ҳижроним мингдир маши.

Ҳижрон, соғинч, қўмсаш.. Кундалик, ҳар лаҳзалик ҳамроҳларим менинг! Елғиз мусичанинг «ку-ку»сини эшитсам, осмону фалакда чарх уриб учаётган чинни кабутарнинг парвозига тикилсам, тун уйқусига шайланаётган қушлар чуғурига қулоқ тутсам соғинч ўртайди, жонни, жоним!.. Нима, нима дедингиз?..

— «Муҳаббат — ярми тилла, ярми кумуш қўнғироқ».

— Ҳа, ҳа, шундай. Шундай мисраси ҳам бор ўша шоирнинг.

— «Соғинч — ошиқ андалиб, вафо оққуш рангдамиш Токи, ҳар парвонанинг покиза армони ишқ».

— Уқинг, давомини ўқинг!

— «Сарғайган соғинчларим бир қўналға қалб излар, Тун гардун қабоғига тортганида сурма ранг».

— Шундай, жоним: тонг — соғинч, тун — соғинч. «Ичим куйиб борар, юрагим куйиб...» «Осмонга сизмайман, ерга сизмайман», Сирдошинг, ҳасратдошингга айланган узун тунлар аллақайларда умид гуллари очилар.. Тонглар отар... Яна шеър ўқинг, мен тинглайин жимгина. Уқинг, ахир, қулоғим, вужудим ихтиёрингизда.

— «Йўқ».

— Яна икки мисра ўқинг.

— «Бўлди. Бошқа шеър билмайман».

— Жуда кўп шеърлар биласиз, жоним. Жуда яхши тушунасиз, шеърни, ўқий қолинг.

— «Тушунмайман».

— Тушунмайсиз?.. Ҳамма дард, ҳамма ситам тушунганингиз мукофоти, жоним. Тушуниш азоб... Инсон чуқурроқ, нозикроқ тушунгани, ҳис қилгани сайин азоби чуқурлашаверади, изтироб ўтида кўпроқ куяверади. Уйлаб қоламан: бундай ҳолатларда тушунмаслик, ҳиссизлик бахт эмасмикан?..

Сиз шеърни тушунасиз, шеър — кўнгил савдоси, кўнгилнинг ўзи, шеър! Тушунчаларингизга топинай, хўпми?..

«Жуда яхши яшаяпсиз» деб кулдингиз-а? Ношукрлик

қилмайман, атрофимда тўла меҳр, оқибат, камим йўқ. Бу улкан ҳақиқатга тил теккизиш гумроҳлик. Бироқ, азизим, ҳаётда ана шундай ҳақиқатлардан-да юксақроқ, муқаддасроқ ҳақиқат бор. Бу олий-самовий ҳақиқатни кўра олиш ҳар кимсага насиб этавермайди. Уни икки қалб туташган лаҳзалардагина кўриш мумкин... Қалб жавҳарларининг яқинлигидан кўнгил кўзи очилади, бу кўз, бу гуноҳ самовий олам ҳақиқатларини равшан кўради.

— «ва ярми тилла, ярми кумуш қўнғироққа айланади»..

— занг чалади, бонг уради..

— бу қўнғироқ садоларини жуда-жуда беғубор қалб соҳиби-соҳибаларигина тўғри англайдилар..

— қаерда, Сиз айтмоқчи таъби латиф ўша одамлар? Қаерда?.. Нега бош чайқаяпсиз, айтинг, борми, шундай одамлар?..

* * *

Қараб туриб шоир бўлиб қолмайлик!.. Севги-муҳаббат кўнгилларни шод-чароғон қилади, деб эшитгандим, нега мен Сизга акс таъсир кўрсатаяпман? Еки орамиздаги тоза муносабатни ҳеч кимса тўғри тушунмаслигидан қайғураяпсизми?.. Қайғуришга арзирмикан?..

Бундай туйғулар одамлар томонидан камдан-кам қадрланган, деб ёзгандингиз, ўзингиз..

Тўғри топибсиз: ҳамма бирдек англаган ҳақиқатлардан-да, юксақроқ ҳақиқат бор, бу — икки кишигагина аён ҳақиқат..

Ҳис-туйғуларимни шу қадар очилиб-чочилиб изҳор қилаётганимдан хижолатда эдим. Бу тахлит хат алмашувлар оқибатида бир-бировимизга ўрганиб қоламан деган хавотирдаман... Хавотирда юраверибману, ўрганиб ҳам бўлдим, шекилли?..

Хатингизни кутаётганимни сезмай қоламан... хатларингизни қайта-қайта ўқийман.. Сизга изҳор қилиш учун ичимда жамланаётган сўзлар қайнаб-тошади, лекин барини ёзолмайман, уларни... «Тушунчаларингизга топинай, хўпми?», «Сиз билан бизни ножўя хаёл боғлагани йўқ», «Жўяли ўйлар».. Бу сўзлардаги ҳар бир ҳарфга қанчалар меҳру муҳаббат жо бўлгани фақат менга, ўзимгагина аён. Фақат, ошириб-тошириб таърифлашларингиздан ҳамон лов-лов ёниб, хижолат чекаман..

Ҳижрон, соғинч, қўмсаш.. тотли азоблар бахшида

этмайдими, бу туйғулар?.. «Тоза дард кўнгилни мусаф-
фолаштиради» деган гапни ўзингиздан эшитгандим, ше-
кил?.. Шундай экан, тотли азоблар оғушида кўнгли то-
заланаётган кишига ачиниш ўринлимикан?.. Сизнинг
меҳрга тўла бир оғиз сўзингиз, фақат менгагина аён бе-
губор нигоҳингиз мени нечоғли юксалтириб юборди.
Тасаввур қилолмайсиз!

Мана, гап нимада!..

7

Сахар чоғи кўкда ёлғиз юлдузни кўрсам...
Тўхтовсиз югураётган соат миллирига термилсам...
Хазон тўшалган сўқмоқдан ўтсам...
Кундузни оғушига олаётган тунни кузатсам...
Ором истагида бошни болинга қўйсам...
Сизни СОҒИНАМАН...

Тирик жон борки, тинимсиз ниманидир кашф қилиб
яшайди. Мен соғинчни кашф қилганиман...

... ёп-ёруғ хона тўсатдан қорамтир тус олади, кўз
олдингдан туман, туман эмас — қуюқ булут солланиб ўта-
ди, ўтиб бораётган булут бошинг узра тўхтайдди — устинг-
дан кулаётганга, сени мазах қилаётганга ўхшайди. Қўл-
ларингни алмойи-алжойи ҳаракатлантириб булутни тар-
қатиб юборгинг, эркин нафас олгинг келади, бироқ, ак-
синча, қандайдир юмшоқми... қаттиқми нарса муштдек
бўлиб кўксинг ичига кириб олгандек... ҳиқилдоғингга
бир нима қадалгандек... абадул-абад шул алфозда ту-
раверадигандек... товушинг борича бақириб юборгинг
келади. «Дод!» десанг, хонанинг бир томонини эн-
лаган кенг, ёруғ дераза чил-чил синиб, жаранги қуло-
ғингни қоматга келтирса, майли, ойна синиқлари тарнов-
дан шовуллаб тушаётган ёмғир сувидек бошингдан қу-
йилса... бетинг, манглайинг, лабларинг қонга беланса
ва шиша ёмғири орасидан сени шундайин соғинч тегир-
монига солиб азоблаётган Суврат кўринса...

Олам сукунат оғушига чўмади, сукунат ютиб юборай
дейди. Сени ютиб юборишга ҳозир у нозир сукунат на-
восини тинглаб ором олгинг келади...

Ҳозиргина дераза ойнаси чил-чил синиб тушган, қуюқ
булут бўронидан мусаффолашган хонада Сизни рўпарам-
га қўйиб, нурдек жамолингизга суқланиб суҳбат бош-
лайман... гоҳ Сиз—гоҳ ўзим бўлиб суҳбат қураман. Араз-
лайман, Сиз юпатайсиз... Ички чўнтагимдан тахланиб

ётган хатларни олиб бир бошдан ўқишга киришаман,
«Ўқиманг» дейсиз, «Ҳаммасини эмас, айрим жойларини
ўқиб берай» дейман. «Мен йўғимда ўқийсиз» дейсиз.
Нима деганингиз, бу? Сиз ҳеч қачон йўқ бўлмайсиз,
ахир, Сиз доим ёнимдасиз, Сиз менинг ичимдасиз...

Дераза ёнида чумчуқ пайдо бўлади, узук-юлуқ чир-
қиллаб, бошини қийшайтирганича мунчоқ кўзларини
биздан узмайди. Хатни ўқишга тутинаман: «Сиз менга
қадрли инсонсиз...», «Менинг кўнглимга бегона эмас-
сиз...», «Ҳурмат қилардим, энди эса...»

— «Тўхтанг, ўқиманг, кетиб қоламан!»

Авзонингизни кўриб чўчиган чумчуқ «пир» этиб ғойиб
бўлади. Мен эса дилингизга озор етказдим, деган ўйда
хавотирга тушаман. Ювош тортаман... «Хўп-хўп, ўқи-
майман» дейман. Сиз нима десангиз, «чурқ» этмай адо
этанам. Бу хатларни Сиз ёзмагансиз. «Ўзгага бермоқ
эса тушимга кирмас ухлаб» деб ёзармидингиз Сиз?..
«Тағин ёмон кўриб қолманг» деб ёзган одам ҳам бош-
қа... «Шунақанги соғиндимки!..», «Ҳеч кимни йўлатмаган
кўнглимга кириб олдингиз» деган сўзлар ҳам Сизга бе-
гона. Бошқа киши, Сиз билан менга муғлақо бегона киши
ёзган уларни. Уша БОШҚА киши Сиз билан мен ҳақим-
да топиб ёзганини қаранг!..
Эшитяпсизми: «Бизни ҳеч ким бир-биримизни тушун-
ганчалик тушунмайди...»

Жуда тўғри ёзгансиз, жоним, бошқалар бизни тўғри
тушунмаслигини фожиага айланттиришнинг ҳожати
йўқ. Эҳтимол, ҳамма бирдек тушунаверадиган туйғу
бўлганида, у Сизу бизнинг кўнгилларимиз мулкига,
қалбларимизни туташтирувчи кўприкка айланмас эди-
ми?..

Шундай эмасми?..

— «Мен ҳам шундай ўйдаман»...

— Нима дедингиз?

— «Ҳеч нима».

— Айта қолинг.

— «Ўзи битта эди».

— Ўзи битта бўлгач, гапи ҳам битта бўлади-да!..

— «Тушимда Сизни кўрдим, Цой исмли аёлни севиб
қолибсиз».

— Ҳа-ҳа-ҳа!.. Сой исмлидир, ҳойнаҳой?

— «Сой исмли аёл ҳам бўладими?»

— «Жату-ум-м» нима дегани?

— «Нима?!»

— «Жату-ум-м-м, мускурадо-о!» деб куйлайдилар-ку, хиндлар.

— «Билмадим. Сой исмли аёл ким?»

— Сой — сой-да, оқар сув, анҳор бор-ку, ўшани се- виб қолдим.

— «Сойними?»

— Сойни.

— «Сойни севиш... тушунмадим».

— Лим-лим оқаётган сой экан. Сувга тикилиб ўтир- дим, ўй сурдим. Бир замон қарасам, бир гала қиз кўза- ларни сувга тўлдиришди-да, изма-из юриб нариги қир- ғоқдаги ёлғизоёқ йўлдан қиялаб юриб юқорига кўтари- ла бошлади.. Не кўз билан кўрайки, уларнинг орасида Сиз бор экансиз... Ҳаяжондан нафасим қайтаёзди, жо- ним борича бақирдим, чақирдим...

— «Нима деб?»

— Исмингизни айтиб чақирдим.

— «Исминни нима деб айтдингиз?»

— Айтдим-да...

— «Қани, айтинг-чи.»

— Ҳеч кима-а, маълум эма-ас, ҳоли паришо...

— Э, тўғриси айтинг.»

— Айтайми?.. «Жоним» дедим, «Хоним» дедим, «Жа- воҳирим», «Оппоғим», «Гавҳарим» дедим...

— «Бўлди-бўлди, етади. Бирортасиям менга мос ке- майди».

— Мос кемайди?! Сиз сув олиб тепалик томон юри- шингиз ҳамоно сой суви нур тарата бошлади. Симобий, кумуш ранг сув. Югурдим, оқар сувнинг сатҳида югу- риб боряпману, оёғим ботиб кетмаётганига ҳайрон ҳам бўлмаёпман, чунки ўша топда сув бетида югуриш эмас, Сизни сой бўйида учратиш мўъжизароқ эди мен учун, тасаввур қиляпсизми?!

— «Ҳа-ҳа-ҳа!..»

Сухбатимиз шу ерга етганда дераза токчасига оппоқ чинни кабутар келиб қўнди. Бўйини чўзиб, аввалига чўчинқираб мошдек дум-думалоқ кўзларини бизга тик- ди. Кабутар шу қадар оқ эдики, азбаройи, шундайига ҳам ёруғ-чароғон хона янаям нурга тўлди. Жонивор ҳуркиб учиб кетмасин деган ўйда товушимни пасайтир- дим:

— Кулинг, жоним, тушларимдан завқланиб кулинг. Мен эса ўша сойнинг суратини чизяпман...

— «Қизиқсиз-а!..»

— Машҳур раққосанинг ўнлаб суратини чизиб тор кулбасига қатор-қатор ясатиб қўйган, қариган чоғида шундан ўзга овунчоғи қолмаган таниқли рассомнинг ҳаёти ҳам қизиқ эди. Мен-чи?.. Сизга ишқим тушдию, қизиқ бўлиб қолдим. Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам Сиз, Сиз, Сиз!.. Қулоғимда — товушингиз, назаримда — су- ратингиз, вужудимда — вужудингиз...

... хонтахта ёнида ёнбошлаганча ухлаб қолибман. Ярим кеча уйқум ўчди. Совуққотибман. Кўзимни базўр очдим. Не кўз билан кўрайки, ёнимда чўк тушиб, тепам- да менга қараб ўтирибсиз. Атлас лозимнинг чўғдай жия- ги кўзимни қамаштирди... «Туринг, бундай ётманг» де- дингиз. Сўзингизни икки қилмай, ирғиб қад ростламоқ- чи эдим, кўнгилга оралаган хаёлдан юрагим орқага тортди.

«Кетиб қолса-чи?»

Кўзимни очсам кетиб қоласиз, деган хаёлда қимир этмай ётавердим. Сизни тепамда кўриб шу қадар ором топдимки!..

«Туринг» дедингиз, «Кетиб қоласиз-да», дедим ичим- да. Яна уйқу элитди...

Алламаҳал чўчиб уйғондим, тепамда менга термилиб ўтирганингизга қарамай уйқуга кетганим учун ўзим- дан норозиланиб, сапчиб турдим. Йўқсиз... Шошиб ҳовлига чиқдим. Ҳовли саҳнига, бурчак-бурчакларига кўз югуртирдим-топмадим. Аламдан ичим ўртанди. Шо- шиб, зинадан пастладим. Шунда, қийғос гуллаган ги- лос шоҳларидан-да баландроқда деворга ёйилгандек осифлиқ оппоқ матони кўрдим. Мисоли оқ, нурли дас- турхон...

Кўзимни узолмадим. Сутдек оқ мато — дастурхон сат- ҳида ундан-да оқроқ, ундан-да нурлироқ Сизнинг су- ратингиз пайдо бўлди.

Мўъжиза эди, бу!..

Маънос, мунис, дилбар чеҳра... Турган жойимда на- фас ололмадим, оёғимнинг учида чўзилдим. Вазним е- энгил тортди, Сиз томон кўтарила бошладим... би-ир қучоқ оппоқ нур сузиб келди, келди ва мени осуда оғу- шига олди...

* * *

Бунчалик муҳаббатга тўла бўлмаса, қалбингиз!.. Қаттиқ кўнгил боғлаш хосиятсиз, дейишади. Худо ас- расин...

Шунчалик яхши кўрасими-а?! Чиндан ҳам, қизиқ-сиз, мен ҳам қизиқ бўлиб қолаётганга ўхшайман...

Хатингизни ўқиб кўзларимга дур тўла ёш қалқиди, юрагимдан қувонч тошди. Бизни бир-биримизга рўпара қилган Аллоҳга шукрлар қилдим.

Сизга туш бўлиб кўринган манзара менинг ўнгиммикан?.. «Ўнгиммикан?» деб тепангизга боргим, қўлларингиздан тутгим келди... Кўзларингизда адоқсиз изтироб, адоқсиз соғинчни кўрдим... «Мени соғиндингизми?.. Кўрдингиз келдимиз?.. Чиндан ўзингизми?.. Оқ мато сатҳидаги оқ сурат бўлиб кўринган менми?» деб ҳоли-жонингизга қўймай сўрайвергим келди. Буткул дунё эшитгулик овозда қўшиқ айтгим келди. Сизнинг ҳеч кимса йўлай олмайдиган беғубор дунёингизга қўлингиздан тугиб сингиб кетгим келди...

Рухимни чирмаб олаётган бу оромбахш азоб, илоҳий нур мени тобора юксалтириб, поклантириб, эсанкиратиб қўймоқда. Жону жаҳонимни эъзозлаган, оппоқ рангларга, оппоқ нурларга, сутдек оппоқ эзгуликка белаб-буркаб ташлаган лаҳзаларни, илоҳий вужуддан таралган сеҳрли сўзларни хаёлимда қайта-қайта тикладим, эсладим ва Сиздан қанчалар олисда бўлсам-да, шунчалар яқинда эканлигимни ҳис этдим.

... ҳар сафар руҳинг ортидан хаёлан эргашган қўйи унинг қошига отланар экансан, остонасига қадар зилол сувлар сепиб борасан. Зилол сувлар сепилган йўллар зебо гўшаларга етаклашини Яратгандан сўрайсан...

Ижод кишилари хаёлпарастлиги рост-а?.. Лоақал тунда тинч, хотиржам ухланг. Бисотингиздаги барча ҳароратли сўзларни кундузи айтсангиз ҳам бўлади-ю!..

Хонтахта ёнида кўзингиз илинибди, ҳойнаҳой, юпқа кўрпача устида ухлаб қолгандирсиз?.. Совуққотиб уйғонибсиз. Шундан безовта бўлиб боргандирман, тепангизга?..

«Адамни яхши кўраман» десам ажабланманг. Ҳар ким учун ўз отаси азиз. Лекин мен адамнинг ниҳоятда ширинсўзликлари, ниҳоятда ҳушёр ва беҳад меҳрибонликлари учун улуғлайман. У киши фақат биз фарзандларига эмас, ҳеч кимсага ёмон кўз билан қарамайдилар, бирор кимсанинг кўнглини ранжитмайдилар. Бундай одамлар кўп эмас... Сиз кў-ўп жиҳатдан адамга ўхшайсиз...

Сиз мен билан ғойибона суҳбат қуриб мажнунлик қилаверманг. Сиз тасвирлаган суҳбатимизни ўқиб дам

кулдим, дам завқландим, ўзимга ҳавасим келди... Тонг отгунга қадар мишжа қоқмадим. Хаёл суриб суҳбат қурдим, «Қим билан?» дейсизми? Суҳбатдошимни Сиз танийсиз, фақат Сиз биласиз у кишини...

Шунчалар яхши кўрасими-а, мени?.. «Ўлибманми, яхши кўриб!» деяпсиз-а?..

8

... эҳтимол, Сиз таърифлаганчалик яхши одамдирман, лекин ҳар сафар хатингизни ўқиганда ўзимни янаям яхшироқ инсон сифатида ҳис қиламан, янаям яхшироқ одам бўлгим келади.

Сиз одамларни ўз имкониятидан ўн, юз карра яхшироқ одам бўлишига даъват эта олгувчи мўъжиза соҳибасиз. Бундай қизлар табиатида заминий қувватдан кўра, самовий сеҳр кучлироқ бўлади. Эҳтимол, кимларнингдир назарида Сиз ҳамма аёл-қизларнинг биридирсиз, Сизга ҳам қўполлик, кўрслик қиладиган эркак топилар (юзини тескари қилсин!), лекин шунини унутмангки, бир кишининг назарида Сиз асло бундай тубан муомалага раво кўрилмайдиган хилқатсиз!..

... қиш чилласи. Туни билан ёққан қор ҳолдан тойган — май-йда-май-йда элаяпти. Қор қоплаган томлар қато-ор ётганича уйқуга кетган ва ҳализамон силкиниб уйғонадиган баҳайбат жондорларга ўхшайди. «Жондорлар»нинг у ер-бу еридан қуюқ қора тутун бурқсиб кўтариляпти... Тонг отса-да, одамлар иссиқ уйларидан ташқарига чиққилари келмайди, совуқнинг зўридан кун ҳам минг бир уқубатда, эриниб ёйилмоқда.

Кимсасиз, тор ва узун кўчанинг ў-ўртасида бола етаклаган жувон пайдо бўлди. Бола — ўғил бола шекилли — телпакни кўзига довури бостириб кийган, у етмагандай, оғзи-бурни аралаш шарф ўраб боғланган.

Жувоннинг бошида оқ жун рўмол, иссиқ кўйлак устидан қора бахмал нимча. Гулдор лозим. Бир қўли билан ўғлининг қўлқоп кийган қўлидан тутган, иккинчи қўлини мушт қилганича кўксига босган. Нимадир гапириб келаяпти шекилли, (оёғи тойиб кетмасин-да!), оғзидан буғ чиқаяпти.

Томлар, дарахтларнинг шир яланғоч шохлари, кўча оппоқ қорга бурканган. Жувоннинг қўли, юзи қордан-да оқ... Оқ жун рўмоли остидан ярқираб кўринган манг-

лайдан таралган нур шундайга ҳам оппоқ кўчани янада ёритаётгандек.

Тонг ёғдуси шу кўчада тунагану, жувон уни етаклаб чиқаётгандек. Ана, юқорига, юқорига, яна юқорига кўтарилмоқда, ҳадемай ўзидан таралаётган нур толаларидан эмин-эркин одим ташлаб само сари йўл олади...

Бола, йўқ, ёғду тўла тонгни етаклаган жувон—Сиз. Қиш тонгидан оқроқ, қор жилвасидан-да тозароқ ниётлар етаклаган фаришта — Сиз. Қирчиллама қиш тонгида ҳаяжондан энтикиб, вужудидан тер қуяётган йигитнинг тирик соғинчи — Сиз.

Мана, зум ўтмай мен тасвирлаган манзарадан чиқиб келасиз, аъзои баданимдан кўтарилаётган ҳовур ўзига қўшиб кўтариб кетаётгандек ва Сизнинг васлингизга етдим деганда, ундан айро тушадигандек... кўзларимдан ёш тирқирайди. «Совуқнинг зўридан» дейман ичимда, Сиз манзаранинг чегарасига яқинлашасиз, энтикаман, ёнгинамда пайдо бўласиз, оғиз жуфтлайман: «С...с...», ёнгинамда пайдо бўласиз, оғиз жуфтланган лабларим орасидан «С... с-соғиндим» деган сўз чиқишини, бундай демаслик учун иродам, қурбим етмаслигини тушунаман.

Юзма-юз келасиз, нигоҳингизни бир сония ердан узасизу неча кунлардан буён ўйлаб, чамалаб, айтмоққа шай қилиб қўйган сўзларим пўртанасини сўндирасиз... Лом-мим демай ёнгинамдан ўтасиз ва юз-кўзингиздан таралаётган биллурий нур толаларидан тўшалаётган ёлғизоёқ йўлдан осмонга, осмонга, осмонга чиқиб кетасиз...

* * *

Соғинч ҳам шунчалар азобли бўладими? Қандай манзарани ҳикоя қилдингиз? Тасаввурингиздами?... Мен, етаклаган бола ким?..

Кўнгил тубида пинҳон тутган кўпгина сирларни ошкор қилишга тўғри келаяпти... Сизни қанчалар кўнглимга яқин олишимни ёлғиз ўзим билар эдим, фақат ўзим тушунар эдим. Энди эса ҳар кимга насиб этавермайдиган меҳр, бокира туйғулар...

Майли, ўша тор ва узун кўчадан чиқиб бораётган, чехрасидан таралаётган биллурий нур оёғининг остига поёндоз бўлаётган (чиндан шундайми?) жувон мен бўлай, кўча бошида кутаётган Сиз бўлинг. Айрилиқнинг

адоғи — соғинч, айрилиқнинг меваси — соғинч... Сиз, мен... кумуш поёндоз тўшаётган тонг...

Сизга нисбатан кўнглим тубида асраган пинҳоний муносабатимни ҳеч қачон сездирмайман, ошкор этмайман, бу сир меники, унинг беғубор ва самимийлигига бирон кимса шубҳа қилмаслиги керак, зинҳор унга гард юқтирмайман деб ўйлар эдим. Уни Сизга ҳам айтмасликка онт ичгандим, чунки, ҳатто Сиз ҳам мендаги туйғуларни, Ўзингизга бўлган меҳрни тўғри тушунмайсиз деган хавотир бор эди менда.

Шунинг учун ёнгинангиздан лом-мим демай ўтгандирман...

Сўз билан тасвирланган манзарангизни ўқиб ўзимга ҳавасим келди. Илгари бошқаларга ҳавас қилардим, кейинги пайтларда фақат ўзимга ҳавас қиляпман... Суйдирадиган, куйдирадиган сўзларингизнинг ҳамма-ҳаммаси меникими? Фақат меники-а?..

Сўзларингизни эшитаётгандек, нигоҳингизни кўраётгандек йиғладим...

Уйда, иш жойимда, қариндош-уруғларим орасида ҳамма бирдек ҳурмат қилади, эъозлайди, эъозлашади. Фақат Сизчалик эмас... Кўкларга кўтаргувчи мақтовларингиз учун миннатдорлигимни қандай изҳор этишни билмайман. «Раҳмат» дея оламан, холос...

Ёдимдан кўтарилай дебди! «Кўп мажнунлик қилманг», деб ёзгандим, унутдингизми дейман?.. Эртаю кеч мени ўйлайвермай, хаёлларингизга тин беринг. Эртага якшанба, ҳордиқ кунларини ортиқча ўй сурмай, ортиқча изтиробларга берилмай ўтказинг, хўп?..

9

... якшанбани Сиз айтгандай ўтказдим. Уйга қамалиб, ортиқча изтироб чекмай деган ўйда ташқарига чиқдим. Жим-жит, дарахт барглари қилт этмайди, ҳайрон бўлдим, нега борлиқ сукутда?.. Ниманинг хаёлини сураяпти, қизиқ... Бирдан аллақайда мусича чўзиб ку-кулади. Шу қадар нола қилдики, мусичанинг товушида шу қадар мунг, шу қадар соғинч, шу қадар дард борлигини биринчи бор илғашим... Сизни эсладим... Мусича яна ку-кулади, азбаройи ҳовли жаранглаб кетди, беозор парранданинг бўғиқроқ товуши менинг ичимдан эшитилаётгандек бўлди... Бу товуш Сизни чақираётган, Сизни чорлаётган эди... Сезяпсизми, Сизнинг сўзингиз-

дан чиқмай ортиқча изтиробларга берилмасликка уринганим сайин Сизни ўйламаслик, Сизни хаёлдан қувиб чиқариш эпини тополмадим.

Биласизми, нега шундай бўлди? Нафас олмай яшашнинг иложи йўқ-ку, тўғрими? Шундай экан, ахир, Сиз ҳар лаҳза қонимни, руҳимни ҳаракатга солаётган нафасимнинг ичидасиз... Менга ҳаёт бахш этиб турган нафасларим ичидаги Хилқатни қандай қилиб унутай, уни хаёлларим пўртанасидан қувиб чиқарай?!.

«Раҳмат»ингиз қабул. Ҳар ёзган хатингиз — раҳмат, хатингиздаги ҳар сўзу ҳар ҳарфингиз — раҳмат. Сизнинг борлигингиз раҳмат, мен учун, жоним!..

Адангизни танийман. Кўпни кўрган, босиқ, диёнатли инсон эканликлари қиёфаларидан сезилади. Шундай меҳри дарё отанинг Сиздек фарзанди кимсага ёмонлик соғинмаслиги табиий. Сиз бошқаларга зарда қилганингизни кўрмадим, эшитмадим. Фақат, меҳру муҳаббатга сазовор бўлиш учун бу фазилатнинг ўзи кифоя эмас.

Самовий туйғуларни жўн иборалар билан ифодалаш мушкуллигини тушунасиз (ёзгандим-а?), деган фикрдаман. Шундай экан, тўғри қабул қилинг, мен назарда тутаётган муҳаббат гирдобига фарқ бўлмоқ учун, менинг орзуимдаги самога кўтарилмоқ учун минг карра ишлов берилган олмос, дур, гавҳарнинг асиласига айланмоғи зарур, қалб! Башорат қилинг-чи: орзуимдаги кўкларга юксалиш бизга насиб этадимми?..

«Сиз осмондасиз» деб ёзган эдингиз. Ундай эмас, мен орзу қилган фалакка ёлғиз чиқиш мумкинми? Ёлғиз кимсага нима бор у ёқларда?

Сизнинг сеҳрингизга боғланган энг беғубор туйғуларимдан туғилган руҳим учиб юргандир, ҳойнаҳой?.. Узим эмас. Мен — ердаман, Сизнинг ёнингизда. Фалакнинг адоқсиз сеҳру жозибасига, фоний дунё синоатларига Сизда топганим — қалб ва тан поклиги — оқ-оппоқ ранглар орқали боқа олганим эвазигагина ўша осмонларни илғай олгандирман...

Ёлғиз қанот қушлар осмон қатларига учиб етолмайдилар...

... нафис хитойи чинни, «Тушириб юбормай!» деган хавотирда қафтларимда авайлаб тутаман. «Тушиб кетса-я!» — хавотир, кўрқув, ҳаяжон... Тушириб юбормай-да!.. Ардоқлашга қудрат бер, Узинг!..

Аввал ёзган хатларингиздан бирида ўқидим: «Кўнглимдаги гапларни ёзганим сайин улар асл маъносини,

жозибасини йўқотаётгандек туюлади...» Бошқа юпанчимиз ҳам йўқ-ку, ахир. Орамиздаги ёлғиз Аллоҳга аён ришталар сеҳрини сақлаш ва ардоқлашнинг мактубдан бўлак яна қандай чораси, имкони бор?

Дил изҳори, дил баёни, дил рози, холос!..

Ёзганим сайин гапларим қайнаб чиқаётганга ўхшайди. Ёзавераман. Ёзишмаларимиз нарвон янглиғ бизни арш чаманзорларига олиб чиқади. Бу — оппоқ самимият, тонгдек беғубор, норасида гўдак нафаси янглиғ ҳалоллик нарвони бўлади...

* * *

Неча кунлардан бери тушимда кўраман. Телефон ҳар сафар жиринглаганда ўрнимдан ирғиб тураман. Эшик ҳар сафар очилганда «ялт» этиб қарайман... Пиёда юргим келади... хаёл олиб қочади. Суҳбатларингизни эслайман, йўл усти хатларингизга қайта-қайта кўз югуртираман, бир кулиб — бир атрофга жавдирайман.

«Узоқ-узоқларга кетгиси келади, одам» деган эдингиз. Назаримда, ҳозир жуда узоқдасиз...

Тушларимдан бирини айтайми?..

Хонангизга чақиртирибсиз. Шошилиб кирдим. Бешолти нотаниш қиз хонангизни артиб-суртишяпти, безатишяпти. Шиннамгина!..

Сизга кўзим тушди. Сиз (айтаверайми?) яп-янги, чўғдек гилам устида ёнбошлаб дам оляпсиз. (Шунча қизнинг кўз ўнгида нима қилиб ётибсиз?!) Тепангизга бордим, қара-аб туриб қолдим.

— Мени шу аҳволга солдингиз. Келмай қўйдингиз, мана, туролмаяпман, — деддингиз.

Кайфиятингиз эса чоғ, кулимсираяпсиз. Ошиқиб, қўлимни чўзим, қафтимдан маҳкам сиқимлаганча ирғиб қад ростладингиз.

Қаддингиз сира букилмасин...

Тўғри тушунинг, мен Сизга назокатли, фаросатли, беҳад соҳибжамол қизларни раво кўраман. Бордию, мени сирдош тутсангиз-да, ўшандай қизга кўнгли қўйганингизни айтсангиз чин дилдан қувонган бўлур эдим. Сиз эса... ахир ўзим биламан, қандайлигимни!.. Ужарман, инжиқлигим ҳам етарли, йиғлоқиман... Қолганини айтмай, тагин ёмон кўриб қолманг. Суюкли бўлиш қандай яхши!..

Кўнглингиз нигоҳи менга тушди. Хатларингиз — Ал-

лоҳ инъом этган тиллоларим менинг! Уларни ўқиб, бу бахтдан бошим айланиб, ҳеч ким ва ҳеч нима билан ҳисоблашмай, андишаю истиҳолани йиғиштириб ҳаммага мақтангим келаверади.

Биламан, Сиз билан менинг орамиздаги дўстликни, беғубор руҳий яқинликни ҳеч кимса тўғри қабул қилмайди.

Бир-биримизни тушунсак бас, шундай эмасми?.. Самовий таъриф у тавсифлар, ҳароратли эҳтирослар, қўш қанотли қўшлар парвози...

Ҳамон иккиланаман, юрагим орқага тортади — Сиз айтган осмонга чиқишга имконим етармикан?.. «Башорат қилинг-чи!» дейсиз-а!.. Мен кафтингизда авайлабгина тутиб бораётган нафи-ис хитойи чиннингиз бўлсам... Хитойи чиннидан ҳам башорат кутадимми, одам?..

Тушириб юбормайсизми, тагин?..

10

... агар ҳар бир одам кимгадир Сиз ва мен каби кўнгил қўйса эди. Кўнгил қўя олса эди — бутун инсоният қавми орасидаги гина-қудуратлар, ихтилофлар барҳам топарди. Чунки оламни оқ рангларда, меҳр кўзи билан кўра олган инсон нигоҳида иллат қолмайди. Ҳар кишининг гўзал хулқ-атвори кўпайишига кимдир сабабчи бўлади. Дунёга тоза кўнгилда қарай билиш, одамларни катта муҳаббат билан сева олиш туйғуси ҳам жонзод янглиғ туғилади, юксалади.

... ўн уч ёшли бола, тенгқурлари қатори кўча чанги-тиб-тўп қувиб юрган болакай туйқус ён дафтар тута бошлади. Кўрган тушини, еган овқатини, онасининг танбеҳларини, қўшларнинг сайрашини, кучукчаларни яхши кўришини... қўшни синфдаги қизнинг юриш-туришини ёзиб боришга одатланди. Одатландию, дўстлари сингари терлаб-пишиб югуравермайдиган, шимининг чангини чўткалаб, туфлисини артиб-суртадиган, уйдаи-дарсада — юрган йўлида китоб жиннисига айланди.

Ўзига қўшни синфдаги қизнинг назари билан қарай бошлаганини ўзи ҳам сезмади. Ён дафтарини қўлдан қўймади. Мурғак таассуротларини, одамларнинг бири-бирдан ажойиблигини ўзича кашф қила бошлади. Ҳайрат, ҳавас, севинч уйғонди унинг кўксига... Ўзини бирдан улғайгандай ҳис қилди. Фақат ундаги оламжаҳон

ўзгаришдан қўшни синфдаги қиз беҳабар, болага қандай таъсир ўтказгани — ёлғиз Яратганга аён эди.

Бола мўъжизага ишонар, эрта ё индин ҳаётида фавқулодда мўъжиза юз беришини интиқ кутар, лекин ичидан гўжгон ўйнаётган тўфонни ҳеч кимсага, яқин дўстларига-да ошкор этишни истамас эди..

«Мўъжиза» уйда — оила даврасида юз берди: ўн уч ёшли бола ён дафтарчасини йўқотди!.. Азбаройи талва-сага тушди. У қўшнининг сержун ити болдиридан тишлаганида ҳам, қатиқ олиш учун гузарга борганида икки найнов оғайни шапалоқ уриб, тепкилаганида ҳам, ариқ ёқасидаги кулда ёлғиз яшайдиган телба хотин «Бурдалаб ташлайман!» дея тишларини такиллашиб қувлаганида ҳам бунчалик юрак олдирмаган эди.

Ён дафтарча қаяққа ғойиб бўлди? Ким олди уни? Кимга зарур экан ўн уч ёшли болакайнинг ён дафтарчаси?..

Оқшом овқатдан сўнг шошиб ўрнидан турди, хаёли жойида эмасди унинг. Ён дафтарчасини йўқотганини оғиз очиб айтолмади, уни ўзи излаши, топиши керак. Шарт! Топмаса...

— Утиринглар! — деди отаси ҳаммага қарата. Акалари, опалари, кеннойиси хонтахта теграсини тўлдиришди. — Қани, ўқи-чи!..

Муддаони тушунолмаётган ҳамма жим, катта аканинг қўлида... йўқолган дафтарча пайдо бўлди!.. Ака уни ўқишга тутинди:

— Катта танаффус... звоной чалинди... Класдан шошиб чиқдим, қарасам... Хах-ҳа-ҳа!..

Бола «ялт» этиб акасига қаради ва ўша заҳоти қайтиб бошини тиззалари узра солинтирди. Акаси мириқиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кулатуриб дафтарчани хотинига узатди. Ундаги ёзувларни овоза қилишни кеннойи давом эттирди:

— «Бугун кўкиш кўйлай кийибди, ёқаси оппоқ. Кеча сариқ кўйлак кийганди. Юрганида этаги чиройли ҳилпирайди... Қўйлагинг чирой-ли экан, демоқчи эдим, айтолмадим...»

Бу сафар дастурхон атрофидагиларнинг ҳаммалари бараварига кулди. Катталар кулгидан ўзларини тўхта-толмагани сайин бола ўтирган жойида эзилиб, ерга кириб кетаверди.

«Тарбия соати» қанча давом этди, отаси, онаси, ака-опалари нима деб танбеҳ беришди — боланинг қулоғига

кирмади. Ун уч ёшли бола бамисоли оёқ остида мажақ-ланиб эзилган майсанинг аҳволига тушди. Чурқ этиб товуш чиқармади. Уйдан ҳовлига, ҳовлидан қоп-қоронғи кўчага югуриб чиққандагина, ариқча ёқасида ўсган толнинг янаям зимистон панасига бориб чўк тушиб ўтиргачгина кўзи жиққа ёшга тўлганини пайқади...

* * *

...ўн уч ёшли болага ачиниб кетдим. Қоронғида тол панасида ич-эти эзилиб ўтиргани кўз ўнгимга келди. Бошини силаб юпатгим, кўнглини овлагим келди. Наҳотки, кап-катта одамлар болалик ҳавасини, унинг мурғак кўнглида одамларни яхши кўра олиш майли, туйғуси кўз очаётганини тушунишмади?! Ахир... меҳрни тушунтириш, ифодалаш, изоҳлаш қийин экан... Одамлар орасидаги ҳамма-ҳамма муносабатлар меҳр-муҳаббатни тушуна олишдан бошланади. Меҳрли бўлиш қанчалик машаққат, кадрлай билиш эса ундан-да мушкул.

Сиздан яширмайман, яшира олмайман: кўнгли қўйган кишиларим бўлган. Лекин ҳеч ким билан очикчасига суҳбатлашиб, кўнглимда пинҳон тутган изҳоримни ҳам, изтиробимни ҳам ошкор этмаганман, айта олмаганман, ҳатто айтиш шарт эмас деб ҳисоблаганман. Қанчалар эзилиб, қийналиб, соғиниб яшасам-да, атрофдагилар назарида бефарқ ва совуққон кўриниб юраверганман. Энди ўйлаб кўрсам туйғуларимни, ҳиссиётларимни фақат Сиз кадрлай билибсиз, тилга кўчиришга журъат этмаган эҳтиросларимни баён қилишга йўл очибсиз. Шунинг учун ҳам орамиздаги муносабат «яхши кўраман» мазмунидаги дил изҳоридан а-анча юксакда деб ҳисоблайман. Сиз ҳам шундай фикрдасиз, тўғрими? Уни, айниқса, Сиздек сезгир одамга изоҳлаш ортиқча.

Самимий, бегараз, гўзал муносабат...

Бир пайтлар, «кўнгли йўли олис» деган иборани тилга олгансиз. Ёдингиздами?.. Сўнг тушунтиргансиз. Мана, энди хатларингиз — кўнглининг ҳар ким илғай ололмайдиган, фаҳмлолмайдиган энг нозик кечинмаларию тебранишлари изоҳи.

Сиз ўн уч ёшли боланинг изтиробларини ёзибсиз. Бу ёшдаги қизлар ўғил болаларга нисбатан кўпроқ нарсани тушуниб улгурадилар, зийрак бўладилар.

Шу ёшимда «Яхши кўриш нима? Одамлар нега бир-бирларини ёқтирадилар?», деган саволларга ўзимча жа-

воб топгим келарди. Қизлардан сўрай десам устимдан кулишади... Амаким бирга ўқийдиган қизни яхши кўра эканлар. Шу гапни эшитганда галати бўлиб кетдим. Суюндим.

Амакимни уйлантирадиган бўлишди. Бувим қизни кўрибдилар, розилик билдирдилар. Уйимиздагилар қизнинг исмини очик-ойдин тилга олаверишди. Сал гап очилса амакимга қарайман, кўзлари чарақлаб кетганини сезаман... Қани эди, бувимгилар бўлажак келин ҳақида кўпроқ гапиришса-да, мен амакимнинг қувонишларини кузатаверсам...

Бироқ, катта амаким тўйга розилик бермадилар. Бошқаларни билмадим, бу гап мени довдиратиб қўйди. Ахир мен ўзим танимаган-нетмаган ўша қизни аллақачон кеннойи қилиб улгурган эдим...

Ўзимча ҳукм чиқардим: амаким зинҳор бошқа қизга уйланмайдилар, ахир яхши кўрганини унутиш осонми? Мен не хаёлдаману, амаким... бошқага уйландилар. Тўғриси, амакимдан кўнглим қолди, шундай бўлса-да, у кишини зимдан кузатишда давом этдим. Амакимнинг кўзларида армон аломатларини изладим...

Аввалига келин кўзимга хунук кўринди. Гаплашгим ҳам келмади. У кун бўйи тиним билмас, елиб-югуриб хизмат қилар, катта-кичikka бирдек ширин муомала қиларди. Мени «сиз» сирашидан ҳайрон қолдим!..

Бир куни ошхонага югуриб кирсам, кеннойим йиғлаяпти!.. Мени кўрдию, шошиб кўзини артди, жилмайишга уринди ва бирдан, «Ҳеч кимга айтмайсиз-а» деб ёлбора кетди. Кеннойимнинг оппоқ пахтадек юзларига, мендан яшираётган қоп-қора кўзларига қараб туриб, шунақаям ачиндимки!..

Кеннойимни ёлғиз қўймайдиган бўлдим. Уйга кирса — уйга, ошхонага кирса — ошхонага изидан кираман, қандай бўлмасин ёлғиз қолдирмасликка уриндим. Шунақаям яхши эдики!..

Амаким ва-ақтли кетиб, ке-еч келадилар, кеннойим индамайди, елиб-югуриб хизмат қилишдан тинмайди...

Ке-ечқурун икковимиз гаплаше-ёб ўтиргандик.

— Сизга ҳавасим келади, — деди кеннойим.

— Вой, нега? — деб сўрадим.

Кеннойим дам кулиб, дам ўйга толиб а-анча гапирди.

— Қизлик кезларим бир дунё орзуларим бор эди. Келин бўлиб тушдимму ҳаётим ўзгарди. Хаёлларим, ор-

зуларим ўзгарди, ҳатто товушим бошқача бўлиб қолаётганга ўхшайди... Ҳеч кимга айтмайсиз-а?.. Мени бу ерда ҳеч ким хафа қилмайди, ойижон, амакингиз ҳам яхши одам эканлар. Фақат ўзим кўника олмаяпман. Иччимдан шунақаям эзиламанки!.. Кўнгил қўя олмаслик... Сизчи, сиз фақат севиб турмуш қуринг, хўп?.. Мен... беркиниб йиғласам, сал енгил тортаман... Келин бўлиб тушган оиладагиларни, шу ердаги турмуш тарзини севиб-ардоқлаб яшашим керак, деб ўйлардим. Меҳрим, эътиборим, кўнглимдаги бор яхши ниятларимни шу ерга бахшида қиламан, деган ўйдан бўлак орзуим йўқ эди. Энг муҳими — одамларнинг кўнглига қараш, меҳрли бўлиш керак деб ҳисоблаганман, лекин... хаёл, орзуният бошқая, ҳаёт бошқа экан. Меҳр-муҳаббатдан кўра оёқ-қўлнинг чаққонлиги, эпчиллиги, толиқмаслиги зарурроқ экан, оила учун...

... Кечирасиз, хатим чўзилиб кетди. (Сизга ўхшаб ёзмоқчи эдим-да!) Инсон энг аввало меҳрли, муҳаббатли бўлиши, ҳамма нарсанинг яхши томонини кўра билиши муҳим, деб ўйлайман. Меҳрдан юсакроқ туйғу бормикан?! Дунёни ҳалокатдан асрайдиган гўзаллик ҳам меҳрда, меҳрда, меҳрда...

11

...Ўн уч ёшли қизчанинг, (Сиз-а. ўша қиз?) Сизнинг зийраклигингизга ҳавасим келди. Кеннойингизга ачиндим. Ўн уч ёшингиздаёқ шу қадар таъсирчан, шу қадар сезгир бўлган экансиз!..

Кулмасангиз бир сирни очай: Сизлар ўтирадиган хонага турли баҳоналар билан кириб-чиқиб юрган кезларим бирон ишга қўл урсам, Сизни назарда тутиб, «У нима дер экан?» деган савол билан ўзимни тергашга одатландим. Баъзан ўйламай-нетмай қилган ишимни, айтган сўзимни сизнинг ҳукмингиздан ўтказиб, хижолат чеккан пайтларим бўлган.

Назарингиз тарбиячимга айланган эди, менинг.

... беш-олти йиллик ички бир ҳавас, ботиний ҳурмат дуру гавҳарга, ёқутга айланди, энди дунёни шу жавоҳир орқали кўришга маҳкумман... Осмонлар, одамлар... гуллар, гўдаклар... тунлар, кундузлар — ҳамма-ҳаммасини ушбу бокиралик тимсолида идрок этиш мен учун ҳаловот. Сизга етиша олмаслик, айрилиқ, соғинч руҳимдаги гўзаллик туйғусини кемиради... «Беғубор туйғуларингиз

ва эҳтиросларингизга гард кўндирмай ардоқлашга имконим етармикан?» деган хавотирингиз асоссиз. Имконингиз етади. Бунинг учун мен мажнунона севган ва ардоқлаш орзусидаги Ўзингиздаги туйғулар бокиралигига гард юқтирмасангиз бас.

Ўтинчим шу: Сизга, Сизнинг шаънингизга қўнадиган губорларга кафтимни, юзларимни тутай!..

«Оқила, фаросатли қиз бўлишга, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан» деган сўзларингизга суянаман, жоним.

Тушингизда хонамга кириб, мени ётган жойимдан турғазибсиз. Узр, тепамга Сиз келибсизу, гина қилганимни қаранг!..

Яна бир мўъжиза: айни Сиз тушингизда тепамга келган пайтда мен... уйимда ётган жойимда уйғониб кетдим!.. Зим-зиё тун. Кўчадаги симёғоч чироғи қуюқ дарахт шохлари оралаб ётоқ хонамни ола-чалпоқ ёритган. Кўзимни очдим, энгашганча менга тикилиб турганингизни кўрдим. Ҳушимни йиғиб улгурмай, савол қотдим:

— Уришганимга жаҳлингиз чиқдимми?

Ўйладим: «Қачон уришдим?.. Нега, қайси гуноҳи учун уришай, уни?.. Дийдорига етишолмай юрган қизни уришиш?..» Бош чайқадингиз.

— Сиздан жаҳлим чиқмайди, — дедингиз кулиб. — Уришсангиз қани эди!.. Жон-жон деб қулоқ солар эдим, танбеҳларингизга. Фақат, арзимаган нарсаларга асабингизни бузаётганингиз... Асабингизни асранг, демоқчи эдим...

Уйқум ўчди...

— Арзимаган нарсаларми? — деб сўрадим.

Жимсиз. Гапирмайсиз. «Гапларим кўп» дейсизу, айтмайсиз. Ёки сукут сақлаб, мен учун қандайдир қизларни раво кўраётган бўлманг, тағин?..

Кафтимдаги хитойи чинни нақадар нафис!..

«Суюкли бўлиш қандайин яхши!..»

Бундай ўйлар чалғитгудай бўлса сукут сақлашга йўл қўймайман. Хурсандирсизу севинчингизни, хафасизу ранжиганингизни, йиғлайсизу кўз ёшларингизни ошкор этмайсиз.

Бизни яқинлаштирган самимият бу тўсиқни бузишга ожизми?.. Қани, ўша самимият?..

Йўқ, изтиробга тушганимдан безовта бўлманг. Бу изтироблар қалбни поклайдиган, Сизни янада суюкли

қиладиган, инсонни юз чандон инсонийлаштирадиган изтироблар. Не-не одамлар бундайин позик кечинмалардан бебахра ўтадилар дунёдан.

— «Менга бера колинг ҳар қанча азобларингизни!»

Нималар деясиз!.. Қалби ана шундай изтироблар чашмасида ювилган покиза одамларгина бундай ҳамдардликка қодир бўладилар. Бундай қалб Соҳибасига азобларимни эмас, роҳатларимни, ҳаловатларимни, севинчларим, шукроналаримни, кўнгилнинг беғубор гўшаларида кўз очган арзанда ҳисларимни раво кўраман!..

* * *

...жудаям бошқачасиз! Кўнгил тубидаги эҳтиросу ҳаяжонларингизни батафсил тасвирлай олишингизга ҳайрон қоламан. Сизга ўхшатиб ёзолмайман.

Сизга мен ўзимни ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,
Ўзгага бермоқ эса тушимга кирмас ухлаб...

Қалай, шоирликни эплар эканманми?..

Узоқроқ суҳбатлашгим, гапиравериб қулоғингизни битиргим келади, ичим тўла сирларга ошно қилгим келади. Лекин, Сизчалик ўхшатиб гапиролмайман, ёзолмайман...

«Дунёга Сизнинг назарингиз билан қараяпман!» деясизми?.. Уялтирманг. Бундай мартаба, иззат-обрўга эришишга йўл бўлсин!.. Сиз билан юзма-юз келиб суҳбатлашишга ўзини лойиқ кўролмаётган қиз бўлсам... Нима ўйласам, қандай юмушга қўл урсам—кўз ўнгимда Сиз пайдо бўласиз. Қилаётган ишим Сизнинг талабчан назарингизда тўғрими, Сиз қандай қарайсиз?.. Шу савол бирор дақиқа хаёлларимни тарк этмайди...

Ужарлигимни айтгандим. Бир нарсага қўл урдимми, бас, ундан сира қайтолмайман. Фақат ўзим қаттиқ кўнгил қўйган кишимгина мени қайсарликларимдан қайтариши мумкин. Яхши кўрган кишим кўнглидагидек қиз бўлиш — фикри-хаёлим шу бўлиб қолади.

Сиз шундай кишимсиз менинг... Бу гапни айтишдан истиҳола қилмайман, қизармайман. Сиз яхши кўришга арзийдиган инсонсиз. Қалбимда кўз очган ва очаётган илоҳий туйғулар учун Сизнинг борлигингизга шукр қиламан, мен жуда-жуда бахтли қизман.

Шунчалар яхши кўришингизга баъзан ҳали-ҳануз ишонолмайман. Сизнинг ёлғондан яхши кўришингиз ҳам мен учун барча ҳақиқатлардан афзалроқ!..

Шу-унча ҳаяжонлар орасида изтиробни улуғлаганингизни тушунолмадим, қўйинг, нима бўлганда ҳам изтироб-изтироб-да!.. Қийналишингизни зинҳор истамайман. Асабийлашсангиз ўзимни айбдор ҳисоблайман. Мен ҳақимда ортиқча қайғурманг, хавотирланманг деб майда-чуйда ҳасратларимни айтмай аяганим қайдаю, Сиз изтиробдан мазмун ва фароғат, ҳаловат ахтараётганингиз қайда!..

Ҳаётда барча ҳақиқатлардан-да юксакроқ, улканроқ ҳақиқат бор, — деб ёзганингиз ёдингиздами? Уша ҳақиқатни кўра олиш бизга насиб этган экан, нега энди ортиқча изтироблардан озор чекишимиз керак?.. Сизнинг меҳрга тўла сўзларингиз, ёлғиз ўзимгагина аён беғубор нигоҳингиз мени қанчалар юксалтириб юборади. Тасаввур қилинг-а!.. Шундай улуғворлик насиб этган қиз ёйигит нега энди изтироблардан озор чекмоғи керак?..

Тушундингиз-а?..

12

«Сизчалик ўхшатиб ёзолмайман» дебсиз. Алдоқчисиз!.. Ахир Сиз топиб айтган гапларни ман-ман деган шоир-ёзувчининг китобларидаям учратмаганман,

Аслида... китоб жавони сотиб олмақчиман. Нима қилсам экан: францизларникини олайми ёки Италияда ишлангани дурустми? «Китоб жавонини нима қиласиз?» дейсизми?.. Сиз ёзган энг самимий, меҳрга тўла сўзларингизни жамлайман. Тушундингиз-ми?

* * *

«Французларникини олайми ёки Италияда ишланганиникими?» деб сўрабсиз. Энг кўп китоб жо бўладиган жавонни олинг, хўп?..

Тўғри-да, барибир Сизга ўхшатиб ёзолмайман. Сизнинг хатларингизга кўз югуртира бошлаган замоним, уларни Сиз ўзингиз шундоққина ёнимда туриб ўқиб бераётгандек бўласиз. Ҳайрон қоламан!..

Ўхшаши йўқ ўхшатишларингиз ҳайратга солади. Ана шу ҳайрат менга мўъжизадек таъсир ўтказди. Меҳр-муҳаббат антиқа мўъжизалар яратади, деганлари шу булса керак-да?!

Мен ана шундай мўъжизалар қуршовида яшаш орзусидаман.

Сиз мени ўзимдан-да яхшироқ тушунганингиз мўъ-
жиза эмасми?! Бир-биримизни бир оғиз сўзда илғаб
олишимиз ҳайратга арзимайдими?! Елғондан бўлсаям,
арзийди, денг!..

13

«Нега мени бунчалик севасиз?» деб сўрабсиз.

Саволингизга энг қисқа ва осон жавобимни айтай-
ми?.. Севганим учун севаман! Шундай бўлса-да, ҳар
лаҳза, ҳар нафас шу саволга жавоб излайман. Нечоғли
кўпроқ ва чуқурроқ жавоб изласам Сиз ҳақингизда шу
қадар ширин хаёлларга ғарқ бўламан. Бу қадар телба-
ларча севишимни Сизга янаям ишонарлироқ тушунти-
ришни истайман. Сиз ҳамма-ҳаммасини тушунасиз, ҳис
қиласиз ва шу қадар иродалисизки!..

Нега сир бой бергингиз келмайди?..

Ирода эҳтиросни жиловлайди, жиловланган эҳтирос
кўнгил тубидаги туйғуларнинг юзага қалқиб чиқишига
йўл қўймайди.

Феълингиздаги шу «ғалати»ликни сезганим сайин
Сиздан узоқлашиб бораётганга, Сизни йўқотиб қўяёт-
ганга ўхшайман...

Ҳар сафар Сиздан хат келишини орзиқиб кутаман.
Негадир, «Келмай қолса-я!» деган хавотирда юрагим-
ни ҳовучлаб юраман. Хатни кўраману, ўзимни босол-
майман, бошқара олмайман. Эгасини соғинган итни ай-
тиб берганмидим?..

Уқувчилик йилларим эди. Кўчада адашиб юрган
каттагина итни занжирлаб олиб, ҳовлимизга боғлаб қўй-
дим. Қимир этмай ётгани-ётган, товуши чиқмайди. Ол-
динги оёқларига тумшугини қўйиб бир нуқтага тикил-
ганича, лунжини осилтириб ётаверади. Разм солиб қа-
расам, тим қора кўзлари филт-филт ёшланаётганга ўх-
шади.

Тутқинлик икки ҳафтага етди. Итнинг авзойи ўзгар-
мади. Берган овқатимни чимдиб қўяди, холос.

Нотаниш мўйсафид кўчамизга икки марта итини из-
лаб келибди. Кўнгли бирор нарсани сезганми, учинчи
қайта ҳам келди, суриштирди. Ойим (раҳматли), «Бериб
юбор, бари бир сенга кўникмаяпти, эгасини кўрмаса
ўлиб қолади» дедилар.

Чол учинчи келишида уни ҳовлимизга бошлаб кир-
дим. Мўйсафид итини кўрдию, «Воҳ, жоним!» деганча

38

деворга беҳол суялиб, товуш чиқармай йиғлаб юборди.
Итнинг аҳволини тасвирлай олмайман... Чол итнинг
ёнига келиб тиз чўкди, ит инграб юборди, ҳовлини жа-
ранглатиб вовуллади, одам бўйи барабар сакраб ирғиш-
лай бошлади, «ҳарс-ҳарс» нафас олганича эгасининг бе-
тини, бўйни, қўллари, оёқларини ялаб-юлқай кетди!..
Қарасам, ҳовлининг нариги чеккасида онам кўздари-
да ёш, «Айтдим-а, болам! Жониворга шунчалик азоб
бердинг-а!» деб турибдилар.

...энди, ҳар сафар Сиздан келадиган хат соғинчида
ичим зардобга тўлиб, тоқатсизланганим сайин ўша ит-
ни эслайман. «Ўша итнинг қарғишига учрадимми ё?»
деган ўйларга бораман.

Сизни ҳеч кимга, ҳеч нарсага раво кўрмайман. Мен
кўрмайпманми, бас, Сизни Сиз юрган жойлардан қиз-
ғанаман, мен билан бирга эмасмисиз, бас, Сизни мен-
сиз қолган вақтлардан қизғанаман.

Бошингизни қўйган ёстиқдан, устингизга ёпинган
кўрпадан рашк қиламан!.. Рашк ўтида ёнганим сайин
ўзимдаги барча эзгулик ва маъқул фазилатлар фақат
ва фақат Сизгагина насиб этишини, уларнинг қувончини
Сиздагина кўришни истайман.

Шу эмасмикан, муҳаббат деганлари?

Сизни севишимнинг боиси, изоҳи ҳам шу эмасмикан?

Бир-биримиздан беҳабар, орада шу-унча кўришмай
юриб ҳам ўйловимиз, фикрларимиз ўхшашлигидан ҳай-
ратга тушибсиз. Шу ҳайратлар қовуштирсин, бизни,
жоним!..

Муҳаббат деганлари шу эмасми, азизим?!

«Кўнглим жуда нозик» дейсиз. Уша нозикликка то-
пинай, жоним!..

Уша нафис кўнгил заррача озорланмаслигини истай-
ман. Уша нозик кўнгил истакларини асраб-авайлаш,
эҳтиётлаш, эъозлаш бахтидан бенасиб эканимдан эзи-
ламан.

Ажабланманг, мен Сизнинг олдингизда гўдак бола-
дек ҳис қиламан, ўзимни. Эркаланиб-тантнгланиб она-
жонининг кўксига юзини босадиган, нима деса вужуди
тўла ишонч билан қулоқ соладиган, эртақлардан чиқиб
келган фаришталарни кўрганда ақли шошиб қоладиган
боламан...

Сиз туфайли ҳаётни шу қадар мўъжизакор, сеҳр-
ларга бой кўраман-ки!.. Шу боис нима десангиз жон
қулоғим билан тинглайман, нима десангиз сўзингизни

39

икки қилмай бош эгаман, тирноқча ранжисангиз — тоғдек юк остида қоламан, ич-ичингиздан энтикиб кулсангиз дунёда энг бахтиёр одамга айланаман.

Шунақаман.

Шундай одам қилиб қўйдингиз мени.

Тагин, «Ёмонлигимни кўрсатиб қўяман» деб ёзибсиз.

Кўрсата олмайсиз! Ҳар қандай одам ўзида борини кўрсатади, Сизга эса Худо ёмонлик ато этмаган...

Сезапман, Сиз муносабатларимиз яқинлашиб, қуюқлашиб кетишини истамаяпсиз. Шунинг учун ҳам ёмонлигингизни кўрсатиб қўймоқчи бўляпсиз. Ёдингизда тутинг, Сиздаги барча ёмонлик мен учун фазилат ҳисобланади. Сиз ўзингиздан мени айнитадиган ёмонлик тополмайсиз.

Наполеон Жозефинага хат ёзиб, «Эҳ, ўтиниб сўрайман, менга ўз камчиликларингни кўрсат! Бунчалик соҳибжамол, бунчайин хушмуомала, нафис ва яхши бўлмай қўя қол!» дея илтижо қилган. Азбаройи қалбидаги севги ҳароратига дош беролмаганидан ёзган, ёзгану мубталолик дардидан баттарроқ азобланган. Азоблангани сайин эса Наполеон... йўқ, мен парирўй малонкалар салтанатидан чиқиб келаётган ва менга табассум ҳадыя этган Сиз ёлғизимни куйдиргувчи миллион ўпичлар билан кўмиб ташлагим келади.

... «Нега мени бунчалик севасиз?» деб сўрайсиз-а! Саволингизга энг осон ва қисқа жавобимни айтай: севганим учун севаман...

* * *

Мен Сиз ўйлаганчалик иродали эмасман. Эҳтимол мутлақо иродасиздирман...

Тўғри ёзибсиз, кўнгил тубидаги эҳтиросларни жиловлашдан ўзга иложим йўқ. Нега энди сир бой беришим керак?

Бундай десам, айтмаган сир-асрорим қолмади, шеклли?..

Балки мен Сизни йўқотиб қўярман, аммо-лекин Сиз мени йўқотмайсиз, ҳеч қачон йўқотмайсиз. Биз бир-биримизни ҳеч қачон йўқотмаймиз ва... тополмасак ҳам керак...

Эгасини соғинган ит ҳикоясидан қаттиқ таъсирландим. Таъсирландиму, Сизнинг ҳозирги аҳволингизни нима даҳли бор, унга? Наҳот, болалик кезларингизда

итга етказган озорингиздан ҳозиргача шу қадар изтироб чекаётган бўлсангиз?

Қўйинг, ундай деманг! Фақат... мен ҳам Сизни ўша ўзингиз тасвирлаган жонивордек соғинишимга ишонасизми?..

Сизни шу қадар соғинган қиз Сиз мени қизганганчалик қизганмайди деб ўйлайсизми!.. Ҳар сафар ёстиқча бош қўяётиб ёзганларингиз кўз ўнгимдан ўтади, овозингиз қулоғимда шивирлайди, хўрлигим келади... жуда-жуда соғиниб кетаман...

Мен муҳаббатни Сиз тасвирлаганчалик баён қилиб беролмайман. Сизнинг батафсил тасвирларингизни ўқиб Сиздек сирдошим борлигидан фахрланаман, бошим осмонга етади.

Менга, шу-унча эҳтирос, шу-унча дил изҳори — ҳамма-хаммаси ёлғиз ўзимга-я?!.

Сиздек зийрак одам ёмонликларимни илғамаётганингизга ҳайронман. Ҳайрон бўлганим сайин... қандай яхши-я, сени беқусур кўрса, одамлар!..

Донм ёзганимдек, Сиздек ўхшатиб тасвирлашга ожизлик қиламан. «Сиз туфайли ҳаётни шу қадар мўъжизакор, сеҳрларга бой кўраманки! — деб ёзибсиз. — ... Тирноқча ранжисангиз — тоғдек юк остида қоламан, ич-ичингиздан энтикиб кулсангиз дунёда энг бахтиёр одамга айланаман».

Хатингиздаги шу сўзларни қайта-қайта ўқидим. Агар Сиз Наполеонга, мен Жозефинага айлансак, агар Сиз француз кўмондони каби миллион ўпичлар билан кўмиб ташлагудек бўлсангиз, биласизми, мен нима қиламан?

Хатларингизнинг ҳаммасини бир бошдан ўзингизга ўқитар эдим, «Наҳотки, мени шунчалар севасиз-а?» деб минг марталаб сўрайверар эдим.

14

... хатнинг охирини юз марталаб ўқидим. Минг марталаб берадиган саволингизга миллион марталаб жавоб айтишга ҳозирман, жоним!..

Дарвоқе, ёмонлигингизни топдим: хатингизни кутган ҳар куним — ёмонлик! Хат ёзмай қўйиш ҳақидаги ниятингиз ёмонлик!

Бундан баттар ёмон кунларни бошимга солмоқчимисиз, ё?!.

Соғинчнинг изтиробли дақиқаларида бир кашфиёт

қилдим: соғинч лаҳзаларини бани башар кўниккан вақт ўлчови билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, соғинчнинг ҳар лаҳзасида юзлаб кунларга татигулик азоб-уқубатлар мужассам топади.

Ичингизда бўла туриб соғинаман, Сизни ичимга жо қилиб қўйиб — излайман...

Соғинч итиробрлари қаттиқ қисувга олган лаҳзалар рўпарамда Сизнинг маънос ва нурдек оппоқ чеҳрангиз пайдо бўлади ва юзимни оппоқ, мулойим ва майин шабада эркалайди. Оппоқ шабадани бағримга босаман, шабаданинг ипакдек майин бармоқларига бетимни тутаман.

Баъзан хат ёзиш бачканаликдек туюлади ўзимга, лекин мендаги хат ёзиш дардини Сиз тушунасиз деган ишонч тасалли беради ҳар сафар. Чунки кўнгилни тушунадиган кишилар одамларни ҳам жуда нозик ва тиниқ тушунадилар деб ўйлайман. Кўнгил майли билан хат ёзиш ўртасида сеҳрли қудрат яширинганга ўхшайди. Бу сеҳрли қудрат одамни тушуна билиш сеҳри эмасми, жоним?

Одамни бир оғиз сўзда катта меҳр-муҳаббат билан илғаб олиш ва унга яраша покиза майл билан жавоб бера олиш — эҳтимол, буни ҳам муҳаббат дея талқин этиш хато эмасдир! Илоҳий мўъжиза, самовий, руҳий яқинлик, деганлари шудир?!

Мен дунёга келиб шундай бахтга эришдим. Шуни топдим. Топдим-у... мутассил соғинишлар, ҳижрон лаҳзалари, соатлари, кунлари чеккан азобларим, хат олган дақиқалардаги адоқсиз қувончлар ҳаётимнинг мазмунига айланди. Айланди-ю... мени шу кўйларга солаётган жони жаҳонимнинг васлига етолмаслик азоби қалбимни жодига солиб ўртамоқда. Қизиқ, биз бир-биримизга шунчалик интилсак-да, интиқ бўлсак-да, Худо сизу мени бир-бировимиз учун яратганига юзлаб, минглаб далилу далолатлар топсак-да, топиша олмаслигимиз, қўлимизни қўлимизга беролмаслигимиз аянчли эмасми?!

Наҳот, Сиз ёки Сизга нисбатан кўнглимда туғилган телба муҳаббат фақат ва фақат ўзимнинг устимдан кулиш учун яралган бўлса?! Бирон кимсага лом-мим деб оғиз очолмайман, аччиқ-аччиқ куламан, холос. Соғинчнинг зўридан эзилиб-кичрайиб, ҳолсизланиб қолган лаҳзаларда — бедор тунлар юрак дуқуридан ўзга ҳамроҳ тополмай аламдан аввал ўзимга маломат тошларини ёғдираман, сўнг Сизни айблашга ўтаман. Айблайман...

ардоқлайман... соғинаман... Ўзимни зўрлаб бўлса-да, Сизни эсламасликка, исмингизу суратингизни хотирамда тикламасликка уринаман ва ҳарчанд уринганим сари... Сизни аввалгидан кўра қаттиқроқ яхши кўриб қоламан, аввалгидан кўпроқ ва тезроқ соғинаман, Сизга аталган қайноқ эҳтиросларимни аввалгидан кўра ёниб-тошиб изҳор этиш эҳтиёжим ортиб боради...

Жоним! «Ёмонликларимни сезмаяпсиз» деб ёзибсиз. Мен Сизнинг яхшиликларингизга мастман. Мен Сиздаги яхшиликлар билан яшаяпман. Мен Сизда кўрган яхшиликларни йиғиб-йиғиб асраб, ясатиб қўяман. «Қаерга?» дейсизми? Юрагимга, юрагимнинг жавонларига китоб янглиғ териб қўяман. Кўнглим тўридаги китоб жавонлари Сизнинг яхшиликларингизга тўлиб-тошиб бормоқда. Китоб жавонлари эса беҳисоб...

* * *

Сизга шунчалик озор етказаетганимдан қанчалик хижолат чекмай тақдир бизни бир-бировимизга раво кўрмаганга ўхшайди. Билмайман, айтолмайман ҳам: эҳтимол, бир-бировимизга шу қадар телбаларча интилганимиз учун ҳам етишолмасмиз?! Лайли-Мажнунликнинг ҳам чеки-чегараси бордир, ахир?..

Шундай дейману, соғинч лаҳзаларини ҳамма кўниккан вақт ўлчови билан ўлчаб бўлмаслигини ҳис қиламан. «Сизнинг соғинчларингиз менинг қайноқ ва ўтли соғинчларим ёнида исиниб олсин» десам ранжимайсизми?

Биласизми, айтаверайми?.. Сиз билан йигирма тўрт соат ёнма-ён, минг йил яшасам-да, соғинчларим тугамайди, мен Сизнинг ичингизда, Сиз менинг ичимда яшасак-да, соғинч мени тарк этмайди.

Фикрларимиз, қарашларимиз икки томчи сувдек ўхшашлиги мени жуда кўплаб марта лол қолдирган, бу ўхшашликни умр бўйи эслаб, хотирлаб юраман... Сизнинг хаёлларингизни остин-устун қилган ўзимдаги фазилатларни (ростдан ҳам борми, улар?) топиб, ардоқлаб яшайман.

Менга қолса, Сизни ҳеч кимга кўрсатмай яшириб қўйгим, Сизнинг меҳрибон сўзларингизга бутун вужудим билан қулоқ тутиб ўтиргим келади, лекин...

Хат ёзишнинг сеҳрини тушунтиришга уринибсиз. Сизнинг хатларингиздан кўра каттароқ қувончи бўлмаган

одам наҳотки хат ёзишни бачканалик деб тушунса?! Қизиқсиз-а!.. Ахир, хат алмаша бошлаганимиз қанчалик кашфиёт бўлди мен учун! Иккимиз учун энг ардоқли, илоҳий, гўзал муносабатларимиз хотираномасига айланади, бу мактублар. Шундай эмасми?!.

Хатларни ўқиганим сайин мен ўзимни яхшироқ танилман, ўзимни кўпроқ топаялман.

Феълимда Сизга маъқул фазилатлар топилса, уларнинг бари фақат ва фақат Сиз туфайли, деб биламан. Шуни унутмасангиз бас!..

Қайси бир хатимда адамни ёзгандим. Адамни қанчалик ҳурмат қилишимни ҳеч кимга огиз очиб айтган эмасдим, негадир у киши ҳақларида Сизга кўп-кўп ёзгим келаверади.

Адам билан суҳбатлашсам мутлақо бошқача одам бўлиб қоламан. Ҳеч қандай фикрларини рад этмайман, адам заррача ранжишларини истамайман. Адамнинг кўнгиллари озор топмаслиги учун ҳатто жуда-жуда тўғри мулоҳазаларимдан-да воз кечишга тайёр тураман. Адамнинг севинчлари учун ўзим эпложмаган, истамаган юмушларни-да заррача иккиланмай, осонгина бажараман.

Қанчалик уринмай, ҳаётда бошқа бирор кишига нисбатан бунчалик фидойилик қилолмаслигимдан ҳайратга тушар эдим. Буни қарангки... ҳаёлимда энг яхши туйғу ва истакларимни шу кишига раво кўрадиган бўлдим...

Сиз биздан кетаётганингизда мен Сизни эмас, ўзимни йўқотиб қўйганман. Тасвирлаб бўлмас ҳолатлар, муносабатлар қайтиб такрорланмаслигини ўйлаб, юракларим орқага тортиб кетган.

Ҳар бир одамни ҳеч кимса ўзи тушунганчалик тушунолмайди деб ўйлар эдим, Сиз мени ўзимдан кўра чуқурроқ тушунишингиздан ақлим лол қолди. Ҳатто айтмаган, айтолмаган фикр-ўйларимни-да илғайсиз-а! Мени ҳеч ким Сиз тушунганчалик тушунмайди, яхши кўрмайди. Аммо-лекин, бу тушуниш, бу кўнгил яқинлиги Сизу менга фақат яхшилик ва қувонч келтиради деб ўйлайсизми?..

Афсус, бундай эмас... Негалигини мен изоҳлаб беролмайман. Кўнглимнинг туб-тубида умрбод Сизни ардоқлаб ўтишимни унутмасангиз бас... Биламан, Сизсиз, Сизнинг ҳароратли мактубларингизсиз кунларим жуда-жуда ғариблашиб қолган бўлур эди. Мен бундай ғарибликка дош беролмайман. Ҳар лаҳза, ҳар қадамимда Сизнинг тотли ҳаёлларингиз, гўзал орзуларингизга қо-

ришиқ эъзозларингизни, соғинчу изтиробларингизни ҳис этиб яшайман.

Ҳа-я, қалбингиздаги жавон қанчалик кўп бўлмасин, хавотир олманг, у жавонларга арзирли сўзларни ўзим топиб бераман, ўзим!..

Эҳтимол, бизнинг рўёбга чиқмаган муҳаббатимиз мактубларда боқийликка айланар? Муҳаббатнинг ўзидан кўра у ҳақдаги дostonларнинг боқийлиги шундан эмасми?..

Соғинч кўнгилнинг уйғоқлигини синайди, деб ёзган эди бир шоир. Соғинч — азоб, изтироб, армон, аммо, бари бир борлиги яхши...

Шунга кўникканимиз маъқулга ўхшайди... Келинг, бир оз бардошли бўлайлик, иродаимиз кўнглимизнинг тизгинсиз майлларини қўлга олсин. Мени беҳад ҳурмат қилганингиз учун ҳам сўзимни ерда қолдирмайсиз деган умиддаман. Севиб, соғиниб... айрилиққа бардошли гавҳарингиз...

15

... хатингизни ўқиб ўтириб, деразадан боққа термилганча узоқ вақт ўйга толдим. Жим-жит, куп-қуруқ шохлар тарвақайлаб ўсган. Боғ кўнглим каби хувиллаган... Дарахт шохлари «Менинг гуноҳим нима?» дея самога чўзилган панжаларга ўхшайди. Хатда ёзганларингиз аста-секинлик билан жонимни ёндираётганга, куйдираётганга, ўртаётганга ўхшайди...

Айтинг, менга тушунтиринг, не сабабдан лайли-мажнунлик қилмаслигимиз керак? Қайси гуноҳларимиз учун тақдир бизни қовуштирмаслиги лозим? Нега? Нима сабабдан у ҳолда бизни топиштирди, қалбларимизни бунчайин яқинлаштирди?!

Мен Сизнинг бирор огиз сўзингиз эътиборсиз қолишини истамайман. Бунинг учун ҳар қанча азобларга тайёрман. Яна чексиз-чегарасиз чўлу биёбонларга-да, бош олиб кетишга тайёрман. Ке-етаман қоламан... Сиздан хат кутмай яшаш азобига кўника бошлайман. Тушунаёписизми, агар Сизга керак бўлса мен айрилиқ азобига ҳам розиман...

* * *

илтимос, тушунинг, Сизни азобларга қолдириб кетиш ниятим йўқ. Сизни азобга қўйиб ўзим хотиржам юра олмайман. Уйлаёписизми?..

Такрор бўлса ҳам ёзай: Сиз яхши кўриб қолган қалбимдаги энг тоза, энг ширин, энг азиз тилакларим фақат Сизники. Сизни бутун умр соғиниб, излаб, чорлаб, қўмсаб яшаётган бир инсон борлигини унутманг, хўп? Сизга азоб тугул, ғубор қўнишини ҳам раво кўрмайман.

Орамиздаги мактубий яқинлик назаримда умр бўйи вужуд-вужудимни ювиб-тарайди, поклайди...

Сизга ёзганларим ич-ичимда қайнаб-тошган энг эзгу ният ва эҳтиросларимнинг ўндан, эҳтимол, юздан бири, лекин Сиз менинг баён этмаган туйғуларимни ҳам илғаб олишингизни истайман.

Бир-биримизга йўллаган мактубларимиз мен учун энг тотли туш бўлиб қолади, бу «туш» мен учун роҳат-фароғат, ҳаловат кўчасига айланади, ёлғиз ўзим биладиган, ҳеч кимсани йўлатмайдиган бошпанам.

Биламан, Сизни кўпчилик ҳурмат қилади, яхши кўради. Майли, уларнинг сони кўпайгандан-кўпайсин, аммо Сиз ёлғиз мени, хўп?

Қадамизгизга бахт, омад, шодлик ва яхшиликлар тўшалсин!..

16

... Қадамизга тўшалган яхшилик гулларининг ярмини Сизга атадим, жоним!.. Бу гул сўқмоғининг адоғида бизни... бепоён чўлу биёбон кутаётгандек... Тасаввур қилаяпсизми? Чўл. На уй, на одам, на гиёҳ, на-да тирик жон! Сиз билан мен ё-ёлғиз... Осмон тиниқ, мовий ёпинчиқ...

— Ёпинчиқми? Осмон-а?.

— Феруза ранг ёпинчиқ.

— Чеки?.. Муҳаббатли эъознинг чеки-чегараси бўладими?

— Чегараси ёки меъёри ўлчанса муҳаббат бўладими?

— Бошқалар тугул, севишган қалб соҳибларининг ўзлари ҳам ошиқ-маъшуқлик чўққиси сари ердан нечоғли узоқлашиб кетганларини ўзлари ҳам билмайдилар.

— Билмаганлари учун ҳам ўзлари забт этаётган чўққининг қаерида ҳалокат кутиб турганини сезмайдилар.

— Муҳаббатнинг ҳалокатига аксари ердаги одамлар сабаб бўладилар.

— Икки севишган қалб эгаси руҳан юксалади, холос, улар жисман одамлар орасида қоладилар-ку!

— Энг мушқули ҳам шу эмасми?.. Руҳан юксакликда, жисман заминда яшаш...

— Ён-теварақдаги одамлар ҳаммани замин ўлчовлари билан баҳолайдилар.

— Севишганларни ҳам.

— Олиму шоирни ҳам! Рассому созандани ҳам!..

— Ва истаган дақиқада ҳар қандай нозик қалб, эҳтирос бандаларини ҳар қандай юксакликдан тортиб туширадилар.

— Бизни ҳам...

— Биз ҳам одамлар орасида яшаймиз-да...

— Қани, атрофимизда ҳеч зоғ йўқ-ку?

— Кўнгил кўзлари билан қарасак, ҳа, ҳеч зоғ йўқ. Кўнгил кўзи кўр бўлур, деганлари шу, зеро, кўнгил кўзи муҳаббатга лиммо-лим бўлур.

— Бўлак ҳеч нарса кўринмас...

— Сизни кўряпман-ку?..

— Мен — муҳаббат!..

— Мен ҳам муҳаббат!..

— Мен ҳам фақат Сизни кўряпман...

— Муҳаббат туфайли мен ўзимни топдим!..

— Ўзимни танидим...

— Жоним ўртанди...

— Соғинчдан, жоним!..

— Соғинч — изтироб!..

— Кўнгил уйғоқлиги!..

— Ҳижрон-чи, ҳижрон?..

— Мен Сизни унутмайман...

— Пинҳон сиримиз Аллоҳга аён...

— Ўзи бизни топиштиради, беҳабар қолармиди?!

— Яхшиям Сиз борсиз!..

— Сиз ҳам!..

— Тирноқча ранжисангиз — тоғдек юк остида қоламан, қувониб кулсангиз дунёда энг бахтиёр кимсага айланаман.

— Яна айтинг...

— Юз карра, минг карра айтаман, умр бўйи айтаман, жоним!..

— Бахтли кишиларгагина насиб этади бундайин севги!..

— Бахтли кишиларгагина татийди, бундайин севги!..

— ...

— Чора йўқ, демоқчимисиз?.. Чорасизликдан чора излай-излай чора топаман. Узимни Сизнинг ичингиздан, Сизни ўзимнинг ичимдан топаман...

— Бари бир, соғинаман...

— Соғинчнинг ҳар лаҳзаси неча ойларга тенг...

— Куннинг йигирма тўрт соати бирга бўлсам, йигирма бешинчи соатда соғинаётган бўламан...

— Гўдак боланинг кўз ёшидек бокира соғинч!.. Сиздан узоқлашиб бораётганга, Сизни йўқотиб қўяётганга ўхшайман...

— Ҳеч қачон йўқотиб қўймайсиз!..

— Хатларингиз қўлимга етиб келишини орзиқиб кутаман, ниҳоят, хатни қўлимга тутиб, кўзимга суртиб ўқишга тутинаман, ва хатнинг тугаб қолишини ўйлаб юракларим эзилиб кетади...

— Мен ҳам шу аҳволга тушаман...

— Сизни Сиз билан бирга бўлмаган вақтларимдан қизганиман. Бошингизни қўйган ёстиқдан, устингизга ёпинган кўрпадан рашк қиламан...

— Бошимни ҳар сафар ёстиққа қўйганда Сизни эслайман, хўрлигим келади...

— Бир-биримиздан беҳабар ҳолда бир нарса ҳақида бир хил ўйлайдиган, бир хил фикрлайдиган даражада кўнгилларимиз яқинлашиб кетганидан Сизга ва ўзимга ҳавасим келади.

— Нега бунчалик яхшисиз?! Билмайсизми? Мен биламан: мен яхши кўрганим учун шунчалар яхшисиз!.. Е, бошқачами?.. У ҳолда ўзингиз айтинг, нега бунчалар яхшисиз?

— Куйдиргувчи миллион ўпичларга кўмиб ташлагим келгани учун ҳам яхшиман... Асл гўзалликдан баҳраманд этганингиз учун ҳам яхшиман... Фақат бу Гўзалликни эъюзлаш бахтидан бенасиб эканлигимдан эзиламан...

— Ундай деманг, Сизнинг эъюзларингиз умрим бўйи қалбимни чароғон этиб туради. Адоқсиз эъюз! Айтингчи, эъюзнинг чеки бўладими?

— Чеки бўлса, соғинчни ҳам изоҳлаш чораси топиларди, соғинч ҳам беадад макон, ахир.

— Висол — ҳаловат, севги — ғайриҳаловат.

— Ҳа, висол — ҳаловат, бироқ, висолда соғинч бўлмайди, соғинч — ҳижронда, ҳижронда — изтироб, изтиробда эса муҳаббат!..

— Асал-л-л!.. Сиз билан мен ёл-лғиз, осмон ёпинчиқ... Қайси рангни ёқтирасиз?..

— Сиз ёқтирганни...

— Оқними?..

— Оқни...

— Оппоқ ҳаяжон!.. Қучоғимни очаман, қучоғим тўла гул!.. Бир қучоқ гул исидан маст бўламан, антикаман, гир-гир айланаман, айланавераман...

— Кўнгил иши...

— Бўйсунмас, қўрқмас. Кўнгил хоҳишидан туғилган, дилларни чирмаб боғлаган муҳаббатгина одамни шунчалар ҳушдан айиради. Бундай муҳаббат руҳоний хоҳиш саналади...

— Бунчалар нозик ҳис этмоқ учун бениҳоя қаттиқ сева билмоқ керак!..

— Лайли-Мажнун бўла билмоқ керак, сева билмоқ керак. Сева билмоқ...

— Кетайлик...

— Кетаяпсиз. Оқ кўйлак, оппоқ малак. Бир қучоқ гул узоқлашмоқда. Висол узоқлашмоқда. Кумуш нурлар, кумуш ҳислар, садаф гуллар оппоқ соғинчга айланмоқда. Висол ҳижронга айланмоқда. Ҳижрон изтиробга...

— Соғинч — армон, изтироб, бари бир борлиги яхши...

— Сиз — малика, мен — ғулум-м...

— Қўйинг...

— Тўхтанг. Кетманг. Қалблар Аллоҳнинг изнида-а!..

— ...

— Сиз, мен ёлғиз... феруза осмон остида...

... чексиз-чегарасиз, теп-текис замин. Чўл. На уй, на одам, на гиёҳ, на қимирлаган жон. Мовий осмон ёпинчиқ. Ҳаволарда оппоқ соғинчга қоришган ҳижрон қўшиғи таралади:

Гавҳар экай десам, гулхонанг қани?..

Яшаб ўтай десам, кошонанг қани?..

Кошонанг қани?.. Гулхонанг қани?.. Қани... қани... қани-и-и-и?..

Ҳикоялар

ОТАМНИНГ ОШНАСИ

Отам футболга қизиқмайди, шунинг учун ошнаси кечикаётганига парво қилмай кўприк панжарасига бема-лол суяниб турибди. Мен эса гурра-гурра стадион томон ошиқаётган ишқибозлар оқимини кўриб ичим таталаб кетяпти. Анҳорга қарайман — тўлиб оқаётган ўйноқи сув ҳам футбол томошасига шошаётгандек. Отамдан рухсат тегса жоним борича стадион томон югураман-а!..

Йўқ, отамнинг ошнаси билан шу ерда учрашишга келишилган, кутишимиз керак.

— Кемай қолсалар-чи? — деб хавотирда отамнинг бетига қарадим.

— Келади, — деди отам, — сўзида туради. Катта одам-да, иши бошидан ошиб ётибди...

Кеча эрталаб равонда, хонтахта атрофида нонушта қилиб ўтирганимизда ҳам отам шундай деган эди:

— Иши бошидан ошиб ётибди, бир кеча ётади-ю, индин жўнаб кетади.

Онам индамай бош ирғади-қўйди. Бобом гап ким ҳақида бораётганини тусмоллаб сездн шекилли, отамдан сўради:

— Қайси ўртоғинг келармиш?

— Чўлдаги-чи, каттакон бўлиб кетган. Уша.

— Райўни каттасими? — астойдил қизиқиб суриштира бошлади бобом.

— Жудаям каттасимас... катталаридан бири.

Отамнинг совуққон жавоби бобомни қониқтирмади.

— Манавинда кўрсатадими, катталиғи шу-да! — деди бобом ўдағайлағудай зарда аралаш, телеойнага ишора қилиб. — Қайси куни кўрдим, жа-а бийрон!

Бобом чордона қуриб ўтирганича нон кавшаётган отамнинг жуссасига бир қур назар ташлади: илова қилди:

— Сенга иккита келади-ёв?!..

Отамга иккита келадиган одамни ярим соатдан бери кутавериб хит бўлиб кетдим. Футболчилар майдонга чиқиб чигилёзди машғулоти бошлашди-яки, ундан дарак йўқ.

Отамга мўлтираб қарадим. Ишқилиб, оғайниси келсин-да. Кемай қолса борми, «Футболингга тоқатим йўқ, уйга кетдик», деб қолишдан ҳам тоймайди, отам. Ўзи нима жин уриб футболдан гап очилди-я!..

Катта одамнинг ҳурмати катта бўлар экан. Онам, холам кун бўйи ошхонадан чиқишмади. Алланеча хил таому ширин нонлар пиширишди. Оқшом, ғира-ширада «Келишди!» деган хабар эшитилдию, ҳовлида, уйда, йўлакда шивир-шивир, югур-югур бошланди. Менинг пешонамга битилган вазифа — меҳмоннинг қўлига сув қуйиш.

Гулзор чеккасига бориб обдастани икки қўллаб кўтарганча турган жойимдан йўлакни кузатдим. Оқ кўйлакли, ёқавайрон бақалоқ киши икки қўлида катта-катта тарвуз қўлтиқлаб кирди. Физиллаб изига қайтди. Зум ўтмай иккита узун-узун қовун кўтариб яна йўлакда пайдо бўлди.

— Анграйма! — шивирлаб, дағдаға қилди бобом. — Унг қўллаб қуйгин!..

Кўча томондан эшитилаётган гўнғир-гўнғирнинг ваҳимасидан ҳовлимизга бир автобус меҳмон қаторлашиб кириб келадигандек туюлди. Катта одамнинг ҳамроҳлари ҳам катталар бўлади-да!.. Қўлларим титрай бошлади.

Бобом йўлакка ўтди, дарвозага етмай изига қайтди. Мен томон яқинлашди.

— Шалдиратмай қуй!..

Бобомнинг саросима аралаш хаяжони менга кўчиб, тиззаларимга қалтироқ югурди. Қўрққанга қўш кўри-нар деганларидек, сув қуяман деб обдастани энгаштирсам, қопқоғи «Шара-аққ!» этиб меҳмоннинг кафтига тушса, отамга иккита келадиган одам бўлса, у!..

Доимий вазифамни насия қилиб, жуфтакни ростлаб қолишни мўлжалладим. Улгурмадим. Йўлакда отам, отамнинг ёнида меҳмон кўринди. Назаримда йўлак ёришиб кетди. Аскарчасига гоз қотган бобом меҳмонга пешвоз юрди.

— Э-э-э! Ас-саломалайкўм!..

Катта меҳмоннинг товуши кенггина йўлагимизга сиймай, ошиб-тошиб ҳовлига ёйилди. Меҳмон бобом билан қўш қўллаб кўришди. Кўришаётиб, юзи туйқус ёришди.

Тизамнинг қалтироғи босилди. Зум ўтмай меҳмоннинг чеҳраси қандай тўсатдан ёришган бўлса шундайга қўқисдан тундлашди.

— Хуш кебсизлар! — Бобом шундай деб яна келувчилар бор деган ўйда дарвозанинг очиқ тавақасидан кўча томон кўз ташлади. — Нега меҳмонлар киришмаяпти?

— Узрлари бор экан, — деди отам бобомга, — шунча қилдик, кўнишмади. Рухсат бердик. Майли, ўзимиз ёйлиб гурунглашамиз.

Басавлат меҳмон отамнинг гапларига эътибор қилмади. Рўпарамга келиб қўлини ҳовучлаб ювишга чоғланди ҳамки, бир оғиз сўз қотиш у ёқда турсин, мени кўрмади ҳам. Меҳмоннинг хаёли жойида эмасди...

Мен баттар доводирадим.

Айтдим-ку, уйимизга келган меҳмоннинг қўлига сув қуйишни донм менга топширишади. Бобом ўргатгани-ўргатган: энкайиброқ тур, обдастани икки қўллаб тут, сувни оширмай-тоширмай, сачратмай уч марта қуй — бутун бошли мактаб! Яна, чиройим очилиб туриши шарт, обдастанинг қопқоғи тушиб кетишидан-ку, худонинг ўзгинаси асрасин!..

Одамларнинг ҳовуч тутиши ҳам бир-бирига ўхшамайди. Икки кафтини устма-уст қилиб тутадиганлар бор, кафтларини жуфтлаб ҳовуч очадиганлар бор. Баъзан ҳовучи тезроқ тўлақолсин деган ўйда обдастани кўпроқ энгаштираман, шунда қопқоғи тушиб кетай дейди...

Кафтлар-ку, сира бири-бирига ўхшамайди. Бировнинг бармоғи семиз, бировиники ор-риқ. Кафтга икки ош қошиқча сув кетадиганлар бор, ҳар кафтига бир коса сув оладиганларни ҳам кўрганман... Бир хиллари-чи... кап-катта одам кафтида сувни тутиб туролмайди, нима бало, кафти тешикми дейман... Бир тоифа одамларнинг кафтидаги чизиқлар кўзга яққол ташланади, бир хиллариникини фарқлаш қийин. Кафтини гўдда-гўдда қадоқ босган меҳмонлар ҳам келган, бундайлар қўлини кун бўйи ювса ҳам тоза бўлмайди, йўғ-е, оқармайди.

Хуллас, меҳмоннинг ҳовучига сув қуятуриб, унинг чап бошмалдоғи ёстиқчасидаги эски, лекин чуқур тизизига кўзим тушди. Меҳмон уни ювиб ташламоқчи бўлди шекилли, кафтларини қаттиқ-қаттиқ ишқади. Яра ўрнидан қон қочиб оқариб кетди, зум ўтмай тизизини янгигича кесилгандек қонталашди. Катта одамнинг бармоғи қа-

ерда шунчалик чуқур кесилиши мумкинлигига ақлим етмади.

Меҳмоннинг хаёлчанлиги менга юқдими, унга қай алфозда сув қуйдим, салом бердимми-йўқми — эслай олмадим.

Отамнинг ошнаси қўлини сочиққа артатуриб, секин уф тортди.

Ҳар қандай меҳмон қўлига сув қуйганимда, раҳмат дейди, катта йигит бўлинг деб дуо қилади. Бу эса... бобом, отам жим. Чунки меҳмон жим.

Ниҳоят, меҳмон атрофдагиларни махтал қилиб қўйганини сезди, лекин бундан хижолат чекмади — вазминликни бой бермай сочиқни менинг кифтимга ташлади. Шу пайт ҳушёр тортди шекилли, бирдан тилга кирди:

— Ўғилчани уйлайдиган бўппиз-да?!

— Жиндай бор ҳали, — деди отам жилмайиб.

— Пидвол тепишдан бўшасин, уйлантирамиз.

Бобомнинг гапи ўзига наъша килди, овоз чиқариб кулди. Отам бобомга жўр бўлди. Бобомнинг гапи меҳмоннинг қулоғига кирмади, тўғриси, эшитмаганга олди. Индамай, зина томон юрди.

Сипо одам шунақа бўлса керак-да! Бўлар-бўлмасга тиржаъвермайди, енгил-елпи мутойибага ха-холоб кулавермайди.

Топдим, футболдан дастлаб бобом сўз очган экан. Отамнинг ошнаси, «Ў, ў, футболчими, ўғлинг?» деб сўраб-суришгиришга тушади деб кутгандим, қаёқда! — «чурқ» этмади, отамнинг изидан равонга кирди, отам меҳмонхона эшигини ланг очди, меҳмон эса равон ўртасидаги хонтахтани кўриб, кўпдан буён истаб етишолмай юрган насага кўзи тушган одамдек таққа тўхтади.

— Шетта ўтирамин, — деди дўриллаб.

Бобом билан отам қўярда-қўймай меҳмонни ичкарига таклиф қилишди. Меҳмон қаққайиб тураверди.

— Уят бўлади-я, болам! Ичкарида жой тайёр.

Меҳмон биринчи марта кўраётгандек бобомга серрайиб қаради, «Нималар деяпсиз» деган охангда лабининг бурчаккинасида сезилар-сезилмас илжайди ва ушалмаган орзусига эришган одамдек севиниб тилга кирди:

— Би-ир чордона қуриб ўтирайлик!..

Меҳмоннинг раъйини қайтариб бўлмайди. Эрталабдан буён зир югуриб қўрилган ҳозирликлар — меҳмонхонадаги столни кенгайтирганимиз, қўшниникидан янги стул-

лар ташиб чиққанимиз, топган-тутганимизни дастурхонга тиқиштирганимиз — ҳаммаси меҳмоннинг бир хоҳишига дош беролмади.

Онам, онамнинг изидан мен ичкари хонага югурдик, тахмодаги меҳмон кўрпачаларни ағдардик. Мен равонга ташидим, онам хижолат бўлиб, шошиб хонтахтани гир айлантириб тўшади. Мен бир бурчакда қисилиб-қимтиниб туриб қолдим.

Бобом меҳмонни кўрпачага таклиф қилди. У жойлашиб ўтириш ҳаракатида энгашиб мушти билан хонтахтага таянди, шунда қип-қизил гулдор бўйинбоғи дастурхон устига тўлганиб осилиб тушди. Бўйинбоғ чироқ нурида шишадай ялтираб, кўзимни қамаштирди. Меҳмонга таққослаганда отам жудаям жўн, ҳатто ожиз одамдек кўриниб кетди кўзимга.

Кўпик устида турибмизу, бир кун бурун шу хаёлга борганимни эслаб, отамни қайта бош-оёқ кузатдим. Отам дар нарсага қизиқавермайди, қизиқса-да, ҳаяжонини орлиқча сездирмайди. Бирга ўқиган ошнас шундай катта одам бўлиб кетганига ҳавас қилмагани-чи!.. Ёки ҳавас қилармикан?.. Панжарага суянганча шуни ўйлаётгандир, ҳойнаҳой?..

Кўнглимга келган саволни ёрилиб отамга айтолмадим. Аслида кеча меҳмон билан очилиб-яйраб гурунглашиб ўтиришмагани сабабини суриштирмоқчи эдим, унга ҳам юрагим бетламади.

Онам кўрпача тўшагунича, сўнг меҳмонхонадаги тайёр дастурхонни равондаги хонтахтага кўчиргунига қадар ҳеч кимдан садо чиқмади. Уша жимликда бурчакда қисиниб турган кўйи чордона қуриб ўтирган меҳмоннинг қордай оппоқ носкисига кўзим тушди. Кўзим тушдию... «Шунчалик савлатли, овози дўриллаган одамнинг оёғи шу қадар кичкина бўладими?!» Хайро-он қолдим!

Онам ҳовлига чиққанини сезмабман, орага чўккан ўнғайсиз сукунатни меҳмоннинг ўзи бузди.

— Пудвол тепади денг?..

У нимадан сўз очганини дабдурустдан бобом ҳам, отам ҳам тушунишмади, пича фурсатдан сўнггина меҳмон бобомнинг ҳовлида айтган гапини давом эттираётгани ёдга тушди.

— Ҳа-ҳа, шундай, — деди бобом, шошиб, — фикри-хаёли пидвол. Тўпқувардан бери кемайди.

Бобом «футбол» сўзини тўғри талаффуз қилолмаслигини у кишининг кексалиги ё бўлмаса бу фаройиб ўйинни ўлгудай ёқтирмаслигига йўйиб юрар эдим. Меҳмоннинг «пудвол» деганини эшитиб, ичимда мириқиб кулдим.

— Айтмоқчи, «Пахтакор» ҳалиям борми? Уйнаяпти-ми? — сўради меҳмон. Сўрай туриб, ҳарсилладими ё яна «уф» тортдим — сезмай қолдим.

Бобом овоз чиқармай енгил кулди.

— «Пахтакор»ини билмасам...

Бобом саволга жавоб беролмаганидан менга жон кирди.

— «Пахтакор» энди жонланапти. Ўзбекистон — зўр! Эртага ўйнайди!..

Ўзи футболдан сўз очиб, ўзи савол берган меҳмоннинг бирдан афти тундлашди. шунақаям жиддий тортдики, гапим бўғзимда қолди. Нафасимни ичимга ютдим. Отам жонимга оро кирди.

— Амакинг ашаддий ишқибозлардан!

Отам ниманидир эслаб шундай деди-ю, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Меҳмон булут орасидан «йилт» этган қуёшдай бир лаҳзагина жилмайди-ю, яна жиддий тортди. Бош ирғаб, отамнинг гапини тасдиқлади.

Меҳмоннинг бу қадар жиддийлигига, камгаплигига ҳайро-он қолдим. «Каттакон одамлар шунақа бўлади-да» деган хулоса чиқардим. Ҳавасим келдики!.. «Мен ҳам бекордан-бекорга вайсамайман, тишимнинг оқини кўрсатиб тиржаявермайман!.. Сипо одам ўзини қандай тутиши зарурлигини яхшилаб ўрганиш ниятида ҳар сафар равонга чой киритиб ёки ликопча-косаларни йиғиб олаётганимда меҳмонни зимдан кузатдим.

Бобом ҳовлига чиқди, ошхонага яқин келганида онам ичкаридан шивирлаб, сўради:

— Яхши ўтиришибдими?..

Бобом «ҳа» деган маънода бош ирғади, равон томонга орқа ўгириб туриб, онамга нимадир деди. Қулоғимга, «тилини ютворганми...» дегани чалинди, холос... Чиндан ҳам, меҳмон ёстиққа ярим ёнбошлаган кўйи телеойнадай кўзини узмай тек қотиб ўтираверди. Томошалар унга маъқул келяптими, уларга қизиқяптими, бефарқми, билиб бўлмайди. Отам билан очилиб-яйраб ҳангома қилишганини ҳам ё бўлмаса эски қадрдонлардек сирла-

шиб-хасратлашиб гурунг қуришганини ҳам сезмадим. Фақат у дамо-дам, «Яхши-и-и» деб чўзиб пишиллар, нимани маъқуллаётганини отам ҳам фарқига бормаётган эди. Назаримда, меҳмоннинг ичига керагидан ортиқ ҳаво йиғилиб қолаётгану, шундай деб ўша ҳавони ҳайдаётгандек эди.

Равонга неча марта кириб чиққанимга қарамай меҳмон қайтиб бирон дафъа менга эътибор қилмади.

Стадион томон ошиқаётган ишқибозлар оқими анча сийраклашди, «учрашув бошланиб кетди» деган хаёлда бақириб юборгудекману, кечадан буён билгим келаётган нарсани отамдан сўрадим:

- Ада, меҳмон жудаям кам гапирар экан-а?
- Илгари жа-а сергап эди.
- Қандай қилиб камгап бўлиб қолади, одам?
- Иш, ташвиши кўпайса...
- Оғайниззиям ташвиши кўпми?!

Сўрадим, саволим ёқмади деган ўйда отамнинг кўзига жавдирадим, отам аввалига энсаси қотгандек кўринди ва бирдан чиройи очилди.

— Ана, амакигни ўзидан сўрайқол.

Отам гапини тугатиб улгурмай биз томон яқинлашаётган меҳмоннинг таниш гавдасига кўзим тушди. Суюнганимдан саволларимни унутиб, турган жойимда ирғишлай бошладим.

Меҳмон аввал отам билан, сўнг мен билан қўл олишиб кўришди. Аҳдлашилган вақтдан хийла ҳаялагани учун узр сўрайди, деб ўйлагандим, йўқ, сўрамади. Учовимиз индамай, ҳатто қадамимизни жадаллатмай учрашувга кечиккан ишқибозлар оқимига қўшилдик.

Ўзимга қолса, қанот чиқариб учиб кириб кетардим-а! Лекин отам, бу ёқда меҳмон... футболга мутлақо ҳуши йўқ ҳамроқ билан томошага келишдан оғирроқ уқубат бўлмаса керак!..

Бўлмаса вақт алламаҳалда, телеойна томошалари тугагач, меҳмоннинг ашаддий ишқибозлиги тутиб, сўради.

— Эртага ўйин бор де? — деди у хаёлида ниманинг-дир режасини тузиб ўтириб. — Одам кўп тушадими?

— Рос-са кўп. Стадион лиқ-лиқ тўлади.

Меҳмоннинг кўзида шуъла ёнди-да, росмана қизиқиб суриштирди.

— Лиқ-лиқ тўлади, дегин?.. Ҳалиям бири-бирини қучоқлаб-кўтаришиб, қийқиришиб стадионни кўчириб юборай дейдими, одамлар?

— Бизникилар гол урса-да! Роса қийқириқ бўлади.

— Ҳа-а-а, яхши-и-и...

Отамнинг ошнаси қай ният-қай муддаода шундай деди, билолмадим, фақат пича ўтгач, у мақсадга кўчди.

— Би-ир пудвол кўрайик.

У шундай деб отамга қаради, оғир кўзғалиб ўрнидан турди. Жиддий ва сипо афти назаримда маъюсдай туюлди.

Оқшом йўлакка қовун-тарвуз юмалатиб кетган оқ кўйлакли бақалоқ киши эрталаб «Волга» да келиб, отамнинг ошнасини миндириб кетди.

Қандай юмуш минан кеган экан? — сўради бобом отамдан.

— Отам елка қисди, сўнг, «айтмадиям» деб илова қилди.

Стадион зинасининг юқорисига чиққунча меҳмоннинг авзои ҳали-ҳали кечагидай маъюс эканига эътибор қилдим. Катта одамлар ҳе-еҳ шошилмайди, босайми-босмайми қабилида қадам ташлайди. Отамнинг ошнаси ҳам шундай: гўё у киши кириб ўз жойини эгаллаб ўтирмагунича футболчилар учрашувни бошламай куте-еб турадигандек бамайлихоти-ир, ҳатто имилла-аб қадам оларди.

Ўйин эса бошланиб кетибди, ишқибозлар зич, гув-гув қилиб футболчиларимизни олқишлашни бошлаб юборишибди.

Чиптамизда кўрсатилган жойни изламадик — одам сийракроқ ўриндиқни мўлжаллаб, жойлашдик. Ҳамма-нинг кўзи майдонда. Футболчиларимиз олдинга ташланди дегунча буту-ун стадион ларзага тушар, минглаб мухлислар олқиши ҳавода гулдирос ҳайқириққа, наърага айланар, футбол шу-унча одамни бир жону, бир тан қилиб юборар эди. Бундай жойда ўтириб футболга қизиқиб кетмасликнинг иложи йўқ. Шундай бўлди ҳам — атрофдагиларнинг қийқириғи кучайгани сайин отам билан меҳмон уларга жўр бўла бошлашди.

— Нечанчи марта келишинг? — дея савол қотди бир пайт отам меҳмонга.

— Қаерга?—сўради меҳмон майдондан кўз узмай — Умуман, футболга-да?

Шовқин-суронда жавобдан бенасиб қолишдан хавотирланиб бўйнимни чўзганча меҳмоннинг оғзини пойладим.

— Иккинчи, — деди у.

Отам ха-холаб, ҳузурланиб кулди. Елкамга қўл ташлаб, кулги сабабини менга тушунтирди.

— Бу аканг Тошкентга бири-инчи келган йили «Пахтакор»нинг ўйинига тушганмиз. Курсдошлар қўярда қўймай олиб келишган икковимизни... Йигирма йил бўлди...

Меҳмон яйраб, жилмайди. Оғир, сергўшт кафти билан бошимни силади.

— Ўша-ўша, иккинчи мартаси шу, — деди у, отамнинг гапини тасдиқлаб.

Ўйин қизигандан-қизиди. Майдон марказида рақибларнинг икки ўйинчисини алдаб ўтган ярим ҳимоячимиз тўпни олдинга ташлади, марказий ҳужумчи ўнг қанотга, ўнг қанот ҳужумчи тўпни чунонам зарб билан тепдики, тўп дарвоза тўсинига урилиб майдонга қайтди.

Эллик минг ишқибоз оёққа қалқди, эллик минг ҳам-нафас одам наъра тортди.

— А-а-а-аҳҳ!! — деб юборди меҳмон, ўнг қўл муштини чап кафтига уриб.

«Қизиқиб кетди» деган ўйдан севиниб беихтиёр меҳмонни кўпроқ кузата бошладим. Майдонга қайтган тўпни футболчиларимиздан бири тўхтатмай дарвозага йўллади. Меҳмонлар дарвозабони бало экан — у чапдастлик билан узаласига ирғиб, тўпни мушти билан уриб юборди. Стадион ларзага келди.

— Ия-а-а!..

Ҳамма бақиряпти. Ишқибозларнинг бақир-чақирғига қулоқ кўникиб кетган, лекин...

Меҳмоннинг бу тахлит ишқибозлиги қулоғимга жуда ғалати эшитилди. Унинг афтидан кўз узолмай қолдим.

Ҳужум устига ҳужум кучайди. Кейинги зарбалар ҳам дарвоза чизигидан ўтмай қайтаверди.

— Вой-й-й!..

— Вой-я-а-а!..

— Им-м-мм!..

Меҳмон ўрнидан туриб олган, қулоқни қоматга келтираётган қийқириқларга қўшилиб дам ундай-дам бундай овоз чиқарар, унинг олқиши, наъраси бошқа мухлисларникидан яққол фарқланиб қулоққа ботар, ҳар сафар овоз чиқарганида беихтиёр «Бирон кори-ҳол бўл-

димми?» деган хавотирда у кишининг афтига қарайвердим.

Тўп рақибларнинг жарима майдонидан узоқлашмади. Бизникилар рос-са қисувга олди. «Тўққизинчи» ҳужумчимиз тўпни «тўртинчи»га узатди, «тўртинчи» жуссаси ихчам бўлса-да, ўзи жуда абжир. У тўпни шерикларига оширишга шайлана-шайлана турди-да, тўсатдан чап оёқлаб тепди, тўп устуннинг ёнгинасидан ўтиб оппоқ тўрни силкитиб юборди.

Қийқириқ!..

— Ур-ре-е!! — деганча жоним борича бақирдим. Отам ҳам оёққа турди. «Қойил-е!» деб тасанно аралаш қарсақ чалиб юборди. Мен отамни қучоқлаб олдим. Меҳмон эса...

— Ийя-а-а!.. Вой-вой-я-а-а!..

Полвонлар кўтарадиган ўттиз икки килоли тош синфдош дўстимнинг оёғига тушиб кетганда у худди шундай ўкирган, инграган, ҳушидан кетиб қолаёзган, мажақланган тирноғини кўрганда оламни бошига кўтариб дод солгани кўз ўнгимга келди. Бизникилар гол киритганини унутиб, меҳмоннинг бетига анграйдим. Меҳмон икки қўлини мушт қилиб боши узра ҳаволатганича, товушининг борича наъра тортар эди.

— Вой-я-а-а!.. Го-олл-эй-й!..

Ана шундагина отамнинг ошнаси тумонат қийқириғи, шовқини орасида... ўкираётганини пайқадим!.. Қўрқиб кетдим. Ялт этиб отамга ўгирилдим. Отам ўзи билан овора эди. Меҳмон томонга бурилдим. У зумда нафас ростладию, яна ич-ичидан тошиб-кўпириб чиқаётган ўкирикни ҳавога қўшиб таг-туғи билан чиқариб ташлагудек важоҳат билан кекирдагини чўзиб... қаттиқ ўқчиб юборди. Кўзидан тирқираб ёш чиқди.

Футболчиларимиз бир-бирини қучоқлашиб, қутлашиб майдон марказига қайтишди. Меҳмон ҳам менга қаради, бир зумгина кўзимиз тўқнашди. Бир нафаслик нигоҳлар тўқнашуви асносида икковимизнинг хаёлимиздан аллақанча шубҳа-гумон ўтиб, «суҳбатлашиб-келишиб» олдик: мен унинг ғалати ўкирганини сезганимни сезди — сезмаганликка олди... ғалати ўкирганини сезсам-да, сезмагандек туришимни сезди-пайқади — афтида хижолат аралаш сирли мамнуният аломати кўринди...

Дарҳол ундан нигоҳимни уздим. Ерга қарадим. Меҳмоннинг гўдак болаларникидек жажжи оёғига кўзим тушди — «Кечагидан ҳам кичрайибди!..» — Унга ачиниб кетдим...

Учрашув давом этди. Бироқ уйиннинг шиддати пайсайди. Бизникилар мақсадига етгандай кифояланиб, химояга ўтишди. Ортиқча шовкин-сурон кўтарилмади. Отамнинг ошнаси ҳам бақирмади. Бақирмадию, менинг елкамдан кучиб олди. Узуқ-юлуқ гаплаша бошлади. Е-енгил тортди, ёйилиб-яйраб ўтирди. Кечадан бери биринчи бор тунд чеҳрасига нур югурди. Лекин мен унинг оёғига тегирмон тоши тушиб кетган одамдек бу қадар алам билан ўкиргани сабабини сўролмадим.

Мен у пайтлар анча ёш эдим, шу боис кўп нарсаларни тушунмас эдим...

МЕҲМОН

Чаккамдаги қуюқ соч орасида алланарса ғимирлади. Ҳар оқшом хонамда пайдо бўлиб хиралик қиладиган чивинга ўхшамади, «трикк» этиб деворга, столим устидаги қоғозга, кифтимга қўнадиган нўхотнусха, ўзиям нўхотдек қаттиқ қўнғизча ҳам эмас. Кечаю кундуз сукунат оғушидаги хонамга қадам ранжида қиладиганлар орасида ўзи чинчилоқдан чоғроқ, қаноти қизғиш суварак бор — ташриф буюришга буюрадию, мени пайқади дегунча аzza-баzza ғизиллаганича жуфтакни ростлайди. Демак, сочларим орасида ғимирлаётган жондор у ҳам эмас.

Урнимдан туриб, девордаги тошойна рўпарасига бордим. Чаккамга қарадим. Қимир этган жон кўринмади. Кутдим. Жондорга шикаст етказиб қўймай деган хавотирда бармоқларимни ёки тароқни ишга солмадим. Яна кутдим. Бир оздан сўнг жондорга жон кирди. Шундагина қадам олишидан танидим — кимсасиз ва доимо осойишта хонамга танда қўйган ўргимчак!

Унинг хонамда қай пайт ва қай тарзда пайдо бўлишини сезмай қоламан. Аксари шифтдан чилвир тўқиб тушаётган бўлади. Илк сафар танишган чоғимиз унга бехосдан кўзим тушган.

Хаёл оғушида туйқус бошимни кўтариб қарасам мангалаймдан икки энлик нарида муаллақ турибди. Бейхтиёр бошимни силтаб орқага тортдим. Ҳосил бўлган кескин ҳаракат тўлқинида у тебраниб кетди. Шундагина у кўз илғамас қил арғамчига тармашиб турганини пайқадим. Ўзи мошдек, сарғиш-қорамтир, тўрт жуфт оёқчаси олабула, икки жуфт қўлчаси оёқларидан кўра нафис, сарғиш.

Ўргимчак оч-наҳор кезлари тоши енгиллиги боис чилвирни нафис эшади, ўлжани паққос тушириб қорни қаппайган маҳал эса вази оғирлашади, чилвирни шунга яраша пухтароқ эшади. Бироқ, бу сафар, мана... қафасга илиниб жон таслим қилаётгандек жон аччиғида тилпирчилаяпти.

Эссизгина, сочимни калтароқ қилиб қайчилатган бўлганимда ўргимчак бу қадар азобга қолмас эди. Нима қилиш керак, қандай ёрдам берсам экан?... Қулоқ томон юрса соч исканжасидан тезроқ қутилардия!..

Шу хаёлда кўрсаткич бармоғимнинг у-учи билан авайлаб йўлга солишга уриндим — ўргимчак ғужанак бўлиб, яна сочларим қаърига чўкиб кетди. Бошимга қандай қўнган бўлса шундайига қайтиб кетади деган ўйда уни ўз ҳолига қўйишдан ўзга чорам қолмади. Сабр қилдим. Тошойнадан кўз узмай туравердим. Ниҳоят, ўргимчак хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилди-да, чакка сочларим орасидан бошимнинг ўртаси томон ўрмалай бошлади. У жуда олис йўлни танлаган эди, йўлсизликдан машаққат чекаётганини, бири-бирдан заиф оёқ-қўлчаларининг ҳаракати зое кетаётганини кўриб-кузатиб туравердим.

Шўрлик, ўзи жуда беозор. Кунда-кунора ҳузуримга ташриф буюради, хонамни эринмай, ошиқмай обдон айланади, ҳеч ерга гард юқтирмайди, хайр-хўшни насия қилиб ғойиб бўлади.

Гоҳо ёзув-чизувни бас қилиб, меҳмоннинг қадам олишига маҳлиё бўламан. Қадамни санайман. Саккиз оёқли жондорнинг қадамини санашдан адашиб кетавериб, охири кулиб юбораман. Куламану, ўргимчакнинг тўсиқ ва дўнгликлардан заррача қийинчиликсиз ўтишига ҳавасим келади. Шумлигим тутиб қаламни ўргимчакнинг йўлига қўндаланг ташлайман. У бундай тўсиқларни пиланд қилмайди, тўрт жуфт оёқ учун уч-тўрт қадамни ортиқроқ ташлаш чўт эмас.

Ўргимчак жонлини жонсиздан зумда фарқлайди. Йўлига қаламни эмас, бармоғимни тўсиқ қилсам бир муддат жонсиз тугунга айланади, шундай пайтда кўрқувдан озор чекаётгандир деган андишада тепасига энгашиб қулоқ тутаман, йўқ, ўргимчакнинг юрак зарбалари қулоққа чалинмайди. Чалинмаса-да, йиғинчоқ бўлиб олган оёқ толаларининг элас-элас дир-дирашини кўриб, жимитгина жондорнинг жажжигина жонига жабр етказганимдан беҳад хижолат чекаман. Ким билсин,

хойна-хой, болажонларига ризқ излаб юргандир? Хос хонамдан бирор емиш топгандир?..

Жондордир-махлуқдир, умид билан келган жойидан қуруқ қайтмасин-да. Шом қоронғисида кириб келадиган чивиндан хижолатлик ерим йўқ, у баданимнинг истаган жойига нишини суқади, оппоқ халта қорни қизариб қаппайғунига қадар қонимни сўради, оғирлашиб кетганидан базўр учиб деворга ёки дераза рахига қўниб узоқ дам олади, лаб-лунжини арта-арта ташқарига учадикетади. Суварак ҳам шу — увоқ-пувоқ топади. Ургимчак эса... ана, ниҳоят, қимирлаган қир ошади — адашган меҳмон минг бир уқубатда бошимнинг тепасидаги чойнакнинг оғзидай кенгликдаги сайхонлик томон яқинлашди. Суюндим, яхшиям, сочимнинг шу жойи сийраклаша бошлагани!.. Ишқилиб, шифтдан тўқиб тушган чилвирунинг учини топса, эсон-омон бошимни тарк этса, нима бўлганда ҳам ўйнаб-кулиб келган меҳмон ўз оёғи билан юриб чиқиб кетса хотиржам тортаман. Акс ҳолда хонамда қадам босишга чўчийман, китоб-дафтарларим жойини ўзгартирмайман, тортмага қўл суқмайман. Қисилиб-нетса, оёқ остида қолса!..

Ана, ўргимчак сайхонлик бўйлаб тезликни оширди, қадамлари жадаллашгани сезиляпти, ҳозир арғамчисини топади, унга тармашади-да, фазога кўтарилган учоқдек бошимни тарк этади, мен... не кўз билан кўрайки, ўргимчак арғамчисини тополмади шекилли, катта тезликда югуриб келиб сочларим орасига кириб кетди. Кўзимни чирт юмиб очдим. Ургимчак шошиб қолди, у шиддат билан қулоғимга яқинлашди. Қулоғимни беркитиш ниятида жон ҳолатда бармоғимни чўздим. Афсуски, кечикдим. Ургимчак қулоғимга кириб димиқиб қолиши мумкинлигидан хавотирланиб улгурмасимдан миямнинг и-ичида нимадир ғимирлади. Кўзимни чирт юмдим, ҳушимни йиғиб улгурмай миямнинг ичида зир югураётган жондорнинг нималигини тушуниб етдим. Шўрлик, қаерга кириб қолганини тушунолмади жон талвасасида миямнинг дуч келган жин кўчасига ўзини ураверди, мен эса унинг сим-сим зимистонда адашиб-нетиб қолиб кетишини ўйлаб юрагим увишди. Икки қўллаб бошимни чангалладим. Миямнинг ичидаги қадам товушлари тинди. Кутдим. Бир пайт қандайдир куч ўнг кўзимнинг қовоғини ичидан туртиб, очишга уннала бошлади. Тушунолмадим. Кўзимни янаям қаттиқроқ юмиб тасаввуримни тиниқлаштиришга уриндим, шу пайт кипригим-

нинг бир чеккаси кўтарилиб, ҳозиргина миямнинг тор кўчаларида зир югураётган ўргимчакнинг аввал мўйлабчаси, сўнг бошчаси кўринди. Бирдан енгил тортдим, ҳушимни йиғдим, чеҳрам очилиб меҳмонга қарадим — кўзимнинг оқу-қорасидан сичилиб чиққан таниш ўргимчак кўз нурим толасидан арғамчи эшиб, пастга осили-иб туша бошлади...

ЎЗИМ

Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, лекин мени тушунмагани учун бировни айблашим ҳам ғалати. «Кап-катта эркак бўлиб қолдинг, рўзғорингни ўзинг уддала» деган онамни мени тушунмаганликда айблашдан кўра, ўзим онамни тушуниш эпини топсам-чи!.. Ахир, қачонгача онамнинг этагига биқинаман?!.. Тагин, қуп-қуруқ қўймадилар — кўрпа-ёстиғимни қўлимга тут-қаздилар, «Бошинг тошдан бўлсин, болам!» деб дуо қилдилар.

Боши тошдан бўлган бола кўрганини кўраверади, аммо...

Мушаклари кўпчиган йигит бошига битта кўрпа-ёстиқни кўтариб юриши малолми?.. Нар и борса, бир кучоқ пахта, беш қулоч астар-авра. Йўл юрсам-да, мўл юришини гарданга олиб, ке-етдим!.. Кўрпа омон бўлса йигит киши кўчада қолмайди, аммо-лекин... Фақат андек шошган кўринаман, уйдан чиқаётиб кўрпани пишиқлаб ўраб-чирмаб олмаганимни-чи!.. Онам бояқиш чўғдай қизил бахмал ёстиқ, майда жийда гулли оппоқ чойшаб бердилар, хаммасини кўрпа орасига уйкалабману бошимга қўйиб кўчага чиқаверишман...

Аввалига бинойидек кетаётган эдим, туйқув чойшабнинг бир учи осилиб тушиб қулоғимга довр ёпиб қўйди, кетаётган жойимда уни кўрпа қатига қистирдим. Аслида орасига ёстиқ ўралган кўрпани кўтаришдан ғурбат нарса йўқ экан.

Одамлар бошига бир иш тушса, хаёлан ўша ишдан қутила олмайди, ваҳоланки, ундан қутилиш чора-тадбирини излаш тўғрироқ. Шундай дедиму, ўзим ҳам ҳамма қатори хом сут эмганларнинг бириман-да, кўрпа-ёстиқни эплаб кўтариш ташвишидан ортмай қолдим. Керакли тош-да!.. Кетавердим. Ҳар қалай кўрпасиз йигитдан кўра кўрпали йигитнинг одамлар орасида бош

кўтариб юриши осон экан. Шу юришда қоқилмасам, одам танисам, ўзимни тушунган одамларни топсам, қад ростлаб кетаман-а!.. Фақат... хаёл билан бўлиб кўрпани бошимга қўйганимни, сўнг елкамга, сўнг яна бошимга кўтараётганимни сезиб қолдим. Намунча!.. Ўзим уялиб кетдим. Тагин битта-яримтаси кузатиб келаётган бўлса-я!.. Битта кўрпа-ёстиқни эплаб кўтаролмаётган давангирдай йигит... ҳар нарса бўлгани яхши-я!..

Бошимга қўйсам сирғалиб тушяпти, елкамга қўйсам гарданним увишиб қоляпти, қўлтиқласам, савил қолгур, қўлтиққа сирмайди.

Шунчалигини билганимда кичикроқ кўрпа олардиму, кичик кўрпа кичик-да, кунингга ярамаса кўрпанинг кўрпалиги қоладими?!

Ўйлай-ўйлай бўз топиш керак, деган хулосага келдим. Қаттан бўлмасин, бўз топсам, кўрпани тугиб боғлайману, бу ёғни осон кўчади.

— Бўз керагиди, — деб сўрадим тўдалашиб турганлардан бирига якин бориб. Сўрадим, тўдадагиларнинг важохатини кўриб кўрқиб кетдим. Улар худди бир қултум сувга ташна одамдек менга ташландилар.

— Кўрпангга алмашаман!

— Ман иккита бўз бераман!..

— Ман учта...

Бошқаларни эмас, фақат ўзини тушунган тўда одамлари шундай бўладилар. Улар чангал чўзишдан тортинмайдилар. Тепангга бостириб келаверадилар.

Тахликада жуфтакни ростлаш пайига тушдим.

— Бўззи нима қиламан? — дедим тўдадан узоқлашаётиб.

— Кафан қиласа-ан!..

Баданимдан муздай тер чиқиб кетди. «Ўзларингга буюрсин» демоқчи эдим, тилим айланмади. Бу ёғи... бировлар билан олишгунча ўзимни эпласамчи. Мени тушунмаган нухсаларни мен тушунсам-чи!.. Бу ёғи... битта кўрпа-ёстиқни бемалол кўтариб юришни удалай олмаётган одам дуч келган кимсалар билан даханаки жанг қилишига бало борми. Йўлимдан қолмай...

— Ҳой, бола, лалайма, кўрпангга қара!

Хотин кишининг шанғи овозини эшитиб оловим чиқиб кетди. Йўлақдан чеккароққа чиқиб бошимдаги кўрпани кўксимга довур тушириб, қучоқлаб олдим. «Лалайма» деган сўз жон-жонимга ботди. Шанғи хотиннинг жони менга ачингани шудирки, лалайганимни кўрибди.

Пешонамда пайдо бўлиб, манглайим-бетим аралаш қувалашиб тушаётган тер томчиларини артиш ва яшириш учун кўрпани бетимга босдим. Кўрпа орасидан ёстиқ сирғалиб туша бошлади. Ҳўрлигим келди. Кўрпанинг баҳридан ўтсам-чи, деган фикрдан хаёлим чарақлаб кетди. Шу ўйга бориб улгурмаган ҳам эдимки, қўлимдаги кўрпа ғойиб бўлди. Сергак тортиб, атрофга аланглашга ҳам улгурмадим — кимдир манглайим, юзкўзим, ҳатто гарданнимгача оқиб тушаётган зера-зера тер томчиларини артаётганини кўрдим. Яқин жигарларимдан биримикан, дебман. Йўқ, нотаниш — қошлари узун-узун, кўзлари чарос, қирра бурун, юзлари тиниқ, оппоқ қиз. Фақат, жуда-жуда танишдек, сирдошим-қадрдонимдек бамайлихотир, елкаларимга қоқиб қўйди, юзкўзимни артган рўмолчасини ён чўнтагимга солди. Сўнг кўрпани қўлимга тутқазди. Мени тушунган одамни топдим, деган ўйда севиниб улгурмай яна бир ўзим танҳо қолдим. Йўл юрсам-да, мўл юрдим. Мени тушунолмаётган одамларнинг маломатидан қутилиш ниятида шаҳардан ташқарига чиқиб кетишни мўлжалладим. Юравердим. Димоғимга саррин шабада урди, пича енгил тортдим. Буёғига камроқ танбеҳ эшитаман, ўзимни эплаб кетаман...

— Ҳў-ў, бойвачча!..

Қулоғимга чалинган бу сўзнинг менга дахли йўқ деган ўйда кетавердим.

— Ҳў-ў, кўрпали бойвачча!..

Шундагина овоз эгаси мени чақираётганини пайқадим, шошиб ёнимга ўгирилдим. Кўз ўнгим хира, ғирашира ёруғликда қандайдир мошиннинг кўлагаси кўринди.

— Кўзингни парда босибди, бола, четроқдан юр!..

Кўзим тиниб кетди, қарай десам, чиндан ҳам шабкўрга ўхшаб қолибман. Кўзимни ишқаш мақсадида қўлимни чўздиму, бошимдаги кўрпа орасидаги чойшабнинг бир чеккаси бетимни ёпиб қўйганини кўрдим. Дала йўлнинг ўртасида бораётган эканман, бу ёғи қоронғи ҳам тушибди. Мен эса...

Югуриб ўзимни чеккага олдим. Битта-яримта рўпара келаётган йўловчилар назаридан қочиш илинжида қадимимни жадаллатдим, кенг зовур қирғоғига бориб қолганимни, нишаб соҳилдан пастга қараб думалаб-юмалаб эниб бораётганимни жуда-жуда кеч пайқадим. Кўрпа ёйилиб кетди, ўзим думалашдан тўхтамай эниб бо-

раётганимни, қучоғимда фақат ёстиқ қолганини сездиму, зовур тубига қулаб кетмаслик хавотирида нимагадир илиниб қолган кўрпага жон-жаҳдим билан тармашдим. Ёстиқни чойшабни қайтиб кўрпага урашга, ўраб олсам, сойлик тепасига чиқиб олишни кўзладим — билагим, бейларим, баданимга ҳисобсиз тиканлар ботди. Оғриқ азобига дош бераманми-йўқми кўрпа-ёстиқдан айрилмасликни ўйладим. Ҳаракат қилганим сайин баданимга қадалган тикан игналари чуқурроқ ботар, булар етмагандай — ажриқда ағанамаяпманми?.. — яна ҳисобсиз тиканаклар гуж бўлиб баданимдан, юз-кўзимдан жой топаверди.

Кўрпанинг баҳридан ўтишдан бўлак чора қолмади. Шу хаёлга борган заҳотим кимдир қўлтиғимдан тутди. Оҳиста етаклаб зовур тепасига суяб чиқди. Узун-узун қошлари остидаги шахло кўзлари қизарган, юзи, бўйни нурдек оппоқ қиз бошимдан оёғимга довур қадалган игналарни битталаб тера бошлади. Қизнинг қўллари жуда майин, нигоҳлари жуда маъюс, жуда меҳрибон... суғуриб олган ҳар бир тиканак игнаси ўрнига унинг меҳрга тўла кўз нури тўлиб қолаётгандек... аъзон баданимдаги тикан игналари тугамаса, уларнинг ўрнидан вужудимга меҳр оқиб кираверса...

Кўрпам қаерда қолди?! Кўрпа-ёстиғим!..

Хавотирда сойлик томон ўгирилдим, ўгирилдим, чанг-чунги қоқилган бежирим ва ихчам қилиб йиғилган кўрпам оёғим остида турганини кўрдим. Севиниб кетдим. Кўрпам йўқолса нима қолади, ким деган одам бўламан?! Миннатдорчилик изҳор қилиш истагида қизга юзландим, йўқ, ўгирилганимда ҳозиргина рўпарамда менга термилиб турган қиздан ном-нишон йўқ эди. Баданимга қадалган ва ҳозиргина териб олинган юзлаб тикан ўрни қайтадан қақшаб оғрий бошлади. Вужудим ачишди. Қизнинг баданимдан тиканларни битта қўймай териб олаётган пайтдаги меҳр-муҳаббатини эслаб кўнглим ийиб кетди. Юз-кўзидан, манглайдан, дудоқларидан садафдек оқ, ипакдай мулойим нур таралаётган қизнинг момиқ бармоқлари, кафти бошимни авайлаб силаётгандек бўлди.

Бежирим йиғилган кўрпани бошимга қўйиб, йўл юрсам-да, мўл юрдим. Чарчоқ нималигини унутдим. Гавжум кентларни, кимсасиз чўлларни ортда қолдирдим, чуқур кўприқдан, чуқур кўчадан ўтиб бозор майдонга етдим.

— Кўрпангни сотасанми?

— Ёстиғингга қанча берай?

— Вой, чойшаби гулли экан...

Яна тўдага рўпара келдим. Яна ўзидан бошқа ҳеч кимни тушунмайдиган, тушунишни истамайдиганлар тўдаси. Улар мени тушунмаса, мен уларни тушунаман. Кўрпанинг қадрини билармиди, шу пандавақилар!.. Индамайман, қовоғимни уймайман, тумонат орасидан йўл очиб, кулиб-жилмайиб боравераман.

— Кўчада қобдию, бояқиш!..

— Санга нима, туяқуш?!.

Икки бозорчи хотин бир-бири билан юмма талаша кетди. Уларни муросага келтириш ниятида кўрпани бошимдан олиб, қўлтиғимга босдим.

— Кўрпасини сотмасмиш!..

Шу гапни эшитдим, менга томон яқинлашаётган мўйсафидга қарадим. Мўйсафид мийиғида кулди, кулаётган бўлса-да, биринчи гапидан мени тушунаётган одам эканини сездим. Мўйсафид илова қилди.

— Чойшабиниям сотмасмиш!..

Пешвоз югуриб боргим, мўйсафиднинг белидан қучиб, ташаккур изҳор қилгим келди. Бўйи бўйимга мос, фақат гирдигумдан келган, бир оз йўғон тортган, бетиде жиддийлик, тозалик барқ уриб турар, муҳими, мен ўзимни тушунадиган одамни топганимдан бошим осмонга етаётган эди!.. Бозор кишисимас деган ўй кечди хаёлимдан.

— Кўрпасини сотган йигит эр бўмайди, эр йигит кўрпа сотмайди, — деди мўйсафид қимтилган лабини тишлагудай зарда аралаш.

— Садағанг кетай, амаки!.. — Ичимда айтган сўзларимни ўша замони тилимга кўчирдим.

— Жой топиладими, амаки?

— Топилади, — деди мўйсафид, — оилапарвар йигитлар жойсиз қолмайди.

— Оилапарвар?.. Оила?!

Шундай дедиму, нафасим ичимга тушди. Нима қиларимни билмай кўрпани ташлаб қочишни мўлжалладим. Шу пайт издиҳом орасида манглайдан, яноғидан, юзюе вужудидан оппоқ нур таралаётган қиз кўринди.

— Мени тушунадиган одам!—деб юбордим қўққисдан..

Мўйсафид қизга, қиз мўйсафидга қаради. Мен қандай маъно англашилади, нима жавоб қилади, деган ўй-

да мўсафиднинг нуроний чеҳрасига тикилдим, кутдим, термилдим. Не кўз билан кўрайки, мўсафид... ўзим эдим...

БУГУН ЭРТАЛАБ

*Мингга телбанинг ақли бор менда,
Милёнга ақлининг телбаликлари.*

Сурайё Зоҳир

— Каллани ишлатиш керак!

Айни саҳар уйқудан уйғониб, ҳали туғилиб улгурмаган ҳам эдимки, яъни кўзимни очиб улгурмасимдан таъна, киноя, ҳақорат ва яна аллақандай ёвуз маънолар аралаш шу қалима хаёлимга тирғалдию, субҳий ҳаловатим тўзғиди. Бомдод ибодатини адо этишга киришдим ҳамки, ўша лутф ёруғ оламнинг энг осуда гўшаси — жойнамоз узра айланишаверди, мен ҳайдадим — у келаверди, ўзимни чалғитишга уннадим — зуғум авж олаверди: «Каллани ишлатиш керак! Каллани ишлатиш керак! Каллани ишлатиш керак! Каллани...»

Кечамиди, ё ўтган куними, ё-ки... аллақайси кунни қулоғимга чалинган бу жумлаи муборак бугун эрталабдан сурбетларча тармашганини қаранг! Менинг шаънамни безаш ниятида айтилган эмасди-ку, у! Ёинки, «Ўғлим, сенга айтаман, қуёвим сен эшит» қабилда айтилганмиди?! Қуриб кеткур, теша тегмаган жа оҳорли гап ҳам эмас, одамзод яратилибдики, инсон инсон қиёфасини олиб шундан улугроқ кашфиёт қилган эмас. Одамзод қавми дунёга келиб орттирган дунёси ҳам шу — каллани ишлатиш! Илло, яна бир дафъа тавбалар қилайки, айни шу бугун саҳар мардондан менинг ақл-шуримни қийин-қистовга олаётгани галат. «Каллани ишлатиш керак!» деган маломатомуз жумланинг бугунги кунга қандай даҳли бор?! Нима, каллалар ишламаяптими? Ахир, инсоннинг калласи ишлаяптики, дунё мавжуд, акс ҳолда нақ Қуёшнинг қораси ўчади. Қанақасига ўчишини ҳам айтайми? Офтобнинг ҳарорат манбаи борку, ўша одамларнинг миясига жойлашган, тушундингми, азизим, миялар қанчалик бақувват ва соғлом ишласа Қуёшнинг нури шу қадар кучаяди, кучайиш суръати секинлашса борми, Қуёш сўнади-қолади!

Тасаввур қилинг, ҳеч бир зотнинг — эркакдир-аёл-

дир, кексадир-ёшдир, мўминдир-гумроҳдир, қўйинг-чи, бани башарнинг каллани ишга солувчи «анжом»лари зудлик билан яроқсизланаверса ва мўсафид Ер кўз очиб-юмгунча буткул калласизлар сайёрасига айланса...

Муқаррар ҳалокатга олиб борувчи бу хавфни одамлар билади, ялписига каллалар ишламай қолишидан замон адоғига етажагини, Замину осмон тўзонга айланажагини сезади — инсоннинг баданида шундай сезим бор-да! — билгани-сезгани учун ҳам ҳамма бир-бировини каллани ишлатишга ундайди: «Каллангни ишлат!» дея тарбиялайди, ўқитади, ўргатади, ялинади-ёлборади, ўтинади, уради, аразлайди, жанжаллашади, гиналашади, ёқалашади, урушади... тўпга тутади. Одам боласи борки, назарида бошқаларнинг калласи ишламайдигандек туюлаверади. «Ҳойнаҳой, ўзимнинг ақлим заифлашиб қолгандир?» деган истихолога бориб ҳар кунни тонг-ла маҳшарда ўзини-ўзи сўроққа тутиш, ўз нуқсонларини топгани сайин минг бир хижолат алангасида жизғанаги чиқиб... о-о-оҳ, фалак, одамзодни бундай саодат мақомига қачон олиб чиқасан?!

Шундай ўй сурсангки, қалбнингнинг авра-астарини ағдар-тўнгар қилиб ташласанг, қандай одамсан, бу ёруғ дунёда нима қилиб юрибсан, бепоён заминнинг қаерида, қай аҳволда яшайсан, яна қанча давру даврон сурасан қай фурсатда ра-во-на бўласан?.. равона бўлгач, У ЕҚДАГИ йўлинг сени қай манзилларга етаклайди, ёруғ оламга келишингдан бурунги аҳволга тушасанми, ёинки бу дунёдаги аъмолларнинг боис адашиб-улоқиб тентирайсанми?.. Ёхуд, остидан дарёлар оқиб ётган, беҳишт мевалари туганмас боғу роғлардан ошиён топасанми?.. Айқаш-уйқаш қаторлашаётган бу саволларни ўйламоқ, чамаламоқ, тошу тарози палласида ўлчамоқ учун озмунча ақл-идрок, озмунча фурсат, ҳурлик, эркинлик... тантилик зарурми?! Фрейд бобонинг ўйловига қаралса ман-ман деган мардлар ҳам ўзи хақидаги бор ҳақиқатни тан олишга ожиздирлар. Қайдам?.. Одамзодни бу қадар қарғиш уриб қўйган эмасдир-ов!.. Ўзингни рўпарангга ўтказиб қўйиб, дўппини тиззага ташлаб, обдон чордона қуриб олиб сен бирулам бир — мулоҳаза, ўй, хаёл, мубоҳаса, тафтиш уммонига фарқ бўлиш наҳот шунчайин машаққат?! Андишани, муроёо мадорани йиғиштириб, айтдим-ку, сен бир — олам бир! — ўзингни чеки-чегараси бўлмаган ўн саккиз минг оламнинг жиловини чангалида тутган

қодир Эгам билан юзма-юз ҳис этиб — шу мақомга кўтарила олсанг Фрейд боболарнинг эзмаликлари чиқора! — жавоблар изласанг, излайверсанг!.. Узгага эмас, ўзингга, ўз ичингдаги адоватга адоват-ла яшасанг, нафсинг зулмидан халос бўлаверсанг!.. Бундан ортиқроқ лаззат борми, инсон учун?!

У-ў, касофат банда! Йигитман, эркак кишиман деб сумбатингни кўз-кўз қилиб дунёдан ўтаверсангу, бирон марта мен айтган адоват-ла ўйланиш, изланиш, жавоблар исташ бахтига мубтало бўлмасанг! Эркақдир-аёлди, ҳар бир эс-хушли жондор чекига жила қурса бир лафъа шундайин мақом аршига кўтарилиш имкони битилган, ахир! Уша дафъани, ўша имконни пайқашда қолган бари!

Иситма олаяпти шекилли? Баданим қизияпти, иситмага бало борми, шу топда?.. Хуллас, одам неча йил умр кўрмасин, Инсонлик мақомини саноқли сониялардагина хис қилади. Умрга татигулик сония, лахза! Ушбу лақиқа бандани ўйлов аршига қадар олиб чиқади. Ўйлаш аршидаги сониялар англаш лаҳзаларига айланади. Умр — ўйлов аршига кўтарилиш учунгина берилган фурсат, муҳлат. Унлаб йиллар... юз йил, унданда зиёдроқ фурсатлар муттасил беҳаловот ўтади. Умрнинг йўлига бечаловотлик тўшалган, одам бу сертикан тўшамадан ҳатлаша олмайди, ундан оёғини узолмайди ҳам. Ўйлов аршига кўтарилмоқ учун эса беҳаловотлик кўчасида ҳаловот бекатини топмоқ зарур. Зеро, яшаш — ҳаловот васлига етиш, демакдир. Ана шу висол онларида сўратий Одамдан сийратий Инсон мақомига ўтилади. Сўрат нима, сийрат нима — буни ўйлагинг. ўйларингга ўйлар боғлагинг келади...

Эҳ-ҳе-е, мен айтаётган ўйлов бўлакча-а! Қундалик ташвишлардан, баҳорий бўтана янглиғ бостириб келаверадиган юмушлар карвонидан халос эта оладиган, ҳеч кимдан ва ҳе-еч нимарсадан дахлдорлик жойи қолмаган одамни тасаввурингга сиғдира оласанми? Ўй-хаёлингни ўз ҳолига қўйгин, дахлдорликни мутлақо улоқтир, улоқтира оласанми?.. Ҳа-а-а, шунда-ай, улоқтира оласан-ан... Сен — сенсан, сен биру олам бир... Бутун олам бирлигини тутиб турган — бошқараётган мувозанат заррасига айланаяпса-ан... Сен, жумлаи жаҳон, жондору мавжудот фақат ушбу мувозанатга дахлдор... Тушуняпсанми?.. Хаёлингга, тасаввурингга эрк бер, уни бошқарма, ўз ҳолига қўй... Мувозанатга дахл-

дорлик... илоҳий дахлдорлик... да-хил-дорми?.. Да-хил-дордир?.. Жаҳл-дормикан?.. дахлдор-жаҳлдор, дахлдоо-жаҳлдор!.. Жа-хилдор, жахил-дор... жахил-дор?! «Дор» бунча ёпишиб олмаса?! Унинг дахл ёхуд жаҳлга қандай дахли бор?.. Демак, «дахл» дейиш ҳам мумкин! У ҳолда дор қолиб кетади. «Дор»сиз «жаҳл» дахлдор бўла олмайди. Шундан, шундан... дахлга ҳам, дорга ҳам... дахл билан жаҳл арқоннинг икки учи, «дор» эса сиртмоқ, дор... «сиртмоқ доим бор» дегани. Дорбор! Дор — одамга зор! Одам дорга зор!.. Оёғинг, қўлинг, белинг, бўғзинг — бари-бари шу сиртмоққа дахлдор... Даҳшат!.. Ёвузлик! Ҳар одиминг, ҳар нафасингда дор — сиртмоққа чап бермоқликка маҳкумсан. Уни бўғзингдан олиб ташлайверасан-ташлайверасан, улоқтира-улоқтира хаёлларин-да дордан озодликка олиб чиқасан... Озодлик?.. Дунёда озмунча жондор жонзот борми! Бироқ, умрини бошдан-оёқ муттасил уқубатга, мусибатга айлантириб ва ўзи топган уқубатларни муттасил бартараф этишга совуриш борасида одамга тенг келадигани бўлмаса керак!.. Қайси жондорнинг мусибати одамниқидан оғирроқ? Филнингми, шернингми, қўйнингми?.. Танида жони бор қўй қассобнинг қўлига тушишдан беҳабар еб-ичиб, ўтлаб юраверади, бас, бўлак ташвиши йўқ. Қўй боқаман деган одамнинг эса жони ҳалак!

Хотинкўприкдаги жанжал ҳам қўй боқиш вадидан чиққан... Худо шоҳид, қилган гуноҳим ўзимга ноаён — ленинчилик кал Пета кўрсаткич бармоғини кирса ҳам тозаланмайдиган яғир чаккасига нуқиб, «У-у-ўжж!» деганча теппамга дўк уриб келган. Утакам ёрилаётган, «Нима дивотти, Пета?!» деб бақириб юборганман. Қалланг борми, деб сўқяпти дея тилмочлик қилган Тўхтамурод акам. Утакам ёрилаётганидан тилимни тия олмаганман, оғзимдан бепарда сўз чиққан — бўралатиб, болхонадор қилиб сўкканман. Сўкканману, «Петадан ўламан, Пета ўлдиради!» деган хаёлда баттар эсхонам чиққан, қочишга шайланиб не кўз билан кўрайки, кал Пета турган жойида тарракдек қотиб қолибди. Бит кўзларидан тирқираб чиққан ёш гўдак боланинг кафтидек кичкина, офтобда чўяндек қорайган-қизғимтир юзидан думалаб-дувиллаб ажин ариқчаларидан даҳанига келиб тўхтаб қолган. Чурқ этмаган, гапира олман. Қандай гапирсин, ахир, соқов бўлса!..

Худо уни соқов қилиб яратмаганида гўлдираб те-

памга ўдағайлаб келмас, ман тушуниб-тушунмай уни бўралатиб сўқмасдим, у эса менинг нега, не боис сўқаётганимни тушунмаслик азобига чидолмай бехосдан йиғлаб юбормас эдими?.. Тушунмаслик, тушунмовчилик, ҳақорат, эзгинлик... У чоқлар буларни ўйлаган эмасман, аксинча, ёмон алам қилган. Тушуняписизми, одам қуригандай мени ленинчилик кал Пета каллани ишлатишга даъват этган. Гунг-соқовлиги майли-я. буни си Яратганининг хоҳиши, илло саводсиз, иркит, ор-риқ, йирикроқ хандалакдек бошидан титилиб, пилтаси тўзиган, яғир, қизил бахмал дўппи тушмайдиган кал Петанинг калласи ишлаганми, ўзи?! Ақли расо одам миясининг ёнғоқдек келадиган қисмида икки ярим милён ҳужайра бўлишини инobatга олсак, кал Петанинг миясида қанча ҳужайра бўлгану, унинг қанчаси ишлаган? Тавбангдан кетай, Худойим, калласи ишламайдиганлар калласи ишлайдиганларни каллани ишлатишга даъват этиш одати бандаларинг орасида қай давру давронлардан расм бўлган?!.

Улай агар, ўша кезлар қўйни ёйиб ўтлатиш бора-сида ял Петанинг калласи меникидан дуруст ишласа ишлагандир, бироқ, «Наҳотки, кал Петадан беш баттар ақлсиз туғилган бўлсам?!», деган аламдан ичимга азбаройи чўғ ташлангандек кўксим жазиллаб ачишган. Ҳатто хаёлимга тирғалган шу савол-шубҳани қувиб солиш ниятида ошкора газовотга шайланганман, шунда, ўша кунлар олдига ўтказиб олиб қандаса ўқитаётган олим акам иттифоқо, «Қаллами-ошқовоқми?!» деб гарданамга шапалок тортиб юборгану уним ўчган — «Бундан чиқди, кал Петадан ўн карра ақлсиз бир бахти қаро эканман-да!» дея тунлари кўрпанинг остида пушиб, дамимни чиқармай йиғлаганман...

Ўзимни қаёққа уришни билолмай қолганман, ёмон алам ўтган, алам қасдга айланиб жон-жонимга ханжардек ботган, каллани ишлатиш бобида кал Петадан ўзиш қасдида қандасани ўзлаштиришга муккадан кетганман. Начора, қўй боқишни эплолмаганим рост, қўйни семиртириш, сўйиш, гўштини мўмай-мўмай пуллаш ёхуд қойилмақом қилиб пишириб паққос туширишни ҳали-ҳали эплолмайман, чунки мен уддабурон-учар эмасман, юлдузни бенарвон уролмайман, мен юлдузни бенарвон уриш давосида туғилмаганман, балки нарвонга поғонама-поғона кўтарилиб, Ойнинг момиқ нурларига бетимни босишни, милтираган юлдузларни каф-

тимга олиб эркалашни орзу қилганман... Хуллас, денг; Петадан ўзимнинг ақллироқ эканимни намоён қилиб қўйиш қасдида хижжалай-хижжалай, алҳол, Фигорус ҳикматини ўзлаштирганман. «Фигорус ким?» дейсизми? Ўзимизнинг Пифагор-да, Пифагор! Мен ҳам «Пифагор» деб ўрганганман, «Фигорус» десам назаримда бошқа одамнинг исмини айтаётганга ўшайвераман. Хуллас, Пифагорнинг ҳикматини ўзлаштирганимга се-винчимнинг зўридан оламга сиғмаганман, Пифагор илмига оид масала-машқларни писта пўчоқдай чақиб-ечиб ташлаганман. Кимга рўпара келсам гапнинг нишабини Пифагорга бураман, суҳбатдош рўй-хуш берадими-йўқми, суриштирмайман-да, Пифагор жаноблари кашф қилган ҳақиқатнинг мағзидан тотиниб кўришга ундайман: яъни, «тўғри бурчак шароитида иккиланган икки калта ёнбош йиғиндиси бир узун ёнбошнинг иккиланишига тенг!...» «Қани эди, бу ёруғ оламнинг мутлақ ҳақиқати ушбу те-о-ре-мада мужассам топганига одамларни ишонтира олсаму, «Одамлару-одамлар, эшитмадим деманглар!» деб кўчама-кўча изғисам-кезсам!

Ажабо, кечагина ҳисоб дарси деса баданига қалтироқ турадиган бола бўлсам.... Пифагор тушмагурнинг шу жўн ҳикматини ўзлаштиролмай Баҳодирхўжа муаллимнинг озмунча даккисини кўтардимми? Муаллим мен туфайли сабоқдошларим гувоҳлигида Олим акамни изза қилганимни айтмайсизми!..

Буларнинг-ку бўлари бўлди, илло мен азобга гирифтор қилган саволга ким жавоб беради? Қал Пета ҳам, қандасанинг билимдони бўлмиш Олим акам ҳам худди келишиб олгандек «Қаллани ишлатиш керак!» дея мени бир хилда койигани алам қилмайдими? Бундан чиқди, ҳар икковининг назарида мен нотавон, бемия одам эканман-да! Ахир... мен-ку, астойдил ўйнасам қўй боқишни эплаб кетарман, аммо юлдузни бенарвон уришга муносиб одам Оймўманинг нурига хаёлларини пайваста эта олармикан?.. Ҳилол ойни, ўн тўрт кунлик ойни, тўлин ойни... Ер ортига яширинган ҳижрон ойини соғинармикан?..

Суриштириб келганда, соғинадими, йўқми — менга нима, мен ўзим ҳам қўй боқишга, ҳам Оймўма ёруғидан Пифагор ҳикматининг мағзини чақе-еб ётишдан ҳузур топадиган одамга айлансам (яна сўзимдан то-наяпман-а, боягина «Эплолмайман» дегандим-ку!) «Ба-

рака истасанг, қўй боққил» деган нақли сув қилиб ичганман, қўй-қузиларим ўзидан кўпаяверсин, туёқ се-роблашгани сайин киссам пулга, қозоним мойга тўли-шига ақлим етади, эҳ-ҳе-е, буни қайси ношуд валаки-саланг истамайди! — бироқ, тушуняпсанми, мен ундай одам э-мас-ман, худо урган бош-қа-ча одамман, кал-ламни чандон ишлатган тақдиримда ҳам миямнинг ҳу-жайраларида қўй-қўзи, хашак, ем, калла-почага жой йўқ, жой! Шундай оўлгач, киссам калламдан ўзиб гўр-га борадими, калла билан киссанинг томири бир, бино-барин, шул томирдан бирон нарса ўтиб турса кисса тўлади... менинг мия чаноқларим томирлари қаёққа уланганини ҳали-ҳали тополмайман, (ҳар қалай, кис-сага туташмагани аниқ!), аммо-лекин кал Пета икки дунёда Пифагор ҳадисини на эшитади, на тушунади! Мен эса каллани ишлатаверсам, ишлатаверсам ленин-чилик кал Пета экану, унча-бунча таниш-нотанишлар-ни доғда қолдиришим ҳеч гап эмас! Бунинг учун яна ўша — каллани ишламоғим, калани ишлатмоқ учун эса бош миянинг ўзи қандайин сир-саноатга тўла ма-тоҳ эканини билиб олмоғим шарт. Фақат, шуниси бор-ки, (кўрпясизми?!) бир ишнинг пайига тушдим дегун-ча худди бугунгидек аввал иситма олади, сўнг феълли-даги бир кажлик йўлимни тўсиб чиқади: «Ҳа-а, ақлни пешламоққа отландиларми?» — «Шундай!» «Офарин, нени билмоқ истасалар, йўлни ибтидодан бошламоқ фарз. Уққан бўлсалар, манзиллари ойдин!»

Йўлим ойдин, манзилим ойдин, оқ ойдин, кўк ой-дин... Ой ярақлаган тун. Қуюқ ва баланд-баланд олма дарахтлари, амал-тақал жон сақлаган пастак шафтоли барглари сап-сарик тилло тусини олибди. Кундуз унга кўзим тушдию, ич-этим увишди, сочи бевақт оқариб-ди... Ойдин тунда барваста олмалар пойида эрта қар-тайган пастак шафтоли... Олма дарахтлари тик, ба-ланд, япроқлари ям-яшил, қадди дол шафтолининг соч-ларига оймоманинг олтин шуъласи тўкилиб турибди. Тилло ранг нур, тилло ранг япроқлар, тилло сукунат, тилло сокинлик, тилло гуша... Кўримсиз ва абгор шаф-толи ёлғиз... кал Пета ёлғиз, гапирмоқ умидида ҳар-чанд оғиз жуфтляпти ҳамки, сўлаклар отилаётган оғ-зидан сув чиқмаяпти... чиқмайди ҳам! Рўзи маҳшарга-ча чирансин Пета, талаффуз бўлмайди, талаффуз раво кўрилмаган унга! Раво — даво, раво — даво, раво — даъво... даъвоми, раво?.. давоми?.. да-во-ми?.. Иситма

даво, иситма раво, раво-раво-раво, бугун шу даво!.. бугун шу раво: раво-раво-раво!.. раво кўрилгани даво, бу-юрганини ейман, буюрганини — ичаман, буюрганини ейман, буюрганини ичаман... Танам қизияпти, кўзла-римнинг ичи бозилламоқда, жаҳаннам алангаси ян-глиғ, жаҳаннам!.. Босинқираяпман, иситма эмас, бада-нимга саноқсиз зирапчалар қадалганга ўхшайди, шу чароғон тунда ажриққа ағанашга бало борми, оппоқ чойшаблар тўшалган ўринда ором олиш ўрнига тупроқ йўлнинг ўртасига ағананган ҳанги эшшакдек ағанаве-рибман-ағанаверибман-ағанай... о-оҳҳ! Юз-кўзим, қўл-оёғим, кўксим, юмшоқ жойларим... миямнинг ичига до-вур зирапча, зирапча эмас, тикан қадалаверибди, сан-чилаверибди. Ана энди, ҳушимга келганда зирапча-ю, тиканакларни битталаб териб-термачилаб тириклик ташвишини чекиш ўрнига болаликда аллақайси кас-нинг бехос кўнглини оғритиб қўйганимдан ўртаниб-аға-наб ётибман. Ўнғайсизланишга, хижолатпазликка бало борми!.. Бугун ўша хаёллар кимга зарил!.. Ибтидога қайтиш, ҳар нарсани ибтидодан бошлаш... буёқда интиҳо, интиҳо... Йўқ, ибтидо — интиҳо!.. Аввал ибтидо — инти-ҳо!.. Ибтидо афзал — интиҳо!.. Интиҳоми? Интиҳоми?! Қашфиётнинг ойдин манзили, Ойдин манзиллар қайда?.. Библияни исташ, билиш-англаш-ўрганиш-идрок этиш... давом этаверади-этаверади, о-о-оҳ, тирноқча ҳақиқатни ўзингиз, шахсан ўзингиз кашф этиш бахтига мушарраф бўлганмисиз? Қашф этаётиб бу ёруғ дунёга одам қиё-фасида келганингиз учун Яратганга шукроналар ёғ-дирганмисиз?.. Қувончдан ўзингизни қўярга жой топол-май, телба янглиғ ирғишлаб, хиринглаб, илжайиб юр-ганмисиз? Сўнг, тиллоларга топиб бўлмас бу саодатманд масрурлик изидан келадиган хафсалангиз ҳуркак жиб-лажибон сингари «лип» этиб ғойиб бўлишини, тарвузин-гиз қўлтиғингиздан туши-иб қолишини... Нетайлики, билишга, билишга уринганимиз сайин аёнлашаётган ҳа-қиқат биқинида жавобталаб мавҳумотлар бодроқ ян-глиғ болалаб улгуради, шундан, кашфиёт онларида то-пилган қувончлар ўрнини янгитдан надоматлар эгаллай-ди, назарингда осмонўпар тоғ чўққисидек қудратли туюлган билағонлигинг бўйинини қисиб, шумшайиб қо-лади. Ожизлик... алам... афсус... армон... аламзадалик... қизиқиш, ҳа-а, афсус-надоматлар урчитаётган, сени аб-гор қилаётган сезимларинг олампаҳоқ қизиқишга рў-пара келадую кимсасиз ва овлоқ жинкўчадан гавжум,

серқатнов шох кучага туйқус чиқиб қолган дайди ит каби хуркиб, думини кетига қисиб келган томонига қараб жуфтакни ростлайди. Ҳисобсиз мавҳумотлар — адоқсиз муз ва қор довлари бўлса, қизиқиш ва интилиш — поёнсиз Шимолий қутбни забт этишга отланган Уэмура — Уэмура ортга қайтмайди, зеро, унинг мия томирлари англамоқ, интилмоқ, забт этмоқ манзилларига — ойдин манзилга тутшиб кетган, инчунин у интилади, интилаверади, қоқилади, суқилади, адашади, улоқади, йўлидан қолмайди — кетаверади, кетаверади, йўл юрса ҳам мўл юради, йўл юргани сайин бола-чақасидан, эл-юртидангина эмас, ўзидан узоқлашади, дахлдорлик ибтидосидан дахлсизлик интиҳоси сайин узоқлаша-узоқлаша Коинот, Замин ва сарҳадсиз Салтанатни туташтирган ўйлов аршига — уйғунликка етади... етдимикан?.. Етади, етдимикан?.. етган, ором, ором, о-о-о-ҳ, ром!.. Ором воқе — дарвоқе, Нуомининг калласи, ер ости йўлида кўйлак-иштон сотаётган жигаргўшамнинг калласи... қай бири калла??!..

Яна савол, савол, савол — ибтидодан бошланган сафар, сафар, сафар. Начора, на-чора!.. одамнинг калласи ишлаётган-ишламаётганини англамоқ учун авваламбор бош миянинг икки ярим паладан иборатлигини, ҳар ярим палланинг ўзига раво кўрилган бурчи-вазифаси борлигини билиб қўймоқлик зарур. Ҳар қалай, кўпдан кўра икки дона нарсани эплаш осон. Осонликка осон-а, фақат... ўша икки ярим палланинг фаолияти юрак, ўпка, буйрак, ошқозон (ошқозондан гап очадиган кунми?!), бурун, кўз, қулоқ... ҳоказо аъзоларга дахлдорлиги маҳоллик туғдиради. Маҳолдан-маҳол ва чигал ишдан оғиз очсанг тилинг чигаллашади, чигал-чигал-чигал, кунинг ақлга қолади! Ақл-а-қил.. одамзод қавми ақлдан қочиб қутилолмаганки, ҳаёти қил устига кеп қолди. Ман-ман деган одамлар ақлдан воз кечаман, ақлнинг измига юрмайман, деган қарорга келган заҳоти билиш, билишга ташналик, боя айтганим — қизиқиш бутун аъзои бадани занжирбанд этади, (жаҳаннам иситмаси!) занжирбанд этиб дунёни кўзингга шу қадар тор ва қоронғи қилиб қўядики, зиммасига ўн саккиз минг олам мувозанатини сақлаш юки ортилган бирдан-бир фикрловчи (калади! жонзод — Инсон Олий мувозанат чизган чизиқдан узоқлаша олмайди, балки ўша тақдир чизигига монанд туғилади, кўпаяди, ўлади, қирилади. Яхши ҳам, ёмон ҳам, шох ҳам, гадо ҳам...

Ақллилар ақлсизларга ақлини пеш қилиши, ақлсизлар ақллилар олдида ўзини ақлли кўрсатишга уриниши, ақллилар жанжали, ақлсизлар можароси ва бошқа-бошқаларнинг, бандасининг гўзаллигию бузғунчилиги Мувозанат олдида нима деган гап?! «Тўқсон фоиз банда туғма виждонсиз бўлар экан» деб аюҳаннос соладиган билимдонлар «Одамларнинг бари Илоҳий мувозанат назарида тароқнинг тишидек тенг» деган ҳадиси шарифдан беҳабар-да!

Кўринадики, одамларнинг гўзаллигию бузғунчилиги у дунё бу дунё илоҳий уйғунликка путур етказолмайди. Илоҳий мувозанат посангисини бузиш бандасининг яхши-ёмонлигидан эмас, Эгамнинг хоҳиш-иродасида!

Яхши ҳам, ёмон ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демай (тунда — уйқу, кундузи — бедор, тун бўйи уйқу, кун бўйи — уйғоқ, яна, яна я-на-а!.. давом этаверади, этаверади) ақлингни ишлатаверасан-ишлатаверасан, бу қадар бир хиллик, бу қадар мижғов такрор-такрор-такрор одамни ҳолдан тойдиради, бир хиллик гирибонингдан олади, дунёнинг бойлигини йиғиб — ҳой, бутун дунё учарларию-қўйчивонлари, топган-тутганларингни келтиринглар! — Эгамнинг оёғи остига ташлайлик, зора, кеча ва кундуздан бўлак яна нимадир яратса?.. Кеча ва кундуз, кеча ва кундуз, кеча... Одамзод эрмак, одамзод мазач қилинмоқда, одамзод — қўғирчоқ, гўдак, гў-дак... тиришади, тармашади, уринади-суринади — фасллар ўтиб алланималарга эришади. Мувозанат «чурқ» этмайди, «қимир» этмайди — яғринида чумоли ёмирлаган фил талвасага тушармиди! — ҳисоб-китобга кўра фурсати етган лаҳзада Мувозанат истаса «чурқ» этади, истаса «қимир» этади, қарабсизки, ақлнинг қудратига алданган Одамзод яна У чизган чизиққа қайтади. Чизиқ, чиз, из... ҳа-а, изга қайтади, тўғрироғи, изга тушади, чунки бу из чизигини Тортгувчи ҳамма нарсани билгувчидир! Унинг огоҳлигию билгувчилиги олдида одамзоднинг яратувчанлигидан тортиб бузғунчилигига қадар, эзгулигию ёвузлигига қадар — бари эрмак, Унинг ихтиёридаги эрмак. Ихтиёр, ихтиёр эмас, изм, измида. Изм, қисмат, пешона, тақдир, тақдири азал... болалик... Хотинкўприк жарлари... ям-яшил, бепаён бедазор... сассиз оқайтган зилол сув... сурув-сурув қўй-қўзи... кал Пета, Тўхтаму-род акам... ақллилар, беақллар, қўйчивонлар, бошқалар... Кўмилиб кетди, бари... ўз ақли, ақлсизлиги, устаомонлиги, бойлиги, бебойлиги билан тупроққа айланди...

Қисмат, тақдир, тақдири азал, пешона, Мувозанатнинг изми, чизган чизиғи...

Билишга қизиқиш ҳам, билағонликка алданиш ҳам тақдир.

Билишга ташна бўлсанг калланг ишлайди, калланг ишлагани сайин қуёшнинг тафти сақланади, шундан Заминда ҳаёт шаъми сўнмайди. «Билгил ва қўрқгил!» дегани ҳам шу, яъни билмасанг, билишга интилмасанг ҳолинг вой! У ҳолда... пиравордида қўрқувга олиб борувчи билишга мубтало экан-да, инсон? Билганинг сайин қўрқувинг ошиб боражак! Нега? «Нега?» дейишдан қўрқмаяпсанми, демак, гумроҳсан! Гумроҳман?! Начора, гумроҳ бўлмасам ақлан ленинчилик кал Петадан ўзиб кетдим деб керилармидим! (Ўзиб, қайга етдим?!.) — Шундай экан, ҳамон гумроҳ эканман, лоақал сўраб қолай.

Ҳалиги, нима демоқчи эдим... ҳа-я, билиш қўрқувга эмас, муҳаббатга олиб борса-чи?.. Яъни, «Билгил ва қўрқгил!» эмас, балки «Билгил ва севгил!» Тушуняпсанми, тинимсиз билиш, билишга қизиқиш ўйлов аршидаги муҳаббат кошонасига олиб чиқса нимаси ёмон! Наҳотки, инсоният мақомининг мунгли ва мунис мусиқасини тинглаб ором топмоқ учун муҳаббатдан кўра қўрқув, таҳлика қулайроқ бўлса?! Онадан, топмоқ ва қўрқмоқ ниятида эмас, севмак муродида туғилиш афзалроқ-ку! Бундай эмасми? Нега? Муҳаббат, жунбиш хаёлни тўзғитади, қўрқув изга солади. Шу боис, муҳаббату қўрқув — ҳар иккови тенгдан керак. Эътиқод ва гумроҳлик, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва разолат Олий мувозанатнинг бу ёруғ олам аталмиш халтасида аралаш-қуралаш келгани сингари. Ахир, нуқул бир феъллик одам бўлмаган-ку, оламда, фақат яхши, фақат ёмон, фақат меҳнаткаш, фақат товламачи, фақат лодон каби... Бунинг бойси ичкарида, аъзон баданимизда ҳар лаҳза асносида миллиён дафъа ҳужайра янгиланишида!..

Ушбу миллиён янгиланишни изма-из идрок эта олган, аъзон баданидаги жамки янгиланишларни Олий уйғунлик мақомига мослаштира олган одамгина комил инсонлик мартабасига етишади, шундай одамнигина калласи бутун ишлар экан деса арзийди. Аммо-лекин бу мартаба томон эзгулик олиб борадими, меҳнатсеварликми, интизомми, ақл-идрокми, эътиросларми?

«Ўлгудай эзма экансан-ей! Алжирашингдан кўнглим беҳузур бўлди». Топдинг, пича эзмалигим ҳам бор, асли-

да бу қадар эзма эмасдим, бомдод ибодати ниятида кўз очдим (Энг яхши уйғониш-ибодат ниятидаги уйғониш-дир!), мана, боя айтганимдек, ажриққа ағанабман — бош-оёғим тиканга тўла, зирапчалар миямга довур қадалган, иситма... босинқираяпман... эзмалик ҳуруж қилди (ахир, ҳеч ким эзмалик қилиш, вайсаш ниятида ёстиқдан бош кўтармайди-ку!), алжираяпман, алжираяпману бунинг тагига етолмаяпман. Йўтал тутса, нетасан, йўталасан-да! Эзмалик, мижғовлик дарди ҳам тумов ёки йўталдек ёпишса — мижғовланасан-да! Енбошимни босиб ётсам ҳам, беҳини қайнатиб ичсам ҳам, босиб-босиб уйқу дори ичсам ҳам касални енга олмайман — вайсайвераман, гапиравераман. Қўшнимнинг уч ёшли боласи ҳам шу дардга йўлиққан. «Жим ўтир» деб қулоғини чўзсанг ҳам, «Дапийман! Дапийвеяман!» деб бижирлагани-бижирлаган. Ахир бугуннинг дарди бу, мен ҳам бугуннинг одамиман — беармон вайсаяпман, пойинтор-сойинтор, ўхшатиб-ўхшатмай аламимни гапдан олаяпман. Эртага... эртага эмас, ҳали тушга бориб кулгу касали тарқаса мен ҳам куламан, хиринглайман, илжаяман, тиржаяман, ха-холойман, елкаларимни силкитиб, кўзларимдан ёш тирқиратиб куламан... ичкаларим узилиб кетгунча кулавераман... пешинга бориб! Ҳозир — эрталабдан вайсақилик, эзмалик раво кўрилган экан, начора, унинг измидаман.

Ким биледи, кега бориб жонимиз омон қолса ҳойнаҳой сукут сақлаш касали юқар. У ҳолда балиқ янглиғ лом-мим демай янашни биздан кўрасан — чурқ этган номард! Тўхта-чи, дунёда қандай одам бўлиб яшаш афзалроқ? Ҳаётнинг лаззати эзмаликдами? Меҳр-шафқатдами? Эҳтимол, қўй-қўзининг тилига тушунадиганларнинг, яъни ишбилармонларнинг ошиғи олчидир доим?.. Олимлик дурустми? Маишоқликми?.. Ҳаётнинг мағзига раққосалар кўпроқ етадими, раққосларми?.. Майнабозларми?.. Айтсанг-чи, ҳаётнинг лаззати қандай одамларга кўпроқ насиб этади, ўзи?! Телба-девона бўлишдан кўра афзалроғи йўқдир балки?

Ўқимасанг, уқмасанг, билишга қизиқмасанг, қорнинг тўқ-очлигини фарқламасанг, ҳушингга келган одам билан пачақилашиб, ҳушингга келмаганини бўралатиб сўксанг, сўка-сўка ҳовурдан тушсанг — вақти-соати етиб, оламий мувозанатнинг сақланиши учун ҳожатинг қолмаган дақиқаларда, яъни илоҳий уйғунликни сақламоқ учун ҳожатинг қолмаган сонияларда — раводан Мосу-

во — қўрқмай-нетмай бандаликни бажо келтирсанг... сўнг ювиниб, тараниб, ўраниб у дунёга ўтсанг. Эътибор қиялпсизми, «Ўлсанг, ўлсангиз» демаяпман, одам ўлмайди, ҳеч нарса ўлмайди, балки у ёқдан бу ёққа ўтади, фурсати етгач эса бу ёқдан у ёққа қайтади... Додвой ортиқча, йиғи-сиғи беҳуда. Фарёд, ҳасрату надомат, бетоқатлик, туф-е!.. Узр, кечирим, осудалик, фаҳм-фаросат... нима, кечирим, фаҳм-фаросат нима деганинг?! Шу бугун саҳар мардонда алмисоқдан қолган бу сўзлар эсингга келганига ҳайронман, хўжам? Эсларию ҳушлари жойидами, ўзи?.. «Азобга қолдим», «бошим ғалвадан чиқмади-чиқмади»нинг адоғи борми? Умр бўйи ғам-андух чекаверсанг, тилинг ҳасратдан толмаса қандай яшайсан, ахир, қачон?! Нима эмиш, «Чархининг мен тотмаган дарду балоси қолдимۇ?»

— Маъзур тутгайлар, ёшлари нечада, биродар?

— Нимайди?

— Сир бўлмаса, айтаверсинлар?

— Утгизни қоралаб...

— Э, яшанг! Э, кўп яшанг, ука! А, бу чархнинг юздан, йўғ-а, мингдан, миллиондан бир дарди астойдил ёпишса-чи, ука, унча-бунча банданинг-чи?.. А, бу, бунча фиғон чекмасалар?! Ҳали нариги томонга ўтайлик, кўрайлик кўрадиганимизни... Бу ерда, «дарду-бало» деганлари асли роҳатдир, эҳтимол?.. А, лаббай?!

— Нималар деяпсиз, тушунмаяпман? Очiqроқ гапиринг!

— Очiqроқ?.. Тушунтириб гапирайми?.. Хў-ўп, Фигоруснинг, яъни Пифагорнинг энг улуғ кашфиётини билдиларми?

— Қайси, Фигорус?.. Қайси Пифагор?!

— Э, кучингдан, ҳофиз! Нега кўзларини олиб қочяптилар? Бунда-ай ҳамсуҳбатнинг афтига қарайдилар-да! Қанақанги одамлар суҳбатдошига тик қаролмаслигини билдиларми? Нигоҳини яширадиган одамлар-чи... Нодирбек домла, «Огзингни очсанг ошқозонингни кўраман» дер эдилар, мен — бўйим ҳаминқадар эмасми — оғизларини очсалар митти тилчаларини, ундан ўтиб мияларигача кўраман. Калла ишляяптими-мудраяптими, ёхуд занг босиб ётибдими — билиш чўт эмас! Ҳисоблаб берайми, ана, пешона уч энлик, қуюқ қош уч энлик, бурун... ҳе-е бурунлар-бурунлар! Катта-кичик, япалоқ-ясси, чўзинчоқ, пучуқ танқайган, букри, қийшиқ... қандай бўлмасин, бурун — гипотенуза. Мана, гап қаерда, биродар!

Донишманд Фигорусни эслаганимнинг боиси буюқда?.. Буруннинг гипотенуза эканлигини, қош, қовоқ, лаб ўлчами катетлар ўрнини босишини билмай туриб чарх кажрафторга нола чекишлари ортиқча-да! Ҳа-а, баракалла!.. Аввал ўзларини билиб олсалар, сўнг ён-атрофдагилар ҳақида ногора қоқсалар. Ишни ибтидодан бошламоқ учун, яхшиси, метрога тушсинлар, тушсинлар-да, рўпарада ўтирган йўловчиларнинг бетига разм солсинлар. Манглай — болаликдан, қаншардан то юқори лабга қадар — ўрта ёшлик палласидан, осткя лаб ва дахан — кексалик айёмидан ҳикоя қилувчи хўжжатли ойнаижанон! Кўрасан, ўқийверасан, холос! Мана, сизга бир дунё ҳикмат! Бу бурунлар, бу қош-қовоқлар, бу лаблар, яноқлар, пешоналар!.. Бир дунё гипотенуза, бир дунё катет-т! Азбаройи кузатаётган одамнинг туни билан ухлаганми, уйқудан қолганми, ҳатто неча бора безовта бўлиб ташқарига чиқиб келганигача ўқиш-уқиш мумкин.

Худо ҳаққи, Фигорус авлиё экан! Қаерга қараманг, кўзингиз катетлар ва гипотенуза иккиланишидан пайдо бўлган ҳосилага тушади. Улай агар, Фрейднинг ўзи, Пифагор!.. Вой, шарманда-е! Ҳандаса қаердаю, психология қаерда! Ақлнинг зўри ҳаётнинг моҳиятига бориб тақалаверар экан-да, бундан чиқди!.. Билъакс, Пифагор мусиқани рақамларга айлантириб тинглармиди?!

Эшитяптиларми, ҳофиз биродар! Сиз ё бўлмаса ер ости йўлида кўйлак-иштон сотаётган, авлиё Уэмурани бир чайнам сақичга олмайдиган ўсмир жигаргўшам мусиқани рақамга айлантириш, айлантира олиш нима эканини тасаввур қиласизларми?..

Хў-ў, яратган Эгам, рақам — мусиқа — рақам... кал Пета — сурув — Пифагор... Катетлар — гипотенуза... катет, тет... гипокатет, гипркатет, нуза-катет... ўзбекча эмас-да, халқаро тил, ҳа-ҳа, катетлар ва гипотенуза йиғиндиси ҲАЁТнинг ўзгинаси, зеро, унинг, яъни, ҳаётнинг миллати бўлмайди, ҳаёт ё бўлади, ё — йўқ! Тирикликнинг мазмуни эса яна Пифагор ҳикматидан бошланади...

Бир замонлар норасо динида айрим роҳиблар учун оила қуриш ҳаром саналган. Ё, жаноби Исо алайҳиссалом, Аллоҳнинг суйгани — никоҳ турур! Наҳот, оила қуришни ман этганлар Пифагор ҳикматини ўқимаган бўлсалар! Ахир, у ўз кашфиётида...

Дарвоқе, Исо алайҳиссалом бурун яшаганми ёхуд Пифагор донишмандми? Буни аниқламоқ учун яна бир

дунё ақл-идрок керак, калла ишламоғи шарт! Калла ишлагани сайин эса... хаёл бетизгин. Тутқич бермайди азбаройи, азбаройи... мен калламни нечоғли ишлатмай, бирни икки қилолмайди, ўнни юзга айлантиролмайди. нарса-буюм-матохлар олдида азбаройи ҳисоб машқини ечолмай беҳуда уринаётган ношуд талаба аҳволига ташавераман... «Каллани ишлатт!» Ишлатаман, дунёни дунё қилиб турган нарса каллани ишлатиш, зеро, дунёни нима сақлайди, биласанми? Айтайми?

Башарти, айтмасам-да, баногоҳ мен ҳам қўярда-қўймай мени қистовга олаётган саволни Бугун жанобларининг ўзларига қайтарсам қандоқ бўларкин? Е, қийнамайми? Саволдан чўчийдиларми? «Каллани ишлатиш керак» демайми? «Калланг ишлайдими?» деб сўрамайми? Ёхуд саволларининг барини маҳшаргоҳга қолдирамизми? Айт, айтадиганингни, бойвачча!..

«Эзма экансиз, каллангиз ишлайдими?» дединг-а, жигаргўшам? Мен ҳам сени шу хил саволга тугайми, айт, Петажон, жигаргўшамга шу саволни берайми, берсам... берсам берарман, лекин у эзмалик қила оладими?..

Ҳа-а-а, ҳо-ой, жаҳаннам иситмаси, етиб келди-ик, етиб келди-ик: бугун эрталабдан менга ёпишган хасталик сенга юққудек бўлса. (Ҳатто юқумли касалликлар ҳам ҳазар қиладиган одамлар бўлади-да!) Юқди ҳам дейлик, бугуннинг касали юқса-да, ҳали кун ботишига эҳ-ҳе-е қанча бор! — кун узуккун шу бугуннинг дарди билан оғриб юрсанг-да, тикану зирапчалар бозиллатиб ачиштираётган оғриқларингни бир бошдан ҳикоя қила оласанми?..

ЭТАҚДАГИ УИ

Андиша ва кўнгилчанлик қилиб бировнинг илтимосини рад этолмай, кейин панд емайсизми?..

Бек одатдагидан барвақт уйғонди. Ювингач, жадал кийиниб олди-да, ҳовли юзида у ёқдан-бу ёққа юришга тушди. У дам-бадам ҳовли этагидаги уйга қараб қўяр, худди у уйдан кимдир чиқиши керагу, биргалашиб бирон ёққа жўнашлари зарурдек сабрсизланар, бунга сайин қадам олиши тезлашар эди.

Эшик шарақлаб очилди. Уйқуси ўчиб улгурмаган ёшгина жувон ҳовли бурчаги томон беш-олти одим таш-

лаганда ток сўрисининг нариги томонида қаққайиб турган Бекни кўрди. Бек жувонга саросар тикилиб турар эди. Жувон ошхонага бурилди, эшикни қиялаб ёпди.

Бек тўхтаган жойида яна бир-икки фурсат турди. Ошхона томонга қулоқ солди. У ёқдан ҳеч қандай овоз эшитилмади. Шундагина бу тахлит туриши ноўрин эканини сизди. Лекин уйга кирмади, фақат ошхонадан кўз узиб яна бояғи-бояғи юринишда давом этди.

Жувон бетини артган сочигини қўлида тутганича ошхонадан чиқиб изига қайтди.

— Синглим!

Бек ўз овозининг дабдурустан дағал, таҳдидли эшитилганини сизди. «Салом» деб ўзига қараган жувонга ихтиёрсиз «Яхши ётиб турдинглари?» деди-да, жавоб кутмай ўша оҳангда давом этди.

— Ражаббой менга учрашсин, зарур гап бор!

Жувон «хўп» деб аввал Бекнинг авзоига кўз қирини ташлади, кейин уйга кирди.

Бек туш кўриб уйғонганидан буён кўнгли хижил, авзойи бузук эди.

... Отаси, онаси, опалари, акалари ҳовли этагидаги катта хонада ўтиришган экан. Анча гаплашишди, тортишишди, кулишишди. Бек ҳам гапирди, кулди. Шунда, онаси билан отаси унинг гапларига қулоқ солишмаётганини тўсатдан сезиб қолди. Бекнинг юраги шувиллаб, орзиқиб кетди.

У ҳолда... Бекнинг гапига опалари, акалари кулишди-ку? Кулаверишди. Бек ота-онасининг эътиборсиз ўтиришларини фаҳмлагунига қадар ўзи ҳам овозини баралла қўйиб кулди. Демак, гапи кулгил эди. Нега бўлма-са, тагдор қочириқни нозик илғайдиган отаси билан онаси кулишмаяпти? Еки ҳазили беўхшов чиқдими? Аксинча — опалари, акалари ҳамон кулишяпти. Бек гап нимада эканини англадию баттар талмовсиради: улар Бекнинг ҳазилига эмас, унинг ўзига, унинг устидан кулишаётган эди!..

Ўзини тамом йўқотган Бек мадад умидида акалари, опаларига бирма-бир аланглади. Йўқ, уларнинг қиёфаси секин-аста хиралашди, сўнг тиниқлашди. Бекнинг кўз ўнгида туғишганлари бегона одамга айланиб қолишди. Бек ёлборувчан кўзлари билан онасига, отасига тикилди. Бироқ чол кампир унинг нажот истаб қарашини сезмаётгандек ҳамон бепарво эдилар.

Бекнинг тили айланмади, ўйлай деса мияси ишламас,

онаси билан отасига яқинлашай деса орада ўтирган кимсаларни босиб ўтолмади. Шу пайт ичкари хонанинг эшиги очилиб Ражаббой чиқиб келди. Бек севинганидан ирғиб ўрнидан турди. Ражаббой катта-катта кафтларини ҳовуч қилганича Бекка чўзди, Бек ҳам кафтларини жуфтлади. Оқ тангалар шарақлаб Бекнинг ҳовучига тушди. Танга беҳисоб эди, Бекнинг ҳовучини тўлдириб, гирдидан ошиб-тошиб жаранглаб тўкилди. Бек ҳовучини олдинга чўзганча онаси билан отаси ўтиришган томонга юрди. Пул кўп, тўкилгани билан ҳовучидаги танга камаймас, бундан Бекнинг хурсандлиги ортгандан-ортар, тангаларни ота-онасининг олдиларига тўкмоқчи бўлар эди. У яқинлашай деганда отаси аввал сапчиб ўрнидан турди, онасининг қўлидан тутиб уни ҳам тургазди, кейин ичкари уй эшиги тарафга етаклади. Бек уларга эргашди. Отаси ичкари уйнинг эшигини очганича жойида қотди.

Чол билан кампир ичкарига ҳам кирмай, орқага ҳам қайтмай остонада туриб қолишган, шунга қарамай Бек ҳарчанд уринмасин уларга ета олмас, уй тўридаги каравотдан Ражаббойнинг хотини унга кулимсираб қараб ётарди.

«Нимага?», «Нега?» деган сўроқлар тушга уланиб кетди. Бек қандай уйғонган бўлса ўша алфозда қимир этмай ётди. Жавоб тополмади, ётолмади ҳам. Кўрган туши унинг кўз ўнгида айрим манзаралари билан эмас, балки бутунича гавдаланар эди.

Бек чироқни ёқиб тошойна жавони устидаги пулга ажабсиниб қаради. Ун сўмлик, беш сўмлик ва уч сўмлик қоғоз пуллар букланган, биринчи ижара пули. У на Ражаббой билан, на унинг хотини билан ижара ҳақи хусусида гаплашган, ҳамма муомалани Фазилат қилган. Кеча кечқурун ётар олдидан хотини, «Пул беришди, даси, шунча бойликни қаёққа қўямиз?» деб кулди. Бек пулга қўлини теккизмади ҳам.

Бир ҳовуч танга. Отаси билан онасининг ундан юз ўгириши. Улар турмуш қуришганидан то вақт-соати билан дунёдан кўз юмгунларига қадар ётиб-турган ётоқларига киролмай эшик остонасида тўхтаб қолишгани. Ака-опалари уни мазах қилишгани, бегонасирашгани...

Ахир, Бек ўз ҳолича ижарачидан тегадиган ҳақ учун одам қўймади-ку. Бир куни опаси келди. «Бирга ишлайдиган яхши жувон бор, эрининг бир йиллик ўқиши қол-

ган, яшаётган жойи жуда нобоп, сеникига кўча қолишсин — ҳовли этагидаги уйлар бўш ётибди-ку, бир йил ўтади-кетди. Мен айтиб қўйгандим», деди.

Ҳовли этагидаги уй жиҳозлари ўша-ўша — отаси ҳаёт чоғидагидек сақланган, доим сарамжон-саришта бўлади. Опалари, акалари келишганда дастлаб этакдаги уйга киришади, онасини, отасини хотирлашади. Бек у уйга онаси билан отасининг ҳузурига кираётгандек оёқ қўяди, кенгашталаб масалаларни отаси билан маслаҳатлашади, шундагина тўхтама келган хулосасидан таскин топади, чол-кампирнинг ҳурмати учун эшикни авайлаб ёпиб чиқади.

Бек биров билан муомалада ўзининг хоҳиш-истакларини поймол этиб бўлса-да, бошқаларнинг кўнглига қарайди. Шу вайдан ижарачилар келишига «йўқ» деёлмади, онасининг кўнглига қаради. Уша топда бироғиз «йўқ» дея олмаганининг азоби одатдагидек, кейин ич-этини ўртай бошлади. Ана шунда...

Тамоман ҳақ бўла туриб кўнглингиздаги гапни очиқ-ойдин тўкиб солганингиз учун «беандиша» деган ном орттирмайсизми?..

— Ҳа-а, менинг юзимни шувит қилгани қўйганмидинг, квартирга?! Ё, ош-нон талаб қилдими сандан? Ё, бераётган пулини назаринг илмай қолдими?

Таънанинг аввали шундай бошланди. Бек онасининг ранжишини билар, лекин бу даражада тутаб кетишини кутмаган эди. Опаси унга оғиз очирмади.

— Ким деган одам бўлдим мен?! Ётган жойидан уй-ғотиб ҳайдаб чиқармасанг уйингни эгаллаб олаётувдими? Ҳақини берган экану!

— Уша берган пулини кўчини ташиган машинага тўладим. Сизни хафа қилиш ниятим йўқ эди, опа! Кенгроқ ўйланг ахир!

— Кенгроқ ўйлашни сенга чиқарган! Кенгроқ ўйласанг иккита мусофирни уйингдан қувиб чиқарармидинг. Андишани еб қўйибсан, ука! Уят-э!

Бек ўша куни саҳарда кенгроқ ўйлаганида жўяли мулоҳазаларга борган бўлар, онасининг ранжишидан қатъий назар, икки мусофирга «беандиша»лик қилаётганини тушуниб ётар ва бошлаган ишини охирлатмаслиги тайин эди. Лекин бундай мулоҳазақорлик азобини кейин яна ўзи тортар, алаmidан ич-этини кемириб юриш-

га тўғри келар эди. Шунинг учун у кўнгли бўшашиб, раҳм-шафқат ҳисси туғилаётганини сезиши ҳамона, ўзига-ўзи аёвсиз танбеҳ бераверди. «Бувам билан бувим, отам билан онам ётган, яшаган хонада етти ёт бегоналар яшамаслиги керак!»

... Ҳовли этагидаги уй Бекнинг отасидан эмас, отасининг бувасининг буваларидан қолган... Бу уйда охири отаси яшади. Отасининг ёши аниқ эмас эди. Инсон зоти ёруғ дунёда кўриши мумкин бўлган жамики қувончу аламни бошидан кечирган чол уйни кимсасиз қолдирмаслик мажбуриятида атайин ўлмаётгандай, уй билан унинг жони бир-бирига пайвандлашиб кетгандай туюлар, баъзан кўҳна уй ва қари чол ким узоқ яшашга чоғлангандай кўринар, гоҳо, Бекнинг назарида, ўлим унинг отасини унутиб юборганга ўхшар эди. Отаси «юзга кирдим» деганидан кейин ҳам тўққиз-ўн йил яшади...

Ижарачилар кўчиб келишган куниданоқ Бек ўзини янишга тушди. Назарида, отаси билан онаси қаёққадир кетишгану ҳали-замон кириб келишадигандек, шунда уйнинг бандлигини кўриб... Ражаббой билан хотини ҳовли саҳнидаги кўч-кўронини битта-битта олиб кириб, уйга жойлаштирар, ҳар битта бегона буюм Бекнинг отаси билан онасининг, уларнинг ота-боболарининг руҳини чирқиратиб қувиб чиқаётганга ўхшайверди. Опаси «ижарачилар бор» деб оғиз очган заҳоти бир оғиз «йўқ» деганида шунча азоб қаёқда эди. «Ҳа»ям! демади-ку. Ёки, одамлар бировнинг раъйини қайтара олмаслигиндан фойдаланиб қолишармикан?

Бек бундай хаёлларини жиловлашга, бўлмағур ўй-фикрларни миясидан соқит қилишга ҳарчанд уринди, илло унинг учун азобли хаёлларини ситиб чиқаришдан кўра, ижарачиларга жавоб бериб юбориш осонроқ эди.

Икки-уч кун кейин оила аъзолари учун ота ўрнига ота бўлган катта акаси келди. Ҳовлига кириб одатича тўппа-тўғри этакдаги уй томон юрди. Ярим йўлга етар-етмас очиқ деразадан бегона жиҳозларни кўриб, тўхтади. Акасининг аҳволини сезган Бек телба-тескари гапга тушди:

— Опам илтимос қилдилар... Бирга ишлашар экан... Бир йилга... — деди у узуқ-юлуқ сўзланиб, — яхши одамлар экан...

Акаси унинг гапига қулоқ солдими-йўқми, тўхтаган жойида бир зум ўйланиб турди, орқага қайтди. Тез-тез юриб йўлакка ўтди.

— Уйга кирмайсизми? — Бек гарангсиган, акасини бу нохуш вазиятдан қутқазиш учун арзирли сўз тополмас эди.

Бекнинг таклифи акасининг қулоғига кирмади, у худди этакдаги уй деразасидан кўринаётган бегона жиҳозлар таъқибига учрагандек ўша томонга яна бир марта хавфланиб қаради-да, «Яхши одамлар... Яхши одамлар кўп» деганча тез-тез юриб дарвозадан чиқди.

... Ушандан бери акаси қайтиб ҳовлига оёқ босмади.

— Гап шундай, ука, бугундан қолмай бирорта жой топасиз ё биноти нобоп бўлсаям аввалги жойга борасизларми — бу ердан кўчишинлар керак. Шундай!

— Хўп, ака, — деди Ражаббой гуноҳкорона товушда. — Бирор кўнгилсизлик бўлдимизми?.. Тўсатдан...

— Айтдим-ку, Ражаббой! Жойни қизганмайман! Мени тўғри тушунинг... Фақат, бугундан қолмай, илтимос...

Бек қандай бўлса-да, жаҳлидан тушмасликка уринди, кўнгли бир оз юмшаса андишавозликка ўтичини билиб, Ражаббойнинг кўзига қарамади. Бахтига уйдан Фазилат чиқиб қолди.

— Бояги... кечагини ола тушгин! Тошойна тоқчасидагини.

Фазилат Бекнинг рўпарасида бошини ҳам қилган Ражаббойга, этакдаги уйнинг қия ёпилган эшиги ортида серрайиб турган унинг хотинига кўзини пирпиратиб қаради. «Нимани?» деб сўрашга оғиз жуфтламаёқ эри ўшқирди.

— Булар беришганини, — деди у этакдаги уйга бармоғини нуқиб, — кеча кўрсатдинг-ку!

Хотини орқасига қайтиб улгурмай Бек уни тўхтатди.

— Кўч обборадиган машинага бер! Бугундан қолмай! Эшитдингми?! Мен кетдим!

Бек кечқурун ишдан қайтганда дарвозани оҳиста очиб ёпди, товуш чиқармай қадамлаб ҳовли этагига ўтди. Иккала уй бўм-бўш, супириб-сидирилган эди. Бекнинг кўзига Ражаббойнинг эрталабки аҳволи кўринди. Ачинганидан ичдан зил кетди. Халқумида зардоб қайнагандек афти бужмайди. «Бунинг хижолатвозлиги қачон унутиларкин...»

Хотини саломлашмади. Бек вазмин кўринишга уринди, индамади. Фазилат чидай олмади. «Бу шармандаликнинг кўпи менга тегади» деди. Бек миқ этмади. «Биров

гапирса сизни эмас, мени гапиреди — «хотинидан келган бу иш» деб маломат ёғдиради.

— Менга тўнкаб қўявер, маломати менга буюрсин.

— Менга тўнкаб қўявер дейсиз, кетиб қолдингиз-ку! Юкларни машинага ортунича ҳовлига чиқолмай ўтирдим уйда.

— Бўлар иш бўлди, энди...

— Бўлар ишни бошламасдан аввал ўйлаш керак эди... Шўрлик, «Хай, опа, яхши-ёмон гап айтган бўлсак» деб хайрлашса, йиғлаб юборибман!

Бек жаҳлининг измига тушди.

— Ҳа, йиғлаб хумордан чиқасан! Бахтингга кўз ёши бор! Менга осон тутасанми?! Мен ачинишни билмайманми? Унисига ачинсанг буниси, бунисига куюсанг унис қолиб кетади. Ўзига-ўзи ачиниш ҳам керак-да, одам!

Бек хотинига эмас, ўзига гапирар, тўғрироғи ўзини аёвсиз койиб хумордан чиқаётган эди. Фазилат нимадир деб эрининг гапини бўлди.

— Учир!!

Бекнинг бўғзидан ғайритабиий овоз портлаб чиқди. У олайган кўзлари билан хотинига (хотинига эмас, унинг сиймосидаги ўзига!) еб юборгудек тикилди. Фазилат юзини беркитиб товуш чиқармай йиғлар, жажжигина қизалоғи унга ёпишиб олганича Бекка ҳадик ва хавотирда анграяр, қайси томон ҳақлигини билолмаётган тўнғич қизи ҳам бир чеккада отасига бегонасираб қараб турар эди. Қўшни хонадан чопқиллаб чиққан ўғли дам онасига, дам отасига аланглади, кейин онаси томон бораркан, кўнгли тўлиб кетди.

— Опамми уришманг, ў, ада! Уришманг!..

Бек ўғлига, қизларига, хотинига бирма-бир тикилди, оиланинг бошлиғи, маслаҳатгўйи бўла туриб уларнинг олдида ўз ожизлигини шу қадар очиқ-ойдин намойиш қилиб қўйганидан таъби хираланди, тўсатдан қўл-оёғи бўшади. Бек шу алфозда хотинига, болаларига ички бир гуноҳкорлик билан разм солар экан, кўнглидан шундай хаёл кечаётган эди: «Омонлик бўлса, буларнинг бошига ҳам шундай савдолар тушаверади, ана ўшанда ҳар ким ўз ҳолича ҳақ эканини тушунади...»

... Тушунади. Дунёни, мурсою мадорани ҳар ким ўзича тушуниши табиий, бироқ, шундай тушунчаю туйғулар туфайли одамлар орасида ёлғизланиб қолмай-сизми?..

Чеки-чегараси кўринмас ва сўлим бу истироҳат боғида сайру-саёҳат қилиб юрганлар ҳисобсиз эди. Кексаю-ёш, эркагу-аёл ўзи билан ўзи овора. Ҳеч кимса, «Нима қилиб юрибсан? Қаёққа кетяпсан?» деб сўроққа тутмайди, биров бировга ола қарамайди. Истасанг — баҳайбат ва сершоҳ дарахтлар соясида ҳордиқ чиқар, ҳушингга келса — суви жимирлаб кўзни олаётган кўл ёқалаб сайр қил, яна истасанг — тангадек соя тушмай-диган сайхонликка чиқиб офтоб тигида баданингни тобла...

Йўқ, Расул ҳамма қатори боғнинг жаннатий неъматларидан баҳра олиб сайру саёҳат қилиб юравермайди, унинг тоқати тоқ бўлаверади, ўзини қўярга жой тополмайди, бундайин мужмал кайфиятига истироҳат боғи айбдордек атрофга ўқрайиб аланглайди, аламини ичига ютиб... ҳаловат истайди. Бўғзини тў-ўлдириб ҳаво ютади ва ҳаво аралаш ичига... ҳаловат тўлгандек бўлади, унга қўшилиб ўзи ҳам... ич-ичидаги ҳаловат қаърига шўнғигиси келади...

«Ҳаловат нима, ўзи? Бошига урадим, ҳаловатни?! Аслида беҳаловатлик — тириклик аломати-ку?! Шу-унча нарасага фаросати етган йигит барчага аён ҳақиқатга келганда ақли ноқислик қилса?! Ахир хей, банди мўмин, беҳаловатмисан, демак, яшаяпсан, тушуняпсанми, ўзи?! Ҳаловатга етишиш нима эканини наҳотки фаҳмламасанг, Расулжон?! Мутлақ ҳаловат гўшаси қаерда насиб этажагини кўз ўнгингга келтиргин: ўнг кафтинг — кўксингда, хотиржам, ёруғ оламнинг сенга меҳрибон қўллари кўмагида бетинг қиблага мойил... ҳаловатнинг ўзигинаси, янаям аниқроғи... сочингнинг учидан то оёғинг учигача «тирик» ҳаловат бўлиб узала тушганча ётибсан. Тик этган шовқин йўқ, ҳатто нафас олишинг ҳам эшитилмайди... бирон кас-нокас ҳузурингга қадам босмайди, дағдага қилиб тепангга келмайди, негаки дунёнинг кўҳна ҳикмати шу — нечоғли чароғон хонада ўтирсанг қадам ранжида этувчилар шунчалик кўпаяди, эгаллаган хонанг ғариб, нурсиз ва қоронғи тортгани сайин эса оёқлар тийилаверади.

Ётган хонанг шундай: бу масканнинг мутлақ соҳиби ўзинг — бу ерга ҳеч ким қучоқ-қучоқ дарди-ҳасрат халтасини кўтариб келиб, қопқоғи ёпилмаслик дардига йўлиққан мияннга тўкиб кетмайди, шовқин кўтармай-

ди, гоҳ узундан-уzun дуолар қилиб, гоҳ... сўкиниб хонангни тарк этмайди. Қулоғинг шангиллашидан безор бўлиб қочгани жой тополмай ўтирганингдек қатор-қатор телефон нағма қилмайди ҳам. Буларнинг бари унутилиб, янгигина қазилган тупроқ иси, оҳори тўкилмаган оқ сурп ҳиди омихталаниб димоғингни қитиқлайди...»

Расул синиқ жилмайди. Тақдир ўша гўшага етказса — димоғинг ҳидни сезмаслиги муқаррарку-я, илло ўз ҳолингга қўйишармикан?

У ўз ҳолига қолиш ҳақида кўп ўйлайди, истироҳат боғининг овлоқ бурчакларига бош олиб кетади... кимсасиз сўқмоқлардан йўл юрса-да мўл юриб кўпдан буён кўз остига олиб қўйган эшик ёнига етди. Энг сўнгги русумдаги майда, серкўз тахта эшик, янгигина бўёқдан чиққан, кўринишдан баҳайбат кўринса-да, қушдай енгилга ўхшайди — бармоғингни теккизмасингдан очилиб кетадигандек... эшикдан ўтган замонинг ўз ҳолингга қоладигандек...

Одам боласи ўз ҳолига қолиш кўйида бунча бошини метин деворга ураввермаса?..

Расул мулоим қайсарлар тоифасидан эди, шу боис, беш миллиард банда жўр бўлиб, «Девор бор!» деб ҳайқирган тақдирда ҳам у «Йўқ!» дея рад этишга иродаси-бардоши етар эди, бироқ, Башорат — чехрасидан сутдек нур таралгувчи Башоратой «Девор бор, Расул ақа» дедию, Расулбойнинг имон-эйтиқоди дарз кетди. «Башорат хасталиги» ундаги қатъияту ишончни синдирди. Башоратойнинг ҳар лутфи карами унинг учун мутлақ ҳақиқат, ҳар боқиши мутлақ жозиба тимсолига айланди.

Қизнинг «Бунчалик хаёлпарастсиз, Расул ақа, ҳамма ёқда девор бор», деган гапи унинг бисотида қолган сўнгги ҳаловат томчисини парчалаб юборди. Назарида Башоратой айтган девор топилса иккови ўша деворнинг икки томонида қолиб кетадигандек юраги симиллаб оғриди. Ваҳоланки, Расул қизнинг оппоқ билагидан, хилча белидан авайлаб қучиб боғни гир айланиш-ни, эпини топса қанот ёзиб осмонларга парвоз қилиш-ни ва тиним билмай, «Қани, девор? Девор йўқ, жоним!» дея севгилсидан суюнчи сифатида дилбар ўличлар олишни дилига тугди. Тугдию... дилидаги тугун ечилиши ўрнига...

У эшикка аста қўл чўзди, бармоғини, сўнг муштини

босди, назарида эшик шовқинсиз-несиз ланг очилиб кетадигандек эди, тасаввури алданганини дарҳол пайқади, таниш-билиши кўриб-нетиб қолгудай бўлса кулгили аҳволга тушажагини ўйлаб дарҳол эшикдан нари кетди. Бирмунча олислашиб улгургач, аста ўгирилиб эшик томонга ўғринча қаради, сервиқор ва жимжимадор эшик унинг устидан кулгандек бўлди.

— Ёш боладан баттар хаёлпараст экансиз, — деди Башорат унга. Қиз шундай деганида унинг юзида ачиниш, афсусланиш ва фахрланиш аломати сезилди.

— Мен хаёлларимда яшайман, — деди Расул мамнунлик билан.

— Ҳеч қачон ҳаётга айланмайдиган хаёлларингизда, шундайми?..

Қиз ҳар сафар шундай деса, Расулнинг нафақи ичига тушиб кетар эди, бу сафар у бўш келмади:

— Эшикни топдим-ку?..

— Очилмайдиган эшик!..

— Очилади.

Башорат яйраб кулди.

— Хўп, майли, эшикни топдингиз, шундайми?

— Топдим.

— Демак, деворни кўрдингиз, шундайми?

Расул шошиб бош чайқади.

— Йўқ, — деди ҳовлиқиб. — Девор кўринмади!..

Башорат қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Йигит қизнинг кулгисидан тақдирга ожизона тан беришни эслатувчи ҳазинликни сездди. Унинг юзини кафтлари орасида тугиб, ўзига қаратди.

— Менга қара, — деди у астойдил илтимос қилиб. — Тушунолмадим. Хўп, ҳаммаси сен айтганингча бўла қолсин, девор борлигини тан ҳам олайлик, фақат шундан сен хурсандмисан ёки?..

Расул гапини охирига етказолмади. Башорат ялт этиб унга кўз қирини ташладию, ўша заҳоти яна бошини ҳам қилди. Орадан пича фурсат ўтгач у мулоим, лекин рад этиб бўлмас ишонч билан гапирди:

— Менинг хурсанд ё хурсанд эмаслигимнинг аҳамияти йўқ, девор борми — бас, биз у билан ҳисоблашмоғимиз шарт.

— Бўйсунимиз шарт, демоқчимисан?

— Ҳм...

— Бошқалар ҳам шундай ҳисоблайдиларми?

— Бошқалар... биз мавжудлигини тан олишни ис-

тамаётган; энг шафқатсиз девор — бошқалар-да!..

— Ҳеч ким... биронтаси ҳам тушунмайдими, бизни?!

Башоратнинг лаби пирпираб кетди, лекин сир бой бермади. Оғиз жуфтладию, йигитнинг саволига жавоб қайтармай, елка қисди. Бу сўзсиз икром Расулга бамисоли ҳукмдек оғир ботди, қизни етаклаб «Арғамчизор» ортидаги дарвоза томон жадал йўл олди. Башорат Расулга заррача қаршилиқ кўрсатмади — у етаклаган томон кетаверди. Бу — унинг йигитга нисбатан буткул ишончининг белгиси эди. «Сиз билан дунёнинг энг олис бурчакларига кетиб қолишга тайёрман» деб неча бор айтди ҳам.

— Шундай экан, нега бунчалик деворлардан ўта олмаслигимизни, деворлар олдида ожизлигимизни пеш қилаверасиз, — жониқиб, ҳатто норозиланиб сўради Расул. — Одам ожизман дегани сайин ожизлиги ўн чандон кўпайгандан-кўпайиб бораверади, бундай умидсизлик билан девор оша ўтолмаслигимизни муқаррар қилиб қўясиз-ку.

«Арғамчизор» томондан бола-бақранинг қувноқ ва шўх қийқириғи эшитилиб турар эди.

— Ҳамма ўзи билан овора, — шивирлади Расул, гўё тил бириктириб қочишаётгандек маъшуқасининг қулоғига энгашиб.

— Лекин дарвоза тақа-тақ...

Расулнинг ич-ичидан кўтарилган ҳарорат бетига, ундан бошига тепди, чаккаси лўқиллаб оғриди. Дарвозанинг темир гардишли тавақасини оёғининг учи билан туртди, чунки кучоғидан чиқарса бировлар тортиб кетадигандек хавотирда икки қўллаб қизни бағрига босди, уни қўлига кўтариб олишга шайланди. Бироқ дарвоза тавақаси қимир этмади...

— Юринг, бу ерда турмайлик, — деди ўша заҳоти Башорат.

— Шошилманг, сен... сиз ошиқмай туринг.

Расул амирона оҳангда овозини кўтарди, буни Башорат ўзига оғир олмади. Расул худди узоқдан югуриб келиб дарвозага калла урмоққа шайланган кўчқордек ортига тисарилди. Башорат завқланиб кулди. Йигитни қўлтиқлаб, унинг яноғидан енгилгина ўпди. «Одамлар қараяпти, бизга», — деди шивирлаб.

— Қараса қарайверсин, — жеркиди Расул, хуноби ортиб. Башорат жиддий тортди.

— Қизиқсиз-а, Расул ака... «Девор, дарвоза» деяпмизу... мана шу одамлар-да, девор!.. Икковлашиб қўл ушлашиб юришимизни ким тўғри тушунади, ахир? Дарвозаю эшиклар — одамларнинг юраги, қалби, мана шу юрак ва қалблар тушунсагина дарвоза тавақалари очилган ҳисобланади биз учун!..

Расулнинг кўксига қандайдир жондор питирлаб, ўзига қўшиб Расулни учуриб кетгудек қанот қоқди. Расул Башоратнинг ўшатишини эшитиб энтикиб кетди, ўзини йўқотиб қўйди ва... қизнинг бетидан, яноғидан, бўйнидан устма-уст ўпди, бирдан чўк тушиб, унинг билагои, бармоқларини кўзига босди, энкайиб, тиззаларини қучди.

— Вой, бу нима қилганингиз? Туринг! — деди Башорат икки қўллаб Расулга ёпишиб. — Ҳамма қараяпти-я!..

Расул қаддини ростлай туриб атрофга аланглади, сайру-саёҳат қилиб юрганлар, югуришиб-қувалашиб ўйнаётганлар, чақчақлашиб суҳбат қураётганлар — ҳар бир одам кўзига девор бўлиб кўринди. «Башорат тўғри айтди, — хаёлига эрк берди Расул. — Ҳар одам бошқа одам учун — девор! Икки оёқли, жонли девор, ҳаракатланувчи, фикрловчи, гапирувчи, бошқаларни тушуниб... тушунмовчи девор...»

— Яхшилаб, самимий тушунтирсанг одамлар тушунади, — деди дилидагини тилига кўчириб.

— Нимани тушунади?

— Бизнинг муҳаббатимизни.

— Муҳаббатни тан оладими, одамлар, Расул ака?

— Башоратой, мен, биласизми?.. Биласанми, Башорат, мен би-ир-р кун кўрмасам, би-р-р соат телефонда овозингни эшитмасам тутқаноқ касалига йўлиқишимни, неча-неча тунларни бедор ўтказишим, соғинч азобидан жигар-бағрим тилқаланиб кетишини шу-ундай айтиб, ҳикоя қилиб бераманки, менинг изтиробларимдан энг ғалча, сўқимтабиат одамнинг ҳам юраклари сел бўлиб оқади ва ниҳоят мени... бизни тушунади.

— Ва устимиздан кулади... — илова қилди қиз.

— Нега, нега кулади? Ахир...

— Ахир... Қизиқсиз-а, Расул ака, — мулойимлашди Башорат. — Ўзингиз нима деган эдингиз?

— Нимани? Қачон?!

— «Бундай муҳаббат камдан-кам одамга насиб этади» демаганмидингиз?

— Айтгандим.

— Демақ, сиз билан бизнинг кўнглимиздан кечганини ҳам жуда камдан-кам одам самимий ҳис қила олади. Қани, қаерда ўшандай одам, қаердан излайсиз, қаердан топасиз?..

Расул кўлга сув қуйилиш томонда темир панжарадан ясалган эшик борлигини эшитган, ҳатто уни ўз кўзи билан кўрган ҳам эди. Негадир, шу дарвозани эсладиди, ичида умид чирогини ёнди. Назарида ҳозироқ етиб борса, Башорат билан қўл ушлашиб чиқиб кетадигандек, чиқиб олса жуфт-жуфт бўлиб осмон-осмонларга парвоз қилган оққушлардек ер юзининг э-энг жаннат-монанд гўшаларига бориб қўнадигандек...

Узоқдан темир панжарали дарвоза кўринганида Расулнинг юраги ҳаприқиб кетди.

— Тез, — деди ҳовлиқиб, — ана, кўряпсанми, одамлар бемалол кириб-чиқяпти. Биз ҳам, ҳозироқ етиб бо-рамизу.

Етиб боришди ҳамки, дарвоза тақа-тақ юзига ёпилди. Расул панжарани чангаллади, қўпориб ташлагудек куч билан силтади, дарвоза шарақладию, қилт этмади. Шунда у бир ёнда жилмайиб турган ўрта ёшлардаги дароз бўйли кишини кўрди.

— Ҳа, ука? — сўради дароз бўйли киши ҳамон жилмайган кўйи.

Расул унинг ёнига югуриб борди, оёғининг учига чўзилиб амакининг қулоғига шивирлади. Амакининг юзи ёришиб кетди, унга қўшилиб Расулга жон кирди ва бирдан... амакининг афти тундлашди.

— Шу ёшга кириб севги-певги нимаиканини билмабман, окўси, мана, ўлиб-нетиб қолганим йўқ, қайтага опоқинг саккизтасини туғиб берган...

Расул бир сапчию, ўзини Башоратнинг ёнида кўрди, ўзини унутиб, қизни авайлаш ниятида унинг қўлидан тутди. Қизга андармон бўла туриб амаки томон ўшқирди:

— Муҳаббатсиз оилада туғилган саккиз фарзандингизга ачинаман!..

У яна нимадир демоқчи эди, қиз билагидан тутиб тортганича гапиришга қўймади.

— Йиғлаяпсанми, Башорат? — сўради Расул жондан тушмаса-да, хавотирланиб.

Башорат бошини сараклатди.

— Нега унда хомуш тортдинг, жоним? — энди астойдил куйиниб сўради йигит.

— Расул ака, бунчалик соддадил бўлмасангиз!..

— Соддалигимдан куляпсизми?

— Сизнинг устингиздан кулсам, шу ерларда етаклашиб юрармидим!..

— Юринг, ҳозир музқаймоқ олиб бераман, ҳар хилдан, му-уздай, ширин-н-н! Маэза қилиб... едириб қўяман.

Башорат яйраб кулди.

— Мен сизга ёш боламанми?

— Мен сизга ёш боламан.

— Ҳамма қатори...

— Биз ҳамма қатори яшай олмаймиз, шундай-а, Башорат?

— Кўнглимиз шуни истайди.

— Ўзимиз-чи?..

— Ўзимиз...— Башорат жим бўлиб қолди, атрофидан ўтаётган одамларга беҳис-бемақсад термилди.

Расулнинг йигитлик ғурури поймол бўлган эди. Башоратнинг бир сафар хомуш тортишига арзимайман, деб ўзини-ўзи койиди. Қанчалик машаққат эса-да, Башоратни ўз муҳаббатига ишонтира ололди-ку, шундай бўлса-да, назарида у Расулнинг қайноқ муҳаббатини унутиб қўяётгандек туюлар, бунга сари ҳар учрашганида «Ишдан гапирайми?» деб сўрар, Башорат, «Гапиринг» дер, шунда Расул, «Ишқдан-чи, ишқдан? Ишни қўяйлик, ишқдан сўйлайлик», деб хиргойи қилишга туюлар, бундан Башорат дам самимий кулади, дам... Расулнинг бундай қилиқлари ўзига бачкана туюлади, кечаю кундуз хаёлларини ишғол этган қиздан уялади, қайтиб бундай изҳорлар қилмасликка аҳд боғлайди, аҳд боғлаган заҳоти...

— Ҳалиги катта ёзувчи бор-ку, — деди ёзувчининг исмини атай тилга олмай, — «Шунча йил бирга яшаб, хотинимга бирон марта «севаман» демаганман», — деб гердайдани-гердайдан.

— Аёл кишининг қалбини тушунмай туриб қандайга катта ёзувчи бўла олади, — бепарво жавоб қайтарди Башорат, хомуш тортиб.

Бу гап Расулга қандек ёқди.

— Сиз-чи?...— Башорат саволини охиригача айтмади.

Расул бундай саволга жон-жон деб жавоб берди:

— Мен «Мен сени севаман» деган сўзни миллион

марта айтаман. Айтганда, ҳам миллион оҳангда айта оламан!..

— Шунинг учун ҳам сизни ҳеч кимга раво кўрмайман, — деди Башорат ҳаяжонини яширмай.

Расул боғнинг энг чекка-чеккаларига, овлоқ бурчакларигача борди, ёлғиз ўзи пойи-пиёда кезди, учинчи, тўртинчи, бешинчи эшикларни бориб кўрди, эшик оғалари билан тил топишиш чорасини излади, бироқ ҳар сафар умиди, дучга чиқаверди, умидсизланганида ва унга қўшилиб Башорат ҳам тушкунликка тушганида бирдан сапчиб, ўрнидан ирғиб турар, «Йўқ, топамиз, бизни, бизнинг самимий ва бокира туйғуларимизни тушунадиган ва бизни қўллаб-қувватлайдиган, бизга оқ фотиҳа берадиган инсон топилади, ана ўша инсон биз учун очилган эшик ҳисобланади!», деб ҳайқириб, ҳаяжонланиб гапириб ташлайди.

— Ўзи боғда нечта эшик бор? — сўради у бир кунни тўсатдан.

Башорат жавоб бермай елка қисди.

— Боғда юрибмиз-ку, бунча ташқарига интилавермасак, Расул ака? — деб савол қотди.

Расулга худо берди.

— Мен боғда эмин-эркин юришимизга қаноат қилолмайман, биз ҳамма жойда — боғда ҳам, шаҳарда ҳам, уйдаю кўчада ҳам ўйнаб-кулиб юришимиз... яшашимиз керак. Тушунаяпсанми, Башорат, боғда қанча одам бўлса — биз учун уларнинг ҳаммаси эшик, очилмаган ва очилмайдиган эшик!

Расул ҳар сафар қизга тинмай далда берар, қачондир эшиклардан бирортаси очилишига уни ишонтиришга амин эди, амин эдию, баъзан кўнглининг туб-тубидаги тушкунлик, чорасизлик ва мискинлик унинг жисми-жонини қўшиб ерга босаётганидан қочгани — жой, айтгани — сўз тополмай, қолар эди. Шундай кайфиятда ҳам у оёқларига дам бермас, боғ айланиб тавақаси ланг очик эшик излар эди. Олтинчи эшикнинг олдига уй баравар шох-шабба уюб қўйишибди, еттинчи эшик йўлагини жим-жит, одам шарпаси ҳам кўзга ташланмади. Расул ҳайрон бўлди, «Етдим, топдим» деди ичида севиниб, бироқ унинг севинчи узоққа бормади.

— Ҳа, ке, ука, — деган товуш қулоғига чалиндию, товуш эгасини тополмай аланглади.

— Ўзим, шунчаки айланиб...

Расул мақсадини айтиб улгурмай товуш эгаси унинг хафсаласини пир қилди.

— Бу ердан ҳеч банда ўзи юриб ўтмайди, кўплашиб кўтариб ўтишади.

— Тушунмадим, — деди Расул, суҳбат асносида оstonадан ўтиб кетишни мўлжаллаб.

— Сабр қил, ана, орқанга қара, бу ердан кимлар қандай ўтишини кўрасан.

Расул келган йўлига ўгирилдию, қуюндек тумонат узра оппоқ сурп ўралган тобут сузиб эшик томон яқинлашаётганини кўрди. Навбатдаги умиди ҳам чиппакка чиққанидан Башоратнинг башоратлари тўғри эканига кўнглида ишонч туғила бошлади. Лекин бу ҳол узоққа чўзилмади, у ҳаддан ташқари ўжар ва қайсар эди, бинобарин, севгилиси билан мурод-мақсадига етажанига бўлган ишонч-эътиқодига даввало ўзи ишонди. Ана шу ниятига Башоратни ҳам ишонтира олди, энди фақат чорасини топса бас, чорасини!.. Учта эшик топди, бешта, олтита, еттинчиси хос эшик экан, ундан бу дунёдаги лаймонаси тўлганлар ўтар экан, ўтганлар жойини жаннатдан топсин, лекин саккизинчи эшик бор-ку, саккизинчисидан ўтиш эпини тополмаса излаб-истаб тўққизинчисини топиши мумкин-ку!.. Унингчиси ҳам гапми, истаганича топиши мумкин, истак, ишонч ўлмаса бас, Расул юраверади, оёғида оёқ қолмагунича, умри поёнига етмагунича... умри поёнига етса етар, илло сабр-тоқати поёнига етмайди. Қалақа бўладими, гуноҳкорга чиқади-ми, калтаклар остида қоладими — Башорат билан уни тушунадиган одам ёрдамида истироҳат боғидан чиқиб кетадиган эшик излаш ниятидан қайтмайди.

— Шундайми, Башорат? — сўради у кўнглидаги қатъиятга қиздан далда кутиб.

— Сиз нима десангиз — шу, — қисқа жавоб қайтарди қиз.

Расул учун бундан улугроқ куч-қувват ато этадиган далда бўлиши мумкин эмас эди. Шу боис у дуч келган эшик олдида кўнглидаги мана шу ишонч-эътиқод тўлқинида борди, интилди, уринди — одамлар билан тил топишиш илинжида сўзамоллик, уддабуронлик соҳасидаги жамики маҳоратини ишга солди.

Гиштли девор орасида қолиб кетган одам бўйидан баландроқ тахтани кўрганида Расул анчагина толиққан, тушкун кайфиятда эди. Фақат... доимо саранжон-сарришта, озода сақланадиган боғнинг одамлар кўзидан йироқ ювлоқ бурчаклари қаровсиз, эътиборсиз ташлаб

қўйлади. Ташландиқ жойга на сув-пув сепилади, на супурги тегади. Чанг-чунг, доғ-дуғ босган тахтани девордан кўчириб ташлаш осон эмас. Олдига яқинлашиш ҳам маҳол: йўл йўқ, белга урадиган чақир тиканакли янтоқзор қадам босгани қўймайди. Расул қўли билан букиб, тик ўсган янтоқларни ёнбошга ётқизиб йўл очишга киришди, кафтининг сиртини тикон тилди, парво қилмади «Эҳтиёт бўлинг» деди Башорат меҳрибонлик билан, қизнинг оппоқ билагида қип-қизил чизиқлар пайдо бўлганини Расул шундагина пайқайди.

— Сиз қўлингизни урманг, аста ортимдан келаверсангиз бас, — деди у гамхўрлик кўрсатиб.

Шундай дея туриб оёғи билан янтоқ танасини босди, туфлининг таг чармига «кирт» этиб тикан кирди, эътибор қилмади, қуриган ўт-ўлан орасида итлар ғажиган суяк қолдиқлари кўринди, йўл очишда давом этди, терлаб-пишиб кетди, Башорат рўмолчаси билан унинг чаккасидаги, бетидаги терни артди. Қизнинг янтоқ шохинилган этагини авайлаб бўшатди, Расул унинг оппоқ юзлари қизариб кетганини кўрди. Башорат бир оғиз бўлсин эътироз билдирмади, мен бу йўлдан юрмайман деб орқага қайтмади, ҳатто одатича, «Қаёққа кетяпмиз, Расул ака?», деб савол ҳам қотмади. Қаёққа кетаётганимиз эмас, бирга бораётганимиз муҳим дер эди Расул, мана, ҳатто ташландиқ янтоқзор оралаб бориш ҳам бу йигит-қиз учун фароғат, роҳат эди.

Расул тахта устидан кўпайтирув амали шаклида қоқилган темирга қараб, ажабланди, ҳали этиб бормаи шу қўшалок темирни олиб ташлашни мўлжаллади.

— Асбоб-ускунасиз кўчириш қийиндир? — иккиланиброқ сўради Башорат.

— Икковимиз бирлашсак ҳеч қандай қийинчилик бизга писанд эмас, — жавоб қайтарди Расул.

Шундай бўлди ҳам — Расул Башоратнинг кўмагида тахтага қоқилган темирнинг бирини, сўнг иккинчисини осонгина кўчириб ташлади.

— Айтдим-ку, Башорат, астойдил киришсак ҳар қандай машаққатни енгамиз, — деди қувониб Расул. — Раҳматли отам кўп гапирар эдилар: астойдил аҳд қила билсанг — битмайдиган мушкул иш йўқ дер эдилар.

— Ҳеч зоғ йўғ-а? — сўради Башорат атрофга ажабланиб аланглаб.

— Биз бормиз-ку, — кулимсираб пешонасидаги терни кафти билан сидирди Расул.

— Мен бошқаларни сўраяпман, йўловчиларни...

— Биз бошқалар эмасмиз, жоним, биз... бизни тушунамиз... бизни ва биз кабиларни тушуна биладиганларгина этиб келишлари мумкин бу ерга...

Расул овозини хиёл кўтариб санай кетди, етмишдан ошгандагина қиз унинг саногини бузишга журъат этди.

— Санашга вақт жеткизмай, бир бошдан кўчириб ташлай қолайлик.

— Яхши, шундай қила қоламиз,— деди Расул ва тахтага қоқилган михлардан бирини тортқилай бошлади. Мих қимирладию, лекин суғурила қолмади, Расул уни айлантариб-тебратиб узоқ уринди.

— Шу-унча михни қоқиш кимга зарил келган-а? — Башорат Расулнинг куйиб-пишишига ачинганидан но-розиланиб сўради.

— Эшикка эмас..

Расул шундай деб гап бошлаганида бош бармоғидан қон тирқираб кетди, Башорат рўмолчасини шилинган ярага босди, қора терга ботиб мих суғураётган йигитга жони ачишганидан уни ниятидан қайтаришга ҳам жазм қилди.

— Тахтани олсак-да, фойдаси бўлмаса нима қиламиз? — деб сўради шубҳасини яширмай.

— Бу михлар эшикка ёки тахтага эмас, — деди узилиб қолган гапини давом эттириб, — юракка қоқилган. Сен билан биргаллашиб ана шу юракдаги михларни битта-битталаб суғуриб ташлаймиз. Майли, қўлимиз қонасин, майли, кўкариб-шилисин, лекин юрак михлардан тозаланса, томирлардаги қон гупириб оқади, қара, занглаган-қорайган эгри-бугри катта-кичик михлар...

Шом қоронғиси чўка бошлаган эди. Расул тахтадан суғуриб олган михлар оёқ остида уюлиб, шақир-р-шуқур-р қилар, занглаган, қорайган-қурайган мих уюмидан Расулнинг вужудидан оқаётган терга, қўлларининг ва... қайсидир юракларнинг қони қўшилиб силқиллаб томаётган эди. Шундагина у тахтанинг нариги томонидан қоқилган саноқсиз михларнинг учи бу ёққа чиқиб қолганини кўрди. Жуссаси ихчам кўринган Расул тахтага шердек ҳамла қилди, у ҳар битта михни минг бир уқубатда қимирлатиб, тортиб, суғуриб олишда давом этди. Қўйлаги титилиб кетди, жаз-жаз ачишаётган кафтини, бармоқларини дамба-дам тиззасига босаверганидан шими қонга беланди. Қорни очмаётганига, қўли ёки асаблари толиқмаётганига ҳайрон бўлди,

лекин бирон лаҳза қилаётган иши ўзига бемаъни ёки бесамар туюлмади.

Унинг ёнида Башорат бор эди, Башорат билан ҳоли қолиш қувончи уни ҳар қачонгидан куч-қувватга тўлдирган, Расулнинг ҳар қандай ҳатти-ҳаракати Башорат учун қадрли, ҳикматли эди.

Мўъжиза қоронғилик аини қуюқлаша бошлаганда юз берди: истироҳат боғининг бу овлоқ гўшаси ёритилмаганидан зумда зимистонга, алмисоқдан қолган тахтага аллакимлар томонидан қоқилган беҳисоб миҳларни суғуриб олаётган йигит билан қиз кўлагага айланган пайтда... тахта жойидан силжиди. Расул азбаройи бақириб юбораёзди.

— Жоним! — деди тахтага кифти билан суяниб.

Башорат ёмонроқ шикастландими, деган хавотирда йигит томон интилди, Расул қонталаш кафти билан қизнинг белидан қучди, уни бағрига тортиб юзига беозоргина лабини босди. Башорат «пича дам олайлик» демоқчи эди, лекин йигитнинг кучига-куч қўшилганидан қўшилаётганини кўриб ҳайратга тушди. Оёғига тармашиб тиззаси томон ғимирлаб, ўрмалаб чиқаётган сероёқ ҳашаротни шимининг устидан пайпаслаб тутмоқчи бўлди, эпполмади, ҳашарот тиззасининг кўзига етди, тақимига ўтди. Қаердадир илон вишиллади.

— Илоннинг уяси борга ўхшайди, — деди хавотирланиб Башорат.

— Суғуриб олинган миҳларнинг ўрнидан чиқяпти, — деди бамайлихотир, Расул.

— Бир оз дам олинг, Расул ака, — Башорат ёлборгудек оҳангда.

Расул кулди.

— Энди дам олмаймиз, Башорат. Етдим деганда чарчоқ қоладими, жоним?! Тахта ўрнидан кўзғалай деди. Сенга кўринмаяптими, Башорат?!

— Тахта олинса нима бўлади, Расул ака?

— Бу — қуруқ тахта эмас, эшик, тушуняпсанми, Башорат, аллазамонлардан қолган ва кимдир келиб очишини кутаётган эшик! Парвардигор бирорта бандасини бенажот қолдирмайди, жоним, «бошим қотиб қолди», «дунё кўзимга қоронғи», «чора қолмади» деганлар бекор айтибди. Башорат, майли, эшиклар ёпиқ бўлсин, майли, эшиклар бетингга тақа-тақ ёпилсин, ўксима, жонгинам, бири бўлмаса — иккинчиси, бештаси ёпилса — олтинчиси, ўнтаси очилмаса — ўн бирин-

чиси очиқ бўлади, очилади, уқяпсанми, меҳирбоним, ҳамма эшиклар гумо-гурс ёпиқ бўлиши мумкин эмас, зинҳор ундай бўлмайди, фақат умид ўлмаса, ҳаракат сўнмаса бас, очиқ эшик топилади, Башорат, шу ердан мисан, азизим, ке, ёнимга, яқинроқ ке, жоним, яқинроқ, жудаям яқин кела қол!.. Ҳадемай... ҳадемай... майли, қўлларимнинг териси, эти шилиниб тушсин, қонлар оқа-версин, илону қурт-қумурсқалар баданимни чақсин, уст-бошимни тиканлар, миҳлар илма-тешик қилсин, сен ёнимда бўлсанг кифоя, Башорат, Башорат, мени... бизни қутқаради, халос этади, тушундингми, Башорат?.. Ҳалоскорим...

Расул навбатдаги миҳни тортганида тахта доп этиб ўрнидан силжиди, қийшайиб унинг устига ағдарила бошлади. Расул эшикка қарамай қизнинг билагидан тутди, уни қучиб ағдарилаётган эшикка, эшикка қоқилган, ҳали суғуриб улгурилмаган саноқсиз миҳларга қаради, вужуди зирқиради. Шу топда эшикнинг ортидан майин, ёқимли шабада эсди. Бир жон бир тан бўлиб турган Расул билан Башорат бу эпкиндан энтикиб кетди...

МУНДАРИЖА

Қисса

Ҳижроним мингдир менинг... 3

Ҳикоялар

Отанинг ошнаси	50
Меҳмон	60
Ўзим	63
Бугун эрталаб	68
Этакдаги уй	82
Ўн биринчи эшик	89

Адабий-бидиий нашр

Хуршид Ҳусеинмуҳаммад

ҲИЖРОНИМ МИНГДИР МЕНИНГ...

Қисса ва ҳикоялар

Муҳаррир З. Мирзаева

Мусаввир Ю. Габзалилов

Расмлар муҳаррири Ю. Габзалилов

Техн. муҳаррир У. Ким

Мусаҳҳиҳ Ф. Ортиқова

Босмахонага берилди 7.01.99. Босишга рухсат этилди 11.03.99.
Ўлчами 84×108¹/₃₂. Юқори босма. Нашр табағи 5,51. Шартли
босма табағи 5,46. Жами 5000 нусха. Бужуртма 187. Шартнома
1—99. Баҳоси шартнома асосида.

«Езувчи» нашриёти, 700129, Ташкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ташкент
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Ташкент, Юнусобод
даҳаси, Муҳаммад кўчаси, 1-уй.